

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**“СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ”  
фанидан маъруза матнлари**

**Т Ў П Л А М И**

**ТОШКЕНТ-2005**

-- Т.: ТМИ, 2005. 241 бет.

### **Аннотация**

Мазкур маъруза матнлари тўпламида «Солиқлар ва соликқа тортиш» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг соликли ва соликсиз тўловлари таркиби, амалда бўлган ҳар бир солик турини ҳисоблаш, ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва тўлаш тартиби, давлат солик хизмати органларининг ваколатлари ва вазифалари каби масалалар кенг ёритиб берилган.

Маъруза матнлари аввало 5340800 – «Солиқлар ва соликқа тортиш» бакалавриат йўналиши ҳамда 5340000 – «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасининг барча йўналишлари ва мутахассисликлари учун мўлжалланган.

Мазкур маъруза матнлари тўплами «Солиқлар ва соликқа тортиш» кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

2005 йил 2 июль 14-сонли мажлис баёни.

**“Солиқлар ва соликқа тортиш”  
кафедраси мудири:**

**доц. А. Жўраев**

Мазкур маъруза матнлари тўплами Тошкент Молия Институти қошидаги Олий ўқув юртлааро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

2005 йил 7 июль 4-сонли мажлис баёни.

**Ректор:**

**проф. А. Воҳобов**

**Тузувчилар:**

**доц. А. Жўраев  
к.ўқ. О. Шодиев  
к.ўқ. А. Аманов**

**Тақризчилар:**

**доц. И. Рахимбердиев  
Солик академияси  
доц. Ҳ. Жамолов**

## **1-мавзу: “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, мазмуни ва ўрганиш усуллари (2 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

фанни ўқитишида интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш бўйича муаммолар;

фанинг мазмунини ёритишида янги педагогик технологияларни қўллаш жараёнини тезлаштирувчи услубиётни ишлаб чиқиш муаммолари;

талабаларни ҳар бир мавзу юзасидан тахлил, умумлаштириш, гурухлаш, таққослаш, туркумлаш каби тафаккурнинг юқори босқичларида фикрлашга ундаш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

тўловлар, солиқлар, солиққа тортиш, солиқ тизими, давлат бюджети, солиқ тўловчилар, солиқ хизмати

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 1,2,4,6,8,9,14,20

Қўшимча адабиётлар: 26,29,31,36

## **1. Солиқлар ва солиққа тортиш фанини ўқитишнинг зарурлиги, унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.**

Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг бошқа фанлар сингари ўзига хос предмет ва вазифалари мавжуд. Бу фанни ўқитишнинг зарурлиги бозор иқтисодиёти муносабатлари ичидә солиқ муносабатларининг аҳамияти ўсиб бораётганлигидан келиб чиқади.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани солиқ воқеъликларини (ҳаракатларини) чуқур ўрганиш асосида зарурий хулосалар чиқариб, уларни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ўргатади.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани солиқ амалиётидаги энг тўғри, энг мукаммал ва энг прогрессив воқеъликларни ўрганиб, амалиёт учун худди бир дастурий амалдай ёритиб боради. Назария воқеъликларни амалиётдан олади ва яна амалиётга энг тўғри, маъқул ва илғор тажрибалар олиниб амалиётга йўл кўрсатиш учун ўргатилади.

Демак, назария амалиёт учун керак ва амалиёт учун компас, барометр, йўл бошловчи вазифасини бажаради. Назариясиз амалиёт йўлдан адашган йўловчидир. Назарияни чуқур билган амалиётчи ҳар қандай ўзгаришларда ҳам ишлаб кета олади ва йўлдан адашмайди.

Солиқлар ва солиққа тортиш фанини ўқитишнинг зарурлиги амалиётда йўлдан адашмаслик, кераксиз солиқлар бўйича ўзгартишларга йўл қўймаслик, амалиётда истиқболли қадамлар ташлаш учун ва катта муваффақиятларга эришиш учун ҳам зарурдир.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани солиқ назарияси фани билан чамбарчас боғлиқдир, унинг маҳсус бўлими, яъни чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган бўлимидир. Чунки солиқ назарияси қонуниятлари умумиқтисодий назария қонуниятларидан четга чиқиб кета олмайди, уларга асосланади ва ривожлантирилади.

Солиқ муносабатлари молия муносабатларининг таркибий қисми бўлганлиги боис, солиқлар ва солиққа тортиш фани ҳам молия назарияси фани билан чамбарчас боғлик. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатларини ўргатади.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани давлат бюджети фани билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Чунки солиқлар охир оқибатда бюджет даромадларини шакллантиради. Солиқлар (даромадлар) бўлмаса бюджет муносабатларининг

ўзи бўлмайди. Бу фан чет мамлакатлар солик тизими, молиявий ҳисоб, солик қонунчилиги асослари, соликларни прогноз қилиш фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

## **2. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг предмети ва функциялари.**

Хар қандай фан ўзининг предметига, яъни изланиш обьектига эга бўлади. Масалан, технология фанининг предмети бўлиб кимёвий моддаларнинг таркибини ўрганиш ҳисобланса, машинасозлик фани учун машиналар механизмини характеристикаси бўлса, солиқлар ва солиққа тортиш фанининг предмети солиқ муносабатларини (харакатини), солиқлар механизмини ҳар томонлама ўрганишдан иборатdir.

Фанинг предмети солиқ воқеъликлари пул муносабатларини ўрганишдан иборат бўлади. Бу пул муносабатлари солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи (солиқ олувчи) давлат ўртасидаги муносабатлардир. Фанинг моҳияти шу ўртадаги муносабатни чуқур ўрганиш, уларни тўғри ташкил қилишни таъминлашдир. Тўғри ташкил этиш деганда солиқ муносабатида қатнашувчи томонларнинг иқтисодий манфаатини эътиборга олиш, мувозанатни сақлаш каби муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Бу мувозанатни сақлашда томонлар адолатлик ва инсофлик тамойилига амал қилиши зарур. Тушунарлироқ қилиб айтсак, бюджетга солиқларни олишда солиқ тўловчилар бўйнига ортиқча оғирлик осмаслик, уларни ўз ишлаб чиқаришидан манфаатдорлигини сўндириб қўймаслик, уларнинг дастурлари ва режаларини тез - тез ўзгартиришга олиб бормаслик ва ҳоказоларга эътибор бериш кўзда тутилади. Бу ерда томонларнинг дўстона муносабатда бўлиши, бозор иқтисодиёти талабларига мос иқтисодий муносабатлар бўлишини ўргатади. Фанинг предметини чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, муносабатларда бир томонлама зўравонлик муносабати бўлгудай бўлса, иккинчи томон унга жавобан ўз даромадлари, бошқа солиқ обьектларини ҳар хил йўллар билан яширади. Бундай ҳолларда ҳар қандай хуқуқий ҳужжатларнинг ҳам кучи етмай қолиши мумкин. Даромадларни, солиқ обьектларини яшириш ҳолати ҳам муносабатларни бузади. Демак, солиқлар ва солиққа тортиш фанини чуқур ўрганиш орқали амалиётда солиқ тушумлари режаларини муваффақиятли бажариш вазифасига ҳам эришиш мумкин.

Фанинг функциялари солиқ мутахассиси ва бошқа солиқ идоралари ходимларини назарий жиҳатдан қуроллантириш ҳамда амалиётда адашмаслик учун йўл - йўриклар кўрсатишдан иборатdir. Шунингдек, чет эл солиқ амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хulosалар ишлаб чиқиш, уларнинг иш тажрибаларини ўзимизнинг амалиётга мослаб зарур жойларини тадбиқ этишдан иборатdir.

Демак, фаннинг асосий функцияси юқори малакали солиқ мутахассислари тайёрлашда уларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан услугубий қўлланмалар билан таъминлашдир.

### **3. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг мутахассис кадрларни тайёрлашдаги роли.**

Солиқларнинг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳамда ҳозирги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиёти шароитида давлат уни ташкилотчиси эканлигидан солиқлар ва солиққа тортиш фани давлатнинг ўта зарур бўлган хилма - хил вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ва уларга асосланади. Давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш уни тақсимлашнинг қонун - қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тақсимлашдаги муносабат бозор иқтисодиёти шароитида пул орқали амалга оширилганлигидан давлат уни тақсимлашни ҳам пул муносабатлари орқали, яъни солиқ, пул ва кредит орқали амалга оширади. Давлатнинг бундай фаолиятини ўрганиш - солиқлар ва солиққа тортиш фанининг дикқат - марказида туради.

Бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф, рақобат, қиймат ва бошқа қонунлар орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти - эркин иқтисодиёт, пулли муносабатлар иқтисодиётидир. Солиқлар ҳам пул муносабатларини ифода этганлиги учун бозор иқтисодиёти таркибига киради, унинг ажралмас қисмидир. Бозор иқтисодиёти қонунлари - солиқлар ва солиққа тортиш фанининг асосини ташкил этади. У қонунларни чукур англамасдан туриб солиқлар ва солиққа тортиш механизмини тушуниб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти қонунларини ўрганиб чиқиб, давлат ялпи ички маҳсулот қийматини солиқлар орқали тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Шундай экан, давлат тўғрисидаги таълимот - давлат иқтисодиётни бошқаришда бош рол ўйнаши солиқлар ва солиққа тортиш фанининг асоси бўлиб хизмат қиласди. Давлат бозор иқтисодиётини бошқаришда етакчилик, бошқарувчилик ролини ўйнайди. Давлат солиқларни иқтисодий моҳияти ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, уни амалиётга тадбиқ қилишни ўз зиммасига олади.

Солиқлар ва солиққа тортиш фаниниг солиқ хизмати ходимларини тайёрлашдаги роли. Солиқ хизмати ходимлари ўзларига қонуний ҳужжатларда юкланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун фақат амалий жиҳатдан солиқларни билибгина қолмасдан, солиқларнинг моҳияти, белгилари, уларнинг объектив зарурлигига, давлатнинг солиқ сиёсати, солиқлар тизими, солиққа тортиш тизими, солиқ идоралари тизими ва бошқалар каби назарий масалаларни чукур билишлари зарур. Бунинг учун эса солиқлар ва солиққа

тортиш фанини чуқур ўрганиш керак. Шуни назарда тутиш зарурки, Леонардо да Винчи айтганидек: «Назария қўмондон, амалиёт аскарлардир» Назария амалиётни тўғри йўлга бошловчи компасдир. Ҳар қандай вазифаларни кадрлар ҳал қиласди. Шунинг учун, улар чуқур назарий билимга ва касб маҳоратига эга бўлишлари зарур.

Фаннинг мазмунини чуқур эгаллаган ҳар қандай мутахассис солиқлар ва солиққа тортиш жараёнини ўрганишда ва уларни ҳаётга тўғри ва тўлиқ тадбиқ этишда адашмайди. Шундай экан бу фан солиқ хизмати ходимлари, солиқ соҳаси вакиллари, илмий ходимлар учун ўзларининг илмий салоҳиятларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитиш нима учун керак?
2. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани нимани ўргатади унинг қандай функциялари бор?
3. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассис кадрлар тайёрлашдаги роли қандай?

## **2-мавзу: Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва солиқсиз тўловларига умумий тавсифнома (4 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

солиқ амалиётида ҳаракатда бўлган солиқ турларини қонун хужжатлари орқали тизимлаштириш ва гуруҳлаш;

солиқсиз тўловларнинг солиқ тўловларидан фарқини хуқуқий жиҳатдан асослаш ҳамда уларнинг мезонларини аниқ кўрсатиш;

юридик шахс мақомини ўрганишда унинг статистик кодларини ҳамда бошқа асосий реквизитларни умумлаштириб, уларни белгилаш хусусиятларини асослаш;

### **Таянч сўз ва иборалар**

солиқлар ва солиқقا тортиш, солиқ тизими, солиқли ва солиқсиз тўловлар, давлат бюджети, бюджет даромадлари, юридик шахс, жисмоний шахслар, тўғри солиқлар, эгри солиқлар, инфляция

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 2,5,11,15,20

Қўшимча адабиётлар: 27,32,37

## **1. Ўзбекистон Республикаси солиққа тортиш тизимида амалда бўлган солиқли ва солиқсиз тўловлар ҳамда уларни амал қилиш доираси.**

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатлар солик тўловчилар (хуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди-сотди қилганда ҳам пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солик бўла олмайди. Солик муносабати бўлиш учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот (тўғрироғи, ялпи миллий маҳсулот) қийматини тақсимлаш ўйли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнини амалга оширади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, уларга: мажбурийлик, хазинага тушишлик, қатъийлик ва доимийлик, аниқ солик тўловчи учун эквивалентсизлик белгилари мавжуддир.

**Биринчи белги-мажбурийлик.** Солик ва йигимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солик тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қояди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солик Кодексиинг тамойили асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси хуқукий томондан давлат учун кафолатланган.

### **Иккинчи белги солиқларнинг давлат мулкига айланишидир.**

Солиқлар албатта хазинага-давлат бюджетига ва бошқа давлат пул фондлари тушади. Борди-ю, тўлов бошқа ихтиёрий фондлар - «Истевъод», «Экосан», «Камолот», «Нуроний» жамғармалари тушса, унда солик муносабати бўлмайди. Чунки мажбурийлик тамойили йўқ, у тўлов давлат мулкига тушмайди.

### **Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади.**

Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Илмий асоси қанча чуқур бўлса, солиқлар шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қиласи ёки жуда кам ўзгаради.

## **Тўланган солиқлар мамлакат миқёсида ҳаммага бир хил миқдорда қайтиб келади.**

Лекин, давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб келмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи бу йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқ ва йигимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб-интизомни ўрнатиш ва бошқа ижтимоий-зарурӣ хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади. Демак, солиқ тўловчилар нуўтаи назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тўланадиган (тўлов) ҳақдир. Солиқлар бюджетга ва давлат пул фондларига келиб тушадиган, мажбурий ҳарактерга эга бўлган пул тўлови муносабатларидир. Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари, шу жумладан, молиявий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс, тадбиркор ўз товарига эркин баҳо белгилаши, маҳсулот етказиб берувчини топиши ва ўзи истеъмолчини топиб унга маҳсулотни сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Солик қилиб олиш учун Олий мажлиснинг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетга ўтади. Эркин иқтисодиёт шароитида солиқлар ҳам эркин, очик, аниқ бўлади, демократик тўловга айланади.

Солиқлар иқтисодий категория бўлганлигидан тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта, эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Бу ҳақда кўплаб йирик иқтисодчилар ва давлат арбоблари ўз асарларида кўрсатиб ўтган. Уни давлат, шу билан бирга солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолиятини ҳисобга олиб солиқ белгиланади. Иккинчи томондан, солиқлардан макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадалари учун етарли молиявий ресурслар тўплаш учун фойдаланилади. Солиқлар моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узок муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади. Аниқроқ айтсак бу ерда

иқтисодий муносабат, яъни пул муносабати мавжуддир.

Бир хил моҳиятга эга ва ўзаро муносабатда боғлиқ бўлиб марказлашган пул фондини ва давлатнинг бошқа фондларини мажбурий ташкил этадиган солик ва йифимлар турларининг йифиндисига солиқлар тизими деб аталади. Бу таърифда солик ва йифимлар ягона моҳият, яъни «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят бюджетга тушишлигини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси солик Кодекси мазмунига мос келади. Шу ерда баҳсли масала ҳам мавжуд, яъни давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтимоий суғурта, бандлик, йўл фондлари ва бошқалар) тўловларни ҳам мажбурийлик нуқтаи назардан солик тизимига киритиш муаммоси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексининг 5-8 моддаларига биноан солиқлар тизими қуидаги таркибга эга бўлиб, унга кейинги ўзгартиришлар ҳам киритилган.

### Ўзбекистонда солиқлар тизими таркиби

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йифимлар
<ol style="list-style-type: none"><li>Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солик.</li><li>Жисмоний шахслар даромадига солик.</li><li>Қўшилган қиймат солиғи.</li><li>Акциз солиғи.</li><li>Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиғи.</li><li>Экология солиғи.</li><li>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>Мол-мулк солиғи.</li><li>Ер солиғи.</li><li>Ободонлаштириш ишлари ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи.</li><li>Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун солик.</li><li>Савдо қилиш ҳукуқи учун лицензион йифим, шу жумладан алоҳида товар турларини сотиш лицензия йифими.</li><li>Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун йифим.</li></ol>

Жадвалда кўриниб турибдики, ҳозирги кунда Солик кодексида 7 та умумдавлат (республика) солиқлари ва 6 та маҳаллий солиқлар кўрсатилган. ўзгартиришлар билан уларнинг сони йифимлари ҳам қўшиб кўрсатилган. Солик ва йифимлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, оқибат натижасида улар ҳукукий ва жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади. Демак, солик ва

йифимларнинг жами йифиндиси суммаси солик оғирлиги тушунчасини келтириб чиқаради.

Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гурӯҳлаш. Солиқларни гурӯҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсирларни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар соликқа тортиш обьектига қараб тўрт гурӯхга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар
2. Даромаддан олинадиган солиқлар
3. Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар
4. Ер майдонига қараб олинадиган солиқлар.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгариdek маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади (ҚҚСда). Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солик, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан солиқлари киради. Бу гурӯх солиқларга инфраструктурани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи, экология, автомобиль машитналарини қайта сотиш солиғи ва бошқалар киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шаахсларнинг ер солиқлари киради. Харажатлардан олинадиган солиқларга эса экология солиғи киради.

Иўтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвоста бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солик тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солик юкини бошқаларга ортиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солик тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини

яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари кўпайтирилса, бизнес имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлангандир.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир (хизмат кўрсатувчилардир). Лекин солик оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат) ни истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солик тўловчилар бу ерда яширган. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равиша қўйилади.

Бу солиқларнинг ижобий томони Республикада ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равиша оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солик ставкаси таҳлил қилинмасдан ошириб юборилса корхоналар сотиш қийинчилигига учраб фойда олишни ҳам бюджетга тўловларни ҳам камайтириши мумкин.

Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инқирозни жиловлаб боради. Бироқ бу солиқлар меҳнат билан банд бўлган аҳолининг реал даромадини пасайтиради. Корхоналарда тўғри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, товарлар ассортиментининг ошишини таъминлаши керак.

Жаҳон солик амалиётида тўғри ва эгри солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ёки иқтисодий қийинчиликларни борлигини таҳлил қилиб бериш мумкин. Масалан. АҚШ да тўғри солиқлар салмоғининг бюджет даромадида 90 фоизга яқин бўлиши бу ерда ривожланган бозор иқтисодиёти мавжудлигидан дарак беради.

Эгри солиқлар таркибиға ККС, акциз солиги, божхона божи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари киради. Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солик тизимини ташкил этиб бир-бири билан ўзаро боғланган. Умумий солик суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисини ставкасини оширишни талаб этади.

Солиқларнинг умудавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши

хукумат идораларининг республика хукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика хукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, меҳнаткашларга ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. ҚҚС, акциз солиғи, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан, фуқаролар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субъсидия берилади. Агар келгуси йил маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари (солиқлари) кўпайиб қолса, республика солиқлардан ажратма беришнинг ҳожати қолмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятига эга бўлиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплади, холос. Кейинги вактларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш каби ҳукумат қарорлари мавжуд. Маҳалий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Факат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, ҳар хил молиявий камчиликларга йўл қўйиш эҳтимоли бор. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу худуднинг бюджетига тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда илгари кўрсатганимиздек худуддан тушадиган солиқлардан ажратмалар берилади.

(масалан, ҚҚС, даромад солиғи ва бошқалар). Амалиётда шу солиқлардан маҳаллий бюджетларга улар бюджетини барўарорлаштириш учун 100 фоизгача ажратма бермасдан туриб субвенция (мақсадли ёрдам) бериш ҳоллари учрайди. Ваҳоланки, маҳаллий ҳукуматларни ўз ҳудудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун 100 фоизгача ажратмалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Субвенция ёки субсидия услублари эса маҳаллий ҳукуматларнинг республика ҳукуматига мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилишини қизиқтирмайди, улардаги боқи беғамлик фазилатини кучайтиради. Маҳаллий ҳукуматлар ўз хошишларича солиқ ва йиғимлар киритиш ҳукуқига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида кўрсатилган солиқларнинг ўз ҳудудларида қўллаш ёки қўлламаслик ҳукуқи бор. Ундан ташқари маҳаллий солиқлар (мол-мулк ва ер солиғидан ташқари) ва йиғимлардан бюджеттага тушган сумма атрофига солиқ тўловчиларга имтиёзлар бериш ҳукуқига эга. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджеттага тўлиқ тушишини ташкил қилиш уларнинг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

## **2. Юридик шахсларнинг солиқли ва солиқсиз тўловлари тавсифи.**

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва йифимларнинг ҳал қилувчи қисмини юридик шахс солиқлари ва бошқа тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар Республика (умумдавлат) бюджетига қуидаги солиқлар ва йифимларни тўлайдилар:

- Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солиқ;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Экология солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан солиқ;
- Божхона божи;
- Давлат божи;
- Бошқа тўловлар;

Юридик шахслар маҳаллий бюджетларга қуидаги солиқлар ва йифимларни тўлайдилар:

- Кичик бизнес учун ягона солиқ;
- Мол-мулк солиғи;

(Реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ - 2003 йилдан бошлаб бекор қилинди).

- Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- Савдо ҳуқуқини олиш йифими;
- Алоҳида товарларни сотиш учун лицензия йифими;
- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш йифими;
- Дехқон бозорида бир марталик йифим;
- Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи;
- Ноқишлоқ хўжалик ташкилотлари учун ер солиғи;
- Бошқа тўловлар.

Юридик шахслар солиқ тўловчи бўлиши учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга бўлишлари ҳамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган

(кодга эга) бўлишлари шарт ҳар бир юридик шахсга идентификацион рақам берилади.

Юридик шахс бўлиб мулкка эга бўлишлик, бордию соликдан ёки бошқа субъектлардан қарздор бўлиб қолса, бошқа чоралар кўрилганда етарли бўлмаса, ана шу мулкларини сотиб (суд қарорига асосан) соликдан қутилиш имконияти яратилади.

Юридик шахслар соликларини бюджет даромадларини шакллантириш ва пул муомаласини мустаҳкамлашдаги аҳамияти.

Илгари айтганимиздек, юридик шахсларнинг бюджетларга тўлайдиган соликлари тўғри ва эгри соликларга бўлинади.

Тўғри соликлар даромад (фойда) соликлари ва ресурслар соликларидан ташкил топади. Эгри соликлар эса қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божидан иборатдир. Юридик шахсларнинг бу соликлари бюджет даромадларини асосий қисмини ташкил этиши қўйидаги жадвал маълумотларида кўринади.

### **Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида соликларнинг тутган салмоғи (фоиз хисобида)**

<b>Соликлар номи</b>	<b>1998</b>	<b>1999</b>	<b>2000</b>	<b>2001</b>	<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>
Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солик	25,8	23,9	21,8	13,5	10,5	9,3	8,6
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солик	1,2	2,0	2,1	2,1	2,2	2,2	3
Мол-мулк солиғи	1,5	2,3	3,0	2,8	3,0	3,1	2,3
Ер солиғи	3,5	3,6	4,0	4,0	3,9	2,8	2,6
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик	0,6	1,3	2,1	1,2	1,0	0,9	1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	0,2	0,2	0,3	0,4	0,4	0,4	0,3
Қўшилган қиймат солиғи	17,7	25,1	25,3	29,7	24,6	28,6	27,9
Акциз солиғи	20,0	14,4	13,4	18,6	24,5	26,9	26,4
Божхона божи	1,6	1,5	2,1	1,3	1,6	1,7	1,9
<b>Жами</b>	<b>80</b>	<b>81</b>	<b>83</b>	<b>75</b>	<b>75</b>	<b>75,5</b>	<b>76</b>

Юқоридаги жадвал маълумотлар кўрсатадики, юридик шахслар солиқлари ичида эгри солиқлар салмоғи ортиб бориши тенденциясига эга, тўғри солиқлар салмоғи эса пасайиб бориш йўналишидадир. Бундай ҳолат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссасига тушадиган солиқ юкини камайтириб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиради. Шу билан бирга тўғри ва эгри солиқлар бюджетнинг мустаҳкам манбасига айланиб унинг ўта ижтимоий зарур бўлган харажатларини ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштириш имконини яратади. Буларнинг аҳамияти бекиёс каттадир. Бу солиқларсиз бюджетларни режали молиялаштириш иложи йўқ.

Юридик шахслар солиқлари пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Тўғри солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга мқолжалланган маблағларини қисқартириб муомалага оз пулларни чиқаришга олиб келади. Эгри солиқлар эса товарлар (ишлар, хизматлар) таркибида бўлиб, баҳо ҳисобига муомаладаги ортиқча пулларни муомаладан олади. Шундай қилиб солиқлар пул муомаласини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқларнинг ошиши товар (хизмат, иш) таклифини оширади, талабни камайтиради. Бу эса пул эмиссиясини камайтиради. Аммо таклифда реал қиймати паст бўлганлигидан инфляцияни пайдо қилиши мумкин.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Солиқ тизими тушунчаси нимани ифода этади?
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини тавсифланг.
3. Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади?
4. Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратишнинг сабаби нимада ва улар қандай фарқланади?
5. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?
6. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар ва уларнинг солиқларга қандай алоқаси бор?

### **З-мавзу: Юридик ва жисмоний шахсларни солиқقا тортиш тизимининг тамойиллари (2 соат)**

#### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

юридик ва жисмоний шахсларни солиқقا тортиш жараёнидаги  
услубиётнинг ривожланган давлатлар солиқ амалиётидаги усуллар билан  
қиёсий таққослаш;

солиқ тизими барўарорлигини таъминлаш мақсадида солиқ кодексидаги  
солиқка тортишнинг ҳамма элементларини қўрсатган ҳолда солиқларни жорий  
қилишнинг умумий тартибини ишлаб чиқиш;

тўланиши керак бўлган солиқлар ва тўловлар юзасидан юридик ва  
жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги маъсулиятини ошириш учун аниқ  
молиявий жазо чораларини такомиллаштириш;

солиқ субъектлари мақомини белгилашдаги мезонларни умумлашган  
ҳолатдаги хужжатга келтириш муаммоси.

#### **Таянч сўз ва иборалар**

солиқка тортиш, солиқ тизими, солиқ тамойиллари, жарима ва пенялар,  
солиқли ва солиқсиз тўловлар, далолатномалар, экспорт-импорт, хабарнома,  
юридик шахс, жисмоний шахс

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 4,6,8,11,15,18,21

Қўшимча адабиётлар: 27,28,30,34

## **1. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс тушунчаси.**

Солиқ тўловчиларни аниқлаш асослари. Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизимида солиқ тўловчиларни икки гурӯҳга бўлинади: юридик шахслар ва жисмоний шахслар; иқтисодий моҳиятига қараб: тўғри солиқлар ва эгри солиқларга. Бюджет бўғинларига тушишига қараб: умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида (13-модда) хилма-хил мулк шаклидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар қисқача юридик шахслар деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг аста секин ижтимоий ҳимояланган эркин бозор иқтисодиётига ўта бориши республикада ўрта ва кичик бизнес фаолиятига қулай шароитлар яратилаётганлиги хилма-хил мулк шаклидаги: ҳусусий, кооператив, ширкат, акционер ва қўшма корхоналар орқали тадбиркорликни ривожлантиришга кенг шароит яратилмоқда. Бунинг ҳаммаси солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар сонини кўпайишига олиб келмоқда. 2002 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси қисиб 24,5 фоизни ташкил этди. Жами 250 мингдан ортиқ юридик шахслар мавжуд, шу жумладан 200 мингдан ортиғи кичик корхоналар ва фирмалардир.

**Юридик шахс** деб ўзининг ихтиёрида, қарамоғида, фойдаланишида мулкка эга бўлган, ўзининг мажбуриятларини шу мулк билан қайтара оладиган, бухгалтерия баланси ҳамда банкда ҳисобваракасига эга бўлган шахсларга айтилади. Юридик шахсларнинг статистика органларида ўз фаолият кодлари кўрсатилган бўлади.

## **2. Ҳисобланган солиқлар ва йигимлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги ва маъсулияти.**

Юридик шахслар ўзларига юклатилган солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўз вақтида, тўлиқ тўлаш жавобгарлигини олганлар. Уларнинг тўлайдиган солиқлари асосан нақд пулсиз, яъни корхона, ташкилот, бирлашманинг банкдаги ҳисоб счёtlаридан маблагни ўчириб, республика ёки маҳаллий бюджет счёtlарига ўтказиш йўли билан амалга оширади. Қоида бўйича ҳар қандай юридик шахс ўз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган вақтда бюджетга тўлиқ ўтказишга мажбурдирлар.

Бунинг учун улар солиқ ва бошқа тўловларнинг муддати келган кунгача пулларни ўтказиш ҳужжатлари бўлмиш тўлов топширифи, чекларни ёзиб банкларга топширган бўлишлари керак.

Агар тўлов топшириклари ўз муддатида ёзилиб банкларга топширилмаган бўлса солиқ идоралари ўзларининг инкассо-тўлов талабномалари орқали ундириб оладилар.

Ҳар бир ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган кун учун ўтказилиши керак бўлган солиқ суммаси ҳисобидан 0,07 фоиз пеня ҳисобланиб солиқка қўшимча равища бюджетга мажбурий ундирилади. Албатта пеня суммасининг кўпайиши корхонананинг молиявий ҳолатига салибий таъсир кўрсатади. Пеня корхона учун қўшимча соликдир.

Шунинг учун ҳар қандай хўжалик субъектлари ҳисобчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларда белгиланган тўлов муддатигача ўз вақтида тўлаб боришлини шарт. Бунда айниқса бўнак (аванс) тўловларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим, чунки ККС, даромадга (фойдага) солиқ ва бошқаларда бўнак тўловлар сони кўп бўлганлигидан боқиманданинг кўпайишига олиб келади. ҳозирги кунда бу боқиманда билан кураш иқтисодиётни барўарорлаштиришда муҳим давлат тадбирларига айланмоқда.

Юридик шахсларнинг ҳамма солиқлари нақд пулсиз тўланади. Бироқ, айрим йигимлар (давлат ва божхона божлари) нақд пулли бўлиши мумкин.

Юридик шахслар солиқларини нақд пулсиз тўланиши жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Пул ўтказишлар тезлашади, ижтимоий харажатлар тежалади.

### **3. Солиққа тортиш мақсадида жисмоний шахс тушунчаси. Солиққа тортиш тизимида юридик ва жисмоний шахсларга құлланадиган тамойиллар.**

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларға Ўзбекистон Республикаси фуқоролари, фуқоролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлар фуқоролари киради.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик шахслар ва жисмоний шахсларга бўлинган. Дарсликнинг иккинчи бўлимидаги қайд қилинганидек, давлат бюджети даромадларининг 75 фоизидан ортигини юридик шахслар тўлайдиган солиқлар ташкил этади. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқ ва йиғимлар эса қарайиб бюджет даромадининг 25 фоизини ташкил этади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан-тўғри ўз даромадидан олинаади. Солиқлар ва йиғимлар асосан бюджеттага нақд пул тўлаш йўли билан ўтказилади, айниқса тадбиркорлик фаолиятидан қатъий ставкали солиқ олдиндан тўлаб қўйилади.

Шундай экан бу ерда солиқ тўловчи жисмоний шахс билан солиқ ундирувчи ўртасида тўғридан-тўғри пул муносабатлари мавжуд.

Шунинг учун жисмоний шахслар солиқларини ундирувчи инспекторлар ўта маданиятли, ширин сўз бўлиши билан бирга жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш ундириш тартиб-қоидаларини, солиқ қонунчилигини чуқур билиши керак. Шу шартлар бажарилган тақдирда бюджеттага жисмоний шахслардан меъёридаги солиқ ва йиғимлар тўлиқ тушишлиги таъминланади. Уларни солиқ қонунчилигини тўлиқ тушинтира олмаслиги, нопоклиги бюджеттага мқлжалланган солиқларни тўлиқ келиб тушмаслигига олиб келиши мумкин.

**Жисмоний шахслар солиқлари таркиби ва тузилмасини қуидаги  
маълумотлар билан изоҳлаш мумкин**

Даромадлар таркиби	2002 йил		2003 йил		2004 йил	
	Млрд сўм	Жамига нисбатан %	Млрд. солиқлар сўм	Жамига нисбатан %	Млрд. сўм	Жамига нисбатан %
1. Жисмоний шахслар даромадига солиқ	144,0	65	214,8	59,6	303,3	64,7
2. Жисмоний шахслар даромадига қатъий ставкадаги солиғи	26,0	11,7	40,5	11,2	46,4	9,0
3. Товарлар киритганлиги учун жисмоний шахслардан йифим	12,2	5,5	34,8	9,6	30,0	6,5
4. Мол-мулк солиғи	17,0	7,6	27,0	7,4	26,5	5,6
5. Ер солиғи	22,0	9,9	23,0	6,4	28,0	6
6. Автотранспорт ёқилғилар учун жисмоний шахслардан истеъмол солиғи	-	-	-	-	39,0	8,0
7. Бошқалар (сув ва ер ости бойлик-ларидан фойдалан-ганлик солиғи	-	-	-	-	-	-
Жами:	221,2	100	360,7	100	467,0	100

Маълумотлар кўрсатадики, жисмоний шахсларнинг солиқлари таркиби ортиб бормоқда. Уларнинг солиқли тўловлари ичida жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ салмоғи жиҳатидан биринчи ўринни, тадбиркорларнинг даромадига солиқ-иккинчи, товар киритилганлиги учун ягона божхона тўлови учунчи ўринни эгаллаган. Бошқа солиқ турларининг аниқ маълумотлари ажратилмаган. Сув ресурсларидан, табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ, импорт товарларга акциз солиғини жисмоний шахслар тадбиркорлар ҳам тўлайди. Улар тўғрисида ҳам аниқ маълумотга эга эмасмиз. Юқоридагилардан ташқари жисмоний шахслар икки ярим фоиз иш ҳақидан сациал суғурта тўловлари тўлайдилар.

2002 йил 1 июндан бошлиб жисмоний шахслар тадбиркорлик мақсадида

четдан товар олиб кирсалар илгариги импорт товарларига ҚҚСолик, божхона божи, жисмоний шахслар товар келтирганлиги учун йигим ўрнига ягона божхона тўлови жорий этилди.

Ягона божхона тўлови ставкалари 2003 йилдан бошлаб қуидагича белгиланди (фоизларда):

- озиқ-овқат маҳсулотларига (ундан ташқари) - 40;
- ноозиқовқат маҳсулотларига - 70;
- ун маҳсулотларига нолли ставка қўлланадиган бўлди.

Ягона божхона тўловини ҳисоблаш учун божхона қийматига тўлов ставкалари кўпайтирилади. Юридик шахс бўлмасдан якка тартибда тадбиркорликни амалга оширувчи жисмоний шахслар:

- ҳокимиятдан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши;
- экспорт-импорт операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши;
- четдан товар олиб кирганлиги тўғрисида божхона идораларидан хужжат бўлиши;
- касса машиналарига эга бўлиши шарт.

Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаб чиқариш асосан икки йўл билан олиб борилади.

Жисмоний шахсларга даромадлар тўловчи юридик шахслар ўзларида мавжуд бўлган хужжатлар асосида уларнинг солиқларини ҳисоблайдилар.

Юридик ва жисмоний шахслар тақдим қилинган маълумотнома ва хабарномалар асосида солиқ хизмати идоралари томонидан ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга хўжалик меҳнат шартномаси, фуқоролик-хуқуқий шартномалари бўйича иш ҳақи мукофот ва бошқа қатор даромадлар тўловчи корхона, ташкилот, муассаса солиқларини тўлиқ тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида бюджетга ўтказиб бериш жавобгарлигини ўз зиммаларига оладилар. Фуқороларнинг олган даромадлари тўғрисида солиқ идораларига ҳамда фуқорога билдириш ва маълумотнома ёзиб бериш вазифасини ҳам юридик шахсларга юклатилган.

Жисмоний шахслар асосий иш жойдан ташқарида қўшимча даромад олганда, четдан Ўзбекистон худудига товарлар олиб кирганда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда олинган даромадлар ва харажатлар қилинганда солиқ декларацияларини солиқ ҳисоблаш учун солиқ идораларига тақдим этадилар.

Юқоридаги хужжатлар ва ўзларидағи йиғилган маълумотлар, текширув далолатномалари асосида солиқ идоралари жисмоний шахслар учун солиқ ҳисобини түзиб, уларга солиқ суммаси ва түлов муддатлари кўрсатилган хабарномаларни юборадилар. Булардан ташқари, юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорликнинг айрим турлари билан шуғулланувчилар қатъий ставкасида даромад солигини тўлайдилар.

Ер солиғи, мол-мулк солиқларини ҳам солиқ идоралари қайта ҳар йили ҳисоблаб чиқиб, жисмоний шахсларга хабарнома орқали етказадилар. Хабарнома олган жисмоний шахслар кўрсатилган муддатда барча солиқ ва йиғимлар суммасини ўз вақтида тўлашга мажбурдирлар. Шу ерда фуқоролардан олиниши лозим бўлган бирор бир солиқ тўланмай қолса солиқ идоралари жавоб беради.

Шундай ҳолатда ер солиғи, мол-мулк солиғи уч йил тўланмаган бўлса уни пения ҳисобланмасдан ундирилади.

Солиқлар ва йиғимлар ўз вақтида тўланмагандага «боқиманда» деб аталади. Унинг мазмуни муддатида тўланмаган тўловлардир. Ана шу боқиманда суммасига ҳар бир тўланмаган кун учун 0,07 фоиз пения солиқ суммасига қўшимча ҳисобланиб ундириб олинади. Аввало солиқ суммаси сўнг пеня, сўнг жарималар ундирилади. Боқиманда узоқ муддатга тўланмаса фуқоронинг мулки рўйхат қилиниб ҳалқ судига берилади. Чет элда эса солиқлар тўлаб боришини оғзаки ва ёзма огоҳлантиришлари, қарзларни комиссияда кўриб чиқиш тажрибалари мавжуд.

#### **4. Юридик ва жисмоний шахсларни солиқقا тортиш тизимидағи тамойилларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари.**

Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратиласди. Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солик, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларини ялпи даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солик ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солик, ер, мол-мулк, автомобиль воситаларини олиб сотиш солиқлари киради. ҳуқуқий шахслардан олинадиган давлат бюджет даромадларининг ҳал қилувчи қисмини (70-75 фоизи) ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кқчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арzonга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари, ва қатор йигимлар киради. Солиқ йигиши харажати кўпайиб кетади. Чунки бу иш билан маҳсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, ҳужжатлар (декларация, хабарномалар, чакириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Қандай шахслар юридик шахс деб аталади?
2. Қайси солиқлар ва йигимлар юридик шахслар тўлайдиган Республика солиқлари таркиби киради?
3. Қайси солиқлар ва йигимлар юридик шахслар тўлайдиган маҳаллий солиқлари таркиби киради? Юридик шахслар тўлайдиган солиқларнинг қандай аҳамиятлари бор?
4. Жисмоний шахслар тушунчаси ва улар тўлайдиган Республика солиқларини таркиби?
5. Қайси солиқлар ва йигимлар жисмоний шахслар тўлайдиган маҳаллий солиқлари таркиби киради? Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг қандай аҳамиятлари бор?

## **4-мавзу: Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғи (14 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

фойда солиғи ҳамда даромад солиғини ундириш бўйича аниқ мезон ва чегарани кўрсатиб берувчи услубиётни амалга киритиш;

фойда солиғи ставкаларини тармоқлар бўйича табақалаштириш муаммолари;

Солиқ кодексини такомиллаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шароитларини tenglashтириш ҳамда фаолият юритишнинг ҳукуқий шаклларига нисбатан фойда (даромад) солиғининг нейтраллигини таъминлаш;

### **Таянч сўз ва иборалар**

юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи, солиқ ставкаси, солиқ обьекти, солиқ субъекти, резидент ва норезидентлар, солиқ имтиёзлари, солиқни тўлаш муддатлари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 5,8,11,16,20,

Қўшимча адабиётлар: 25,28,31

## **1. Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни.**

Юридик шахсларнинг тўлайдиган солиқлари ичидаги уларнинг даромади (фойдаси)га солиқ бюджет даромадлари таркибида катта ўрин эгаллайди. Бу солиқ тўғри солиқ бўлганлиги учун хўжалик субъектларининг тўғридан-тўғри молиявий аҳволи билан боғлиқ, унга таъсир этади. Шунинг учун бу солиқ салмоғини давлат йилдан-йилга камайтириш сиёсатини олиб бормоқда. Масалан, 1996-1998 йилларда 21-25 фоизларни ташкил этган бўлса, 2002 йилдан бошлаб 8-9,3 фоизни, 2003 йилда эса 8,6 фоиз бўлган.

Юридик шахсларнинг даромад (фойда)сига солиқ - бу корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромади (фойдаси)нинг бир қисмини бюджетга мажбурий тўлов муносабатини билдиради.

Солиқ кодекси бўйича даромад (фойдага) эга бўлган юридик шахсларгина бу солиқни тўловчилари бўлади. Аммо, жами даромад, улардан чегириб ташланадиган чиқимлар солиқ кодексига киритилган бўлса ҳам, уларни аниқлашни Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1999 йил 5 феврал 54-сон Қарори билан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисоботи» тўғрисидаги Низомни қабул қилган. Жами даромад ва солиққа тортиладиган даромад ҳам шу низом билан белгиланади.

Даромад (фойда)га солиқ тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Молия йили бизнинг республикамида календарь йилига мос тушади. Аммо ҳамма юридик шахслар ҳам бу солиқни тўлайвермайди. Кичик корхоналар, савдо ташкилотлари, грампластинкалар ишлаб чиқиб сотувчи ташкилотлар, ягона солиқ тўловчи чакана савдо корхоналари (кичик ва микро фирмалар), ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар бу солиқни тўламайдилар. Улар ўзлари учун ихчамлаштирилган солиқни тўлайдилар. Булардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг фақат алоҳида турларига қатъий ставкада солиқ тўловчилар ҳам бу солиқни тўламайдилар.

Солиққа тортиш мақсадида даромад (фойдага) солиқ тўловчиларни резидентлар ва норезидентларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳамда бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашиб,

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳисобланади. Рўйхатдан ўтган юридик шахсларга идентификацион рақам берилади. Унинг мазмуни тартиб рақамига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар Ўзбекистонда ва ундан ташқаридаги фаолиятдан олган даромадларидан даромад (фойда) солигига тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари эса фақат Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишдан олган даромадлари бўйича соликқа тортиладилар.

Резидентлар доимий фаолият кўрсатувчилар бўлса, норезидентлар фаолияти Республикада ўткинчи ёки вақтинчалик ҳарактерга эга.

Даромадга (фойда)га солик тўловчиларни тўлиқ тушуниш учун уларни иқтисодиёт соҳалари бўйича ҳам солик тўловчилар бўлишилигини инобатга олиш зарур. Масалан, саноат, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги ва бошқалар киради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юридик шахслар даромадига (фойдасига) солик тўловчилари бўлиши учун қўйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад (фойда)олиши;
- ўзининг мулкига эга бўлиши;
- мустақил тугалланган бухгалтерия балансига эга бўлиши;
- банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши;
- идентификацион рақамга эга бўлиши.
- ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Умумий тартиб бўйича юридик шахслар шу шартларга жавоб берсагина даромадга (фойдага) солик тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

## **2. Солиқ түловчилари таркиби, солиқ объекті.**

Юридик шахсларнинг даромадга (фойдага) солиғи бүйича солиқни түлилк, түғри аниклаш (хисоблаш) учун уларнинг жами даромадларига нималар киришини мукаммал ўрганиш зарур бўлади.

Юридик шахсларнинг жами даромади таркибига улар томонидан олиниши лозим бўлган (олинган) ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари каби пул ва бепул (пульсиз) қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Демак, олинган кредитлар жами даромадга кирмайди.

Жами даромадга қуидагилар киради:

- маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум. Унга ортилган маҳсулот қийматини тўлаш учун ҳисоблашиш хужжатларида кўрсатилган сумма; буюртмачи томонидан тасдиқланган, бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилан суммалар; кўрсатилган хизматни бажарилганигини тасдиқловчи суммалар киради. Воситачилик фаолиятидан (комиссион тақдирлаш) даромад олувчи ташкилотлар учун тушум ҳамма битимлар бўйича комиссион тақдирлаш (процентлар) суммалари ҳисобланади.
- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активлар сотишдан даромадлар киради.
- солиқка тортиш мақсадида асосий фонdlар ва бошқа мулкларни сотишдан даромадни аниклашда шу фонdlар мулкларни сотиш баҳоси ва қолдиқ суммаси ўртасидаги фарқ (ошиши) ҳисобга олинади. Бу ерда қолдиқ қиймат ҳамма асосий фонdlар, моддий активлар, кам қийматли ва тез бўзиладиган предметларга ҳам қўлланилади. Асосий фонdlар бепул берилганда бераётган шахснинг активлар қиймати ўша вақтдаги ташкил топган харажатлар билан, мулкларни олувчининг даромади эса киrim қилинган қолдиқ қиймат билан, лекин берган шахснинг таннарх қийматидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.
- фоизлар ва дивидендлар турида олинган даромадлар;
- бепул олинган мулклар. Лекин бепул олиш бир тизим ичига кирувчи корхоналар томонидан бўлса даромад бўлмайди. Тизим дейилганда вазириклар, концернлар, трестлар ва б. ичидаги ҳаракатлар тушунилади;
- мулкларни ижарага беришдан даромадлар. Аммо амортизация қилинадиган асосий воситалар лизинг шартномаси бўйича ижарага берилса, солиққа

тортиш мақсадида мулкни сотиб олган ҳисобланади;

- роялти-интелектуал мулкларнинг ҳукуқидан даромадлар, муаллифлик ҳақлари, патентлари, чизмалар товар белгилари, янги моделлардан даромадлар;
- бепул молиявий ёрдам (бюджет маблағларидан ташқари);
- кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, агар сўров муддати тугаган бўлса. Умумий сўров муддати юридик шахслар учун 3 йил қилиб белгиланган;
- илгари чегирма қилинган қарзлар, заарлар ва умидсиз қарзларни тушишидан олинган суммалар;
- валюта счети бўйича ижобий курс фарқлари;
- фавқулодда даромадлар;
- ҳар хил даромадлар.

Товар моддий бойликларни қайта баҳолашдан қўшимча суммалар солиқ тортиладиган даромадга шу товарлар (ишлар, хизматлар) сотиши билан қўшиб берилади.

Корхоналар (ташкилотлар) маҳсулотларини ҳақиқий таннарх баҳосидан паст сотгандаги заарлар солиққа тортиладиган даромадни камайтиrmайди.

Ички бозордан паст баҳода ўз маҳсулот (иш, хизмат)ларни эркин алмаштириладиган валютада сотувчи корхоалар учун солиққа тортиладиган база экспорт маҳсулотини сотишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиқиб ҳисобга олинади.

Умумий вазифаларни ҳал қилиш учун устав фондига бадаллар, пайлар ва бошқа мақсадли қўйилмалар юридик шахснинг даромадига кирмайди ва солиққа тортилмайди.

Корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари ҳам умумий даромадларга қўшилиб солиққа тртилади. Бунда чет эл валютасида олинган даромад қша кундаги Марказий банк белгилаган курс билан даромадга олинади.

Юқорида айтилган даромадлар таркиби “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан аниқланади ва қўйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.

**ЯФ=ССТ-ИТ,**

яъни ЯФ-ялпи фойда, ССТ-сотишдан олинган соф тушум, ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

- асосий фаолиятдан олинган фойда.

**АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ,**

бунда АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда, ДХ-давр харажатлари, БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар.

- умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар.

**УФ=АФФ+МД-МХ,**

бунда УФ-умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД-молиявий фаолиятдан даромадлар; МХ-молиявий фаолият харажатлари;

- солик тўлангунча олинган фойда.

**СТФ=УФ+ФП-ФЗ,**

бунда СТФ-солик тўлагунча олинган фойда; ФП-фавқулодда вазиятдан олинган фойда; ФЗ-фавқулодда вазиятдан кўрилган зарар.

Йилнинг соф фойдаси, у корхона даромадга солик тўлангандан сўнг қолади. У ўзида соф даромаддан ижтимоий инфратузилма солиғини тўлагандан сўнг корхонаниг ўзида қолади.

Демак, соликка тортиладиган даромад СТФ га Низом бўйича унинг 1 ва 2 иловалардаги харажатларни қайта қўшиш билан аниқланади.

Жами даромаддан чегирмаларга қуидагилар киради ва соликка тортиладиган даромаддан чегирилади:

- қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, божхона божлари суммалари;
- банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно;
- ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар ва бошқа омавий томоша ташкилотлари бундан мустасно);
- белгиланган тартибда киритилган рента тўловлари суммаси;

- ижара ҳақи (лизинг тўлови);
- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;
- чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматлари қиймати;
- мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган қонун хужжатларига мувофиқ иш ҳақига ҳисобланган суммалар;
- маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификациялаш ишларига ҳақ тўлаш суммалари;
- нормалар бўйича хизмат сафари, вакиллик мақсадлари, реклама, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари суммалари;
- маҳаллий ҳокимият тасдиқлаган нормада солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш обьектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт обьектлари, халқ таълим муассасалари, уй-жой фондини сақлашга харажатлар суммалари, юқоридаги мақсадларга улуш қўшиб қилинган харажатлар камайтирилади;
- қонун бўйича бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланади.

Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадларини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган Низом бўйича уларнинг жами даромадларидан жами харажатларини (чегирмаларини) чиқариб ташлаб шу Низомда белгиланган даромадга қайта қўшиладиган харажатларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Банклар ва суғурта ташкилотларида Низомдаги чегирмалардан ташқари жами даромаддан қўйидагилар чегирилади:

### 1. Банклар бўйича:

- кредит ресурслари учун тўловлар;
- операцион харажатлар;
- пул маблағлари ва бойликларни ташиш ва сақлаш харажатлари;
- мижозларнинг ҳисобвараклари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар, шу жумладан жисмоний шахсларга;
- хавф-хатар операциялари захираси ҳисботидан чиқарилган умидсиз ссудалар.

## 2. Суғурта ташкилотлари бўйича:

- қайта суғурталаш шартномаси бўйича берилган тўловлар суммаси;
- ҳисобот даврининг охирига ҳаракати тўхтатилмаган суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномаси бўйича тўловлар;
- суғурталаш ва қайта суғурталаш мажбуриятлари бўйича ҳисобланган ва тўланган суммалар;
- сўров муддати атрофида суғурта ҳолат бўйича тугалланмаган тўловлар суммаси;
- зарар миқдори кўрсатилмаган, суғурта ҳолат кирим тўғрисида хабар берилган шартнома бўйича тўловлар суммаси;
- суғурта ҳолат олдини олиш тадбирларига йўналтирилган маблағлар;
- суғурта ташкилотининг захира фондига 20 фоизгача бўлган миқдорда ажратма, лекин шу фондлар миқдори уларнинг устав фондининг 25 фоизига етгунча ажратмалар.

Солиқ тўловчилар (банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) сўров муддати тамом бўлиши билан умидсиз қарзларни чегириш ҳуқуқига эга, агар улар товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш билан боғлиқ бўлиб илгари жами даромадга олинган бўлса.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пеня суммаси жами даромаддан чегирилмайди.

Тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганда вужудга келган заарлар жами даромаддан чегирилади.

Қимматли қофозлар реализация қилинганда вужудга келган заарлар жами даромаддан чегирилмайди.

Иш ҳайвонлари ва қўп йиллик дарахтлардан фойдаланганда вужудга келган заарлар фақат ана шу активлардан фойдаланишдан олинган даромаддан чегириб ташланади.

Асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида Солиқ кодексида белгиланган нормалар доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари жами даромаддан чегириб ташланади.

Номоддий активларга қилинган харажатлар жами даромаддан эскириш тарзида ҳар ойда уларниг бошланғич қиймати асосида ҳисобланган нормалар бўйича чегирилади.

Геологик тадқиқотлар ва шунга құшаш харажатлар амортизация нормаси бүйича 15 фоиз міндеттінде чегирилади.

Тадбиркорлық фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳамда ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар жами даромаддан чегирилмайди.

Молия йилида солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномада мулкида, хўжалик юритиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида бўлимлар тушунилади.

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентларига Ўзбекистон Республикасида ҳамда ундан ташкарида уларнинг фаолият манбаларидан олинган даромадлар (фойда) бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташкарида рўйхатга олинган, бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган юридик шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади.

Бюджет билан даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни юридик шахслар мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим тармоқлар юридик шахсларининг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин.

### **3. Солиқ ставкалари ва солиқقا тортиш базасини шакллантириш.**

Юридик шахсларнинг даромад (фойда)га солиги ставкалари ҳар йили Олий Мажлис томонидан Вазирлар Маҳкамасининг янги йилга бюджет параметрларини кўриб чиқсанда тасдиқланади.

Юқори чегара ставкаси 1998 йилда 36 фоиздан 2001 йилда 26 фоизга тушган. 2002 йилга эса 24 фоиз, 2003 йилдан бошлаб 20 фоиз, 2004 йил 18 фоиз, 2005 йил 15 фоиз қилиб белгиланган.

#### **2005 йилнинг юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ ставкалари\***

Тўловчилар	Солиқ тортиладиган даромадга, %
Юридик шахслар (2-3 бандлардагидан ташқари)	15
Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
Болалар учун товарлар, аёллар гигиена буюмлари, бадиий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар	10
Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (иш, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси куйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспорт қилувчи корхоналар учун:	
сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгacha сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	ставка 30% га пасайтирилади ставка 2 марта пасайтирилади

\* - ЎзР.В.М.нинг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қароридан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрь 390-сон қарори билан:

- истеъмол товарларни ишлаб чиқарувчилар учун шу товарларни ишлаб чиқаришдан олган даромаддан фойдага солиқ ставкасини 20 фоиз камайтириб тўлайди.
- болалар ассортименти товарлари ишлаб чиқарувчилар, шу товарларни ишлаб чиқаришдан олган даромадларидан 7 фоиз ставкада солиқ тўлайдилар.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг физик ҳажмини оширишдан олган даромадлар солиқ тўлашдан озод этилади.

ўз фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган солиқ тўловчинорезидент Ўзбекистонда олган даромадларидан солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг солиқ тўлаш тартиби умумий қоидага тушади.

Норезидент солиқ тўловчининг даромадини чет элга ўтказилаётганда 10 фоиз миқдорида даромадга (фойдага) солиқ ундирилади.

Доимий муассаса билан боғлик бўлмаган Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борган норезидентнинг даромади ҳеч қандай чегирмасиз даромад манбаида қўйдаги ставкаларда солиқка тортилади:

Даромад турлари	Фоиз
Дивиденdlар ва фоизлардан	15
Суғурта мукофотлари, суғурталаш ва қайта суғурталаш хавфхатари тўловлари	10
Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан Халқаро алоқа учун телекоммуникация ва транспорт хизмати (фрахта даромади)	6
Рояльти, изжара даромадлари, хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув хизмати, маслаҳатлар ва бошқа даромадлар	20

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендар ва фоизлар тўлов манбаида 15 фоизли ставка билан солиқка тортилади.

Солиқка тортиш мақсадида дивиденд деб акциялардан ва бошқа хўжаликлар-субъектларининг устав капиталидаги қатнашиш улусидан олган даромадлар тушунилади.

Фоизларга эса депозит омонатлар, қарздор мажбуритялар ва бошқа қимматли қоғозлардан олган даромадлар киради.

Манбаида солиқка тортилган ва дивиденд, фоиз олган норезидент жами даромадидан тегишли тартибда хужжатлар тақдим этса чегирма олиш ҳукуқига эга.

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивиденdlар ва фоизлар солиқ солишдан озод этилган.

Резидентлар бўлмиш банклар ва бошқа молия кредит ташкилотларига

тўланадиган фоизлардан тўлов манбаида солиқقا тортилмайди, балки банклар ва молия ташкилотларида солиқقا тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июнь фармонига биноан 2000 йил 1 июлдан бошлаб ҳар хил мулк шаклидаги экспортерларнинг экспортдан олган даромади ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) эркин алмаштириладиган валютага сотилса даромад (фойда) солиғидан озод этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ жами даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган, юқорида кўрсатилган Низомнинг иловаларида белгиланган харажатлар суммасига тузатишлар киритилган даромад (фойда) солиги солик обьекти ҳисобланади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари бўйича белгиланган чегирмалардан ташқари қуидагилар ҳам жами даромаддан чегирилиши керак;

а) банклар бўйича:

кредит ресурслари учун тўловлар;

операцион харажатлар;

пул маблағлари ва бойликларини ташиш ва сақлаш харажатлари;

мижозлар ҳисобвараклари, шу жумладан - жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фоизлар;

таваккаллик операциялари бўйича захира ҳисобига ҳисобдан чиқарилган умидсиз ссудалар суммалари.

б) суғурта ташкилотлари бўйича:

қайта суғурталаш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари;

амал қилиши ҳисбот йилининг охирида тугамаган суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномалари бўйича тўловлар суммалари;

суғурталаш ва қайта суғурталаш мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисоблаб ёзилган тўловлар суммалари;

ўтган йилларнинг суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўловлар суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар;

суғурта ҳодисаси бошлангани маълум қилинган, лекин зарар ҳажми

тақдим этилмаган шартномалар бўйича сұғурта суммалари;

сұғурта ташкилоти томонидан сұғурта ҳодисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялашга йўналтириладиган маблағлар суммалари (превентив чора-тадбирлар);

сұғурта ташкилотларининг заҳира фондларига ушбу фондлар миқдорлари сұғурта ташкилотлари устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар ушбу ташкилотлар даромадларининг йигирма фоизига қадар миқдорда ажратмалар.

Солик тўловчилар (бундан банклар ва сұғурта ташкилотлари мустасно) даъво муддати тугагач даромадлари илгари жами даромадга киритилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлик умидсиз қарзлар бўйича чегирма қилиш хуқуқига эгадирлар.

Юридик шахсларнинг даромадлари ва улар бўйича тегишли чегирмалар соликларни ҳисоблаб чиқариш учун улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида, тўлаш вақти ва пулнинг келиб тушиш санасидан қатъи назар, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

Агар қилинган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у жами даромаддан фақат бир маротаба чегирилиши мумкин.

Узоқ муддатли шартномаларга тааллуқли даромад ва чегирмалар молия йили давомида уларни ҳақиқатда босқичма-босқич бажариш қисмида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли шартномани ҳақиқатда бажариш молия йили охиригача қилинган харажатларни мазкур шартнома бўйича жами даромадлар билан таққослаш воситасида белгиланади.

Жами даромад таркибиға юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пуд ёхуд бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадларга қўйидагилар киритилади:

а) маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум деганда:

юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб хужжатларида кўрсатилган суммалар;

буортмачи томонидан тасдикланган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар;

хизматлар кўрсатилиши ҳолатини тасдиқлайдиган хужжатларда

кўрсатилган суммалар тушунилади.

Воситачилик фаолиятидан даромад оладиган (комиссион ҳақлар, фоизлар сифатида) корхоналар учун тушум деганда солиқ солинадиган даврда амалга оширилган барча битимлар бўйича олинган комиссион ҳақлар (фоизлар) суммаси тушунилади.

б) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қофозлар, интеллектуал мулк обьектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан келадиган даромад.

Корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан келадиган даромадни белгилаш чоғида солиқ солиш мақсади учун ушбу фондлар ва мол-мулкнинг сотилиш ва қолдиқ қийматлари ўртасидаги фарқ (ошиб кетиш) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати асосий фондлар, моддий активлар, арzon ва тез эскирувчан буюмларга нисбатан қўлланилади.

Агар активларнинг фақат бир қисми сотилса, сотиш санасидаги активлар қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тасдиқланади.

Активлар бепул асосда ёки пасайтирилган қиймат бўйича топширилганда топширувчи шахс активларининг қиймати шаклланган харажатлардан келиб чиқиб, олаётган шахс даромадлари эса - кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин топширилаётган активлар таннархидан паст бўлмаган тарзда белгиланади.

- в) фоизлар кўринишидаги даромадлар;
- г) дивидендлар;
- д) бепул олинган мол-мулк.

Агар маблағларни бепул топшириш тизим ичida корхоналар ўртасида юз берса, бунда тизим деганда вазирлик, концерн, трест ва ҳакозолар тушунилади ва бу маблағлар тақсимлаш баланси бўйича, юқори ташкилот буйруғига кўра олинган бўлса, улар солиқ солиш обьекти ҳисобланади.

- е) мол-мулкни ижара (лизинг)га беришдан олинган даромад;

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, агар ижарага берувчи амортизацияланадиган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага топширса, операция солиқ солиш мақсадида ижарачи томонидан мол-мулк харид қилиниши сифатида қаралиши керак.

Агар у қуйидаги шартлардан бирига жавоб берса, амортизацияланадиган асосий воситаларнинг ижараси лизинг ҳисобланади:

- ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошиб кетса;
- ижарачи асосий воситаларни қатъий нархда ёки ижара тугаганидан кейин белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;
- ижарага олинадиган асосий воситаларнинг қолдик қиймати ижара тугаганидан кейин ижара бошидаги улар қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;
- тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинадиган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса.

Мазкур кичик банд иккинчи қисмининг қоидалари лизинг шартномасини узайтириш ҳуқуки амалга оширилиши мумкин бўлган даврга татбиқ этилади.

ж) роялти;

з) текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан субсидиялар бундан мустасно);

и) даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

Даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво тақдим этиш йўли билан ҳимоя қила олиши мумкин бўлган муддат. Даъвонинг умумий муддати - уч йил.

к) илгари чегирилган харажатлар, заарлар ёки гумонли қарзларни қоплаш кўринишида олинган даромадлар;

л) валюта ҳисобвараклари бўйича курсдаги мусбат фарқ.

м) фавқулодда даромадлар.

н) бошқа даромадлар.

Товар-моддий заҳираларни қўшимча баҳолаш суммаси товарлар (ишлар, хизматлар) сотилиши боришига қараб солиқ солинадиган даромад таркибиға киритилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишини ҳақиқатдаги таннархдан паст нархлар бўйича амалга оширадиган ташкилотлар (корхоналар) бўйича, солиқ солиши чоғида, заарлар суммаси солиқ солинадиган базани камайтиради, ўзи ишлаб чиқарган, эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган экспорт маҳсулоти (ишлар, хизматлар) бундан мустасно.

Ўзи ишлаб чикарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага, ички бозор нархларидан паст нархлар бўйича экспорт киладиган (Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-иловада саналган хом ашё товарлари экспорти бундан мустасно) корхоналар учун (савдо-воситачилик корхоналаридан ташкари), солиқ солинадиган база экспорт маҳсулотини сотишнинг ҳақиқатдаги нархидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Вазифаларни ҳал этиш ва биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган бадаллар, пайлар ва устав фондига (сармоясига) бошқа мақсадли молиявий қўйилмалар ушбу муштарак вазифаларни ҳал этиш учун маҳсус ташкил этилган юридик шахснинг даромади ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди.

Ушбу мақсад учун юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият (оддий ширкат шартномаси бўйича) унинг иштирокчилари шартномалари асосида амалга оширилади.

Биргаликдаги фаолият шартномаси бўйича шериклар (иштирокчилар) деб номланадиган икки ва ундан ортиқ шахс ўз улушларини бирлаштириш ҳамда умумхўжалик ва қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа мақсадларга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини олади.

Шартнома иштирокчилари томонидан юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият учун бирлаштирилган юридик шахслар мол-мулки ҳар бир иштирокчининг балансида ҳисобга олиниши керак, зиммасига шартнома иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш юклangan иштирокчи томонидан умумий ишлар ва ҳисоб юритилади, агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса.

Юридик шахсни ташкил этмасдан бир неча корхонанинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) улар ўртасида тузилган шартномалар асосида солиқ солинишига қадар биргаликдаги фаолият иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

Юридик шахс ҳисобланган биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан олинган даромад (фойда) тақсимланганидан кейин жами даромадга киритилади ва умумбелгилangan тартибда солиқ солинади.

Корхоналарнинг хорижий валютада олинган даромади (фойдаси)га Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида олинган тушум билан жамликда

тўлиқ ҳажмда солиқ солиниши керак. Бунда хорижий валютада олинган даромад (фойда) юклаб жқнатилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб хужжатлари тақдим этилган кунда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ортиб борувчи якун билан чиқарилган даромад (фойда) солиги бўйича солиқ ҳисобини рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ инспекцияларига йил чоракларига оид ва йиллик молиявий ҳисботни тақдим этиш муддатларида топширадилар.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисботлар, солиқ ҳисобини тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиб олиши мумкин. Хабарномада бунинг сабаби ҳамда ҳисботлар, солиқ ҳисоби қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юридик шахсни тугатиш хақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) 5 кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қиласи.

Юридик шахсни тугатиш хақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи 15 кун ичida солиқ органига ҳисботлар, солиқ ҳисобини тақдим этиши шарт.

Даромад (фойда) солиги бўйича ҳисботлар, ҳисоб-китоблар қонун хужжатларида белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади.

Юридик шахслар даромад (фойда) солигини даромад (фойда) солиги бўйича ҳисобларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичida тўлайдилар.

Масалан, 1 чорак учун ҳисботлар 12 апрелгача топшириш керак, демак солиқ ҳисоби ҳам 12 апрелгача топширилади. Солиқни тўлаш шу кунгача амалга оширилади. Қўшма корхоналар чорақдан кейинги ойнинг 25 санасига кадар ҳисобланган солиқни тўлашлари шарт.

Йилнинг ҳисбот чорагида товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан энг кам иш хақининг 200 баробаридан кўпроқ миқдорда даромад (фойда) олган юридик шахслар даромад (фойда) солиги бўйича жорий тўловларни ҳар ойнинг 15-кунларида йилнинг чораги бўйича даромад (фойда) солиги суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлайди. Масалан, апрел ойи 2004 йилда энг кам

иш хақи 5440 сўм. Бир чоракда 1088 м. сўм кўп даромад олган бўлиши керак. Шундай корхоналар аванс тўловларини ҳар ойда бир марта, чоракда уч марта тўлайди.

Юридик шахслар аванс тўловлар суммасини ҳисоблаб чиқариш учун йилнинг жорий чораги биринчи ойининг 5-кунигача солиқ рўйхатидан ўтган жойдаги солиқ органига йилнинг тегишли чорагида олиши мўлжалланган даромад (фойда) ҳамда белгиланган даромад (фойда) солиғи ставкаси асосида маълумотнома тақдим этадилар. У кўйидаги шаклда бўлади.

**«А» хусусий корхонанинг 2005 йил 2 чораги учун кутилаётган даромад  
(фойда)дан бюджетга жорий тўловлар тўғрисида маълумотнома**

Кўрсаткичлар номи	минг сўм
1. Кутилаётган даромад (фойда)	1120
2. Солиқ ставкаси	15
3. Бюджетга тўлаши лозим бўлган 2-чорак учун солиқ суммаси	168

ҳар ойининг 15 санасига 56 м. сўмдан (168:3) солиқдан жорий сумма корхонанинг шахсий ҳисоб рақамига ёзиб қўйилади.

Йил мобайнида тўланган даромад (фойда) солиғи жорий (бўнак) суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Жорий тўловлар белгиланган муддатларгача тўланмаса уларга нисбатан ҳар бир кечикирилган кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня молиявий жазо кўлланилади.

Солиқ тўловчилар маълумотномада бюджетга тўловлар суммасини илгариги йил ёки чоракларга нисбатан камайтирганларида солиқ хизмати идоралари томонидан аниқликлар киритилади.

Ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олган даромади 200 каррали минимал иш ҳақидан кам бўлган корхоналар чоракда бир марта тўлов тўлайдилар. Аввалги чоракларда тўлаган солиқлари ҳисобга олиб борилади.

Солиқ тўловчилар биринчи чорак, ярим йил ва йил ўтиши билан йил бошидан ҳисобланган якун билан солиқни ҳақиқий олинган даромаддан келиб

чиқиб даромадға солиқни мустақил ўзлари ҳисоблаб чиқадилар. Йил мобайнида түлаган солиқлари ҳисобот йилидаги ҳисобланған солиқ суммасидан ҳисобға олинади. (Солиқ ҳисобини тузиш мисолига қаранг)

Хақиқий олинган даромад (фойда)га қараб ҳисобланған солиқ суммаси (фарқи) бюджетта чораклик ва йиллик молия ҳисоботи топшириш мәжжалланған кунгача түланади.

#### 4. Даромадга (фойдага) солиқ бўйича 2005 йил 3 чорак учун солиқ ҳисоби

Кўрсаткичлар	қаторлар №	Сумма м.с
Фойдага солиқ тўлангунгача бўлган, молиявий якун (2 шакл «Молиявий якунлар тўғрисидаги ҳисоботнинг» 170 сатри)	010	2000
«Харажатлар таркиби тўғрисидаги» Низом бўйича солиқка тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (Илова №1)	020	200
Ҳисобот даврида солиқка тортиладиган базадан камайтирилмайдиган сарфлар (Илова №2)	030	-
Солиқка тортиладиган базадан камайтирилдиган илгариги қилинган харажатлар (махсус балансдан ташқари 010 счётдан қилинган ҳисоб)	040	-
Солиқка тортиладиган базага киритилдиган сарфлар (030 қатор-040 қатор)	050	-
Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан дивидендлар (процентлар)	060	100
Солиқка тортиладиган даромад (фойда) (қаторлар 010К020-050-060)	070	2100
Солиқдан имтиёз (ҳисоби бўйича)	080	200
Имтиёзи ҳисобга олинган даромад (фойда) (070-080)	090	1900
Белгиланган солиқ ставкаси	100	15
ўзгартиш қилинган солиқ ставкаси	110	-
Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (қатор 090*110:100%)	120	285
ҳисобот даврида ҳисобланган жорий тўлови суммаси	130	265
қўшимча ҳисобланади	140	20

Ортиқча тўланган солиқ суммаси келгуси тўловларга ўтказилади ёки солиқ тўловчига бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи бўлмаса ундан ёзма ариза олган кундан бошлаб 30 кун ичида корхонага қайтарилади.

Бюджетга солиқларни ўз вақтида тушириш мақсадида корхоналар солиқни тўлов муддати келгунга қадар тегишли банк муассасаларига тўлов топшириғини топшириб қўйишлари лозим. Кўрсатилган тўлов топшириклари банк муассасалари томонидан ижарага тўловчининг счётида маблағ бор ёки

йўқлигидан қатъий назар қабул қилинади.

Даромадга (фойдага) солиқни ўз манбаида ушлаб қолиш ҳоллари мавжуд. Қуйидаги даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқларни манбаида ушлайдилар:

- юридик шахсларга дивиденд ва фоизлар тўловчилар;
- доимий муассасаси бўлмаган юридик шахс норезидентларга тўловлар тўловчилар;

даромад (фойда)га солиқни ушлаш ва бюджетта ўтказиш жавобгарлиги даромадлардан солиқ тўлашни амалга оширувчи юридик шахслар зиммасига тушади. Даромаддан солиқ тўловчи юридик шахс солиқ суммасини ушламаган тақдирда бюджетта ушланмаган солиқ суммаси ва у билан боғлиқ бўлган жарима ва пеняни ҳам тўлайди.

Дивиденд ва фоизлар тўловчи юридик шахслар қўйидаги шаклда солиқ ҳисобини топширадилар ва тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 куни ичida солиқ суммасини бюджетта ўтказади.

**Дивиденд ва фоизларга солиқ ҳисоби  
(2004 йил январь ойи учун, минг сўм ҳис.)**

Кўрсаткичлар	Тўловчи маълумоти	Солиқ инспектори маъсулияти
Ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар	1500	1500
Солиқ ставкаси	15	15
Бюджетта тўлаши лозим бўлган солиқ суммаси-жами	225	225

Даромадларни манбаида тўловчи юридик шахслар молия йили тугаши билан 30 кун ичida давлат солиқ хизмати идораларига ҳамда даромад олган юридик шахсларга уларнинг талаблари бўйича далолатнома топширадилар. Унда шу шахсларнинг рўйхат рақамлари, номлари, умумий олинган даромад ва жами тўланган солиқ суммаси ҳисбот йили учун кўрсатилган бўлади.

Корхонанинг тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда солиқ органига ёзма билдириш ёзиб ҳисбот ҳамда солиқ ҳисобини тезроқ ва қачон топшириш тўғрисида талаб қилиши мумкин.

Тугатиш ҳайъатининг корхона тугатилиши тўғрисида 15 кун ичida солиқ

органига ёзма хабар беради. Тугатиш түғрисида қарор қабул қилингандан 15 кун ўтиши билан солиқ түловчи солиқ идораларига ҳисобот ва солиқ ҳисобини топширишлари шарт. Улар қонунда белгиланган шаклда берилади.

## **5. Соликдан бериладиган имтиёзлар ва уларни бекор қилиш тартиби.**

Даромадга (фойдага) соликдан бериладиган имтиёзларни З гурухга бўлиб кўрсатиш мумкин:

Тўлиқ озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари;

Вақтинча озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари;

Юридик шахсларнинг соликқа тортиладиган даромадларининг камайтирилиши. Солик ҳисобида имтиёз деб кўрсатилади.

Даромадга (фойдага) соликдан қуйидаги юридик шахсларни тўлиқ озод этиш мумкин:

1) протез-ортопедия маҳсулотлари, инвентарлар ҳамда ногиронлар учун хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар-асосий фаолият тури бўйича;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фахрийлари ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари);

3) даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлиб чиқариш устахоналари;

4) жазони ижро этувчи муассасалар;

5) нотижорат юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан ташқари. Кейинги даромадлар умумий асосда соликқа тортилади.

Нотижорат ташкилотларига қуйидагилар киради:

- фақатгина бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган, харажатларни қоплаш учун бюджетдан дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;
- хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва фондлари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;
- тадбиркорлик фаолиятидан даромад олиши кўзламайдиган, таъсис хужжатларида белгилаб қўйилган ижтимоий-хайрия ва бошқа мақсадларда тузилган ташкилот ва бирлашмалар;
- молиявий ва бошқа маблағларни ходимларнинг шахсий манфаатлари, таъсисчилар ва шу ташкилот аъзолари манфаатига тегишли бўлмаган

мақсадларга тақсимловчи ва маблағ йўналтирувчи юридик шахслар киради (мехнатга ҳақ тўлаш бундан мустасно).

6) шаҳар йўловчи транспорти (такси, машрутли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган хизматлар бўйича;

7) Юридик шахслар тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тикилаш ишларини амалга оширишдан олинган даромад (фойда)лари бўйича;

8) юридик шахслар умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қуриш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар)и бўйича;

Даромад (фойда)га солиқдан вақтинчалик озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари.

Вақтинчалик даромадага (фойдага) солиқдан қуидаги юридик шахсларни озод қилиш кўзда тутилган:

1) янги ташкил этилган дехқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли товарлари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромад (фойда)си бўйича рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан 2 йил муддатга;

2) чет эл инвесторлари иштирокидаги янги ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар:

- агар ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоиздан ортиғи болаларбоп маҳсулотлрадан иборат бўлса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 5 йил муддатга. Кейинги йилларда солик амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади;
- агар чет эл сармоясининг улуши корхона устав фондининг 50 фоизи ва ундан кўпни ташкил этса. Ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 2 йил муддатга озод этилади;

3) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан дастлабки 7 йилга озод этилади;

4) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш (узум ва мевалардан винолар, ўткир ичимликлар тайёрлашдан ташқари) халқ

истеъмоли товарлари ва бинокорлик материаллари, тиббиёт асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга, иккиламчи хом-ашё ва майший чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашаган, устав фондидағи чет эл капитали 30 фоиздан ортиқ бўлган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар-рўйхатдан ўтган даврдан эътиборан икки йил давомида;

5) қўргонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудларида янги тузилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлаган пайтдан эътиборан 3 йилга озод этилади. Кейинги йилларда солиқ ставкаси икки марта камайтирилади. Ишлаб чиқариш техника аҳамиятига эга бўлган ва қурилиш материаллари, майший коммунал хизматлари ишлаб чиқарса имтиёз кичик ва ўрта бизнесга ҳам тегишлидир.

6) Янги тузилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминлов ва тайёрлов ташкилотларидан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан эътиборан биринчи йили 25%, иккинчи йили 50% белгиланган ставкадан камайтирилган солиқ тўлайдилар. Кейинги йиллар белгиланган ставкада тўлиқ тўлайдилар;

7) ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмалари;

8) қишлоқ жойларида янги ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушган бошлаб 3 йил муддатга. Бу муддат ўтгандан сўнг кейинги икки йил мобайнида мазкур қўшма корхоналар учун солиқ ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

9) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бор юридик шахслар;

10) дивиденд тариқасида олинган даромад, дивиденд тўлаган корхонанинг устав капиталига йўналтирилса солиқдан озод этилади.

Янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар (қўшма корхоналардан ташқари) аввалдан ишлаб турган корхоналар, уларнинг филиаллари негизида ташкил қилинса, корхоналардан олган асбоб-ускуналарни ишлатаётган бўлса берилмайди.

Янги ташкил этилаётган корхоналарга берилган имтиёзлардан улар бир йил ичига тугатилса, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқча тортиш мақсадида дивиденд деб акциялардан ва субъектларнинг

устав капиталига ҳиссали қатнашишдан олган даромад тушунилади. Процент (фоиз) деб депозит омонатлардан, қарзли мажбуриятлардан ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган даромад тушунилади.

Давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивиденд ва процентлар солиқдан озод этилади.

Қўйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинади:

а) ходимлари умумий сонининг камида 75 фоизини ўрта мактаблар ва хунар-техника билим юртлари ўқувчилари ташкил этадиган;

б) протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат қўрсатишга ихтисослашганлари - асосий фаолият тури бўйича;

в) ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари ташкил этган, ногиронлар жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари уюшмаси мулки бўлганлари, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно.

Кўрсатилган имтиёзни олиш хукуқини белгилаш чогида ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган корхона ходимлари, шу жумладан ўриндошлиқ бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида турмаган шахслар (пудрат шартномаси ва фуқаролик-хукуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича иш бажарадиган) киритилади.

г) даволаш муассасалари кошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

д) жазони ижро этиш муассасалари;

е) нотижорат ташкилотлари.\*

Бунда тадбиркорлик фаолиятидан даромад (фойда) олган нотижорат ташкилотлари ушбу фаолиятдан солиқни умумбелгиланган тартибда тўлайди.

ж) шаҳар йўловчилар транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташкари) йўловчиларни ташиш билан боғлик хизматлари бўйича;

з) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

и) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қуриш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

к) Узуйжойжамғармабанк билан тузилган шартномалар бўйича ўз

ходимлари учун уй-жой харид қилишга ишлатиладиган даромадлар (фойдалар) бўйича;

л) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қофозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар бўйича;

м) янги ташкил қилинган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли моллари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромадлари (фойдалари) бўйича рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан икки йил муддатга;

н) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар тузилган пайтдан бошлаб биринчи даромад олгунга қадар, лекин узоғи билан рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан уч йилгача.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар фойда олган биринчи йили 50 фоиз, иккинчи йили 75 фоиз, учинчи йилдан бошлаб 100 фоиз миқдорида солиқ тўлайди.

о) хорижий инвестициялар иштирокидаги янги ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқарадиган ишлаб чиқариш корхоналари:

агар ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоиздан ортиғи болаларбоп маҳсулотлардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 5 йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади;

агар хорижий сармоя улуши корхона устав фондининг 50 фоизи ва ундан кўпини ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 2 йил муддатга.

п) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган, хорижий инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари - рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;

р) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш ва уларни қайта ишлашга (узум ва мевалардан винолар, ўткир ичимликлар тайёрлашдан ташқари), халқ истеъмоли моллари ва бинокорлик материаллари, тиббиёт асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ва асбоб-

ускуналар ишлаб чиқаришга, иккиламчи хом ашё ва майший чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган, устав фондидағи хорижий сармоя улуши ўттиз фоиздан ортиқ бўлган, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар - рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан икки йил давомида;

с) Қўргонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар - маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган пайтдан эътиборан уч йил муддатга. Кейинги йилларда солик амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади.

Юқорида кўзда тутилган имтиёз қўргонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида янгидан ташкил этиладиган, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, Ўзбекистон дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг аъзоси ҳисобланган ҳамда ишлаб чиқариш-техника мақсадидаги маҳсулотлар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек қурилиш фаолиятини амалга оширадиган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, майший ва коммунал хизматлар кўрсатадиган кичик ва ўрта бизнеснинг хусусий корхоналарига ҳам татбиқ этилади.

т) Янги ташкил этилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) ташкил этилган (рўйхатдан ўtkазилган) пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи ва иккинчи йили 50 фоизи миқдорида солик тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиги белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

у) ташкил этилган пайтидан бошлаб икки йилга хусусий тижорат банклари, бўшатиб олинадиган маблағлар уларнинг техник базасини мустаҳкамлашга ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтиради.

ф) ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш бўлинмалари;

х) бўшатиб олинадиган маблағлар улар томонидан моддий-техник базани мустаҳкамлашга, ускуналар, инвентарь, дидактик материаллар, болалар қўйинчоқлари ва китобларини харид қилишга сарфланиши шарти билан нодавлат мактабгача таълим муассасалари рўйхатга олинган пайтидан бошлаб уч йилга.

ц) хорижий инвестициялар иштирокида қишлоқ жойида янгидан барпо этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб уч йилга. Кўрсатилган муддат тугаганидан кейин кейинги икки йил

давомида мазкур қўшма корхоналар учун солик ставкаси амалдаги ставканинг эллик фоизи микдорида белгиланади;

э) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олганлари;

ю) юридик шахслар томонидан дивидендлар кўринишида олинган ва улар олинган юридик шахснинг устав сармояси (фонди)га йўналтириладиган даромадлар.

Янги барпо этилган корхоналар учун мазкур бандда кўрсатилган имтиёзлар илгари фаолият кўрсатган юридик шахслар негизида барпо этилган Юридик шахсларга (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ташқари), уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларига, шунингдек корхоналар ҳузурида барпо этилган юридик шахсларга, улар корхоналардан ижарага олинган ускуналарда ишлаши шарти билан, татбиқ этилмайди.

Мазкур банднинг м, н, о, р, с, т, у кичик бандларида назарда тутилган юридик шахслар имтиёзли давр белгиланганидан кейин бир йил ўтмасидан тутатилган тақдирда солик суммаси уларнинг бутун фаолияти учун тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Солик солинадиган даромад (фойда) қуйидаги суммага камайтирилади:

а) экология, саломатлик ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солик солинадиган даромад (фойда)нинг бир фоизидан кўп бўлмаган микдорда;

б) инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача муассасалар қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солик солинадиган даромад (фойда)нинг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган микдорда;

Инвестициялар деганда:

Янги қурилиш шаклидаги капитал қурилишга, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришга;

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа алоҳида объектларни (ёки уларнинг

қисмларини) харид қилишга йўналтирилган ўз харажатлари тушунилади.

Кўрсатилган имтиёз қўйидагилар ҳисобига инвестициялар амалга оширилганида тақдим этилади:

ўз воситалари ҳисобига - инвестицияларга ҳақиқатда қилинган харажатлар доирасида;

банк кредитлари ҳисобидан - банк кредитларини ҳақиқатда сўндириш суммаси доирасида, банк хизматларига хизмат кўрсатиш харажатларидан ташқари.

в) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар даромади (фойдаси)дан шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига;

г) табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга кетган харажатларнинг ўттиз фоизи суммасига.

Кўрсатилган имтиёз фақат ўз ишлаб чиқаришининг экологияга таъсирини яхшилаш учун табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширадиган корхоналаргагина тааллуқлидир.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга доир буюртмаларни бажаришдан даромад (фойда) оладиган корхоналарга юқорида айтилган имтиёз татбиқ этилмайди.

д) футболни ривожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг беш фоизигача микдорда;

е) “Истеъод” жамғармаси дастурларини молиялашга йўналтириладиган маблағлар суммасига.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг даромадлари бўйича солиқ солинадиган база заҳира фонди устав фондининг 25 фоизига етгунига қадар даромад (фойда)нинг 20 фоизигача микдорда заҳира фондига ўтказиладиган ажратмалар суммасига камайтирилади.

Ваколатли банклар учун солиқ солинадиган даромад жалб этиладиган эркин валюта маблағлари консолидацияланган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтириш чоғида олинадиган маржа суммасига камайтирилади.

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиги суммаси қўйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиги 1 фоиз камайтирилади.

Солик тўловчиларга Солик кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига биноан тақдим этилган солик имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сакланади.

## **6. Солиқни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш ва мавжуд муаммолар.**

Солиқ ҳисобланганда 6400 «Бюджетта түловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш» счёти кредитланади, 9810 «Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар» счёти дебетланади. Солиқ ўтказилганда 6400 «Бюджетта түловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш» счёти дебетланади, 5100 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олиш» счёти кредитланади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ортиб борувчи якун билан чиқарилган даромад (фойда) солиги бўйича солиқ ҳисобини, солиқ рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ инспекцияларига йил чоракларига оид ва йиллик молиявий ҳисботни тақдим этиш муддатларида топширадилар.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисботлар, солиқ ҳисобини тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиб олиши мумкин. Хабарномада бунинг сабаби ва ҳисботлар, солиқ ҳисоби қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юридик шахсни тугатиш хақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) 5 кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қиласди.

Юридик шахсни тугатиш хақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи 15 кун ичida солиқ органига ҳисботлар, солиқ ҳисобини тақдим этиши шарт.

Даромад (фойда) солиги бўйича ҳисботлар, ҳисоб-китоблар қонун хужжатларида белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади.

Юридик шахслар даромад (фойда) солигини даромад (фойда) солиги бўйича ҳисобларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичida тўлайдилар.

**Имтиёзлар татбиқ этилмайдиган экспорт хом ашё товарларининг рўйхати**

N	Товарлар номланиши	ТИФ ТИ бўйича коди
1.	Пахта толаси	5201 , 5203
2.	Ип калава	5205, 5206
3.	Пахта линти	1404 20 000
4.	Хом нефть, газ конденсати, нефть махсулотлари	270900, 270900100, 2710 (271000330, 271000350, 271000590 дан ташкари)
5.	Табиий газ	2711 21 000
6.	Электр энергия	271600000
7.	Қимматбаҳо металлар	7106,7108,7110,7112
8.	Рангли металлар, рангли металлар прокати, рангли металлар парчалари ва синиклари	7401, 7402, 7404-7406, 7501-7504, (7601-7603 760120900 дан ташкари), 7801-7802 (780110000 дан ташкари), 780420000, 7902-7903, 8001-8002, 810191900, 810291900, 810310-810310900, 810411000-810430000, 810510-810510900, 810600100, 810710000, 810810-810810900, 810910-810910900, 811000-811000190, 81 1100-811100190, 811211000, 811220-811220390, 811230-811230100, 811240-811240190, 811291
9.	Қора металлар, қора металлар прокати ва синиклари	7201-7213 (кроме 721310000, 721331000), 7214 (кроме 721420000, 721440), 7215, 7216 (кроме 721610000, 721621000, 721622000, 721650100), 7217-7229

**Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун даромад (фойда)  
солиғининг шартли ҳисоб-китоби**

1.	Ходимларнинг умумий сони	25 киши
	Шу жумладан ногиронлар	7 киши
	Ходимларнинг умумий сонида ногиронлар фоизи	28 фоиз
	Ишга жойлаштирилган ногиронларнинг белгиланган меъёри	3 фоиз
	Белгиланган меъёрдан ошиш (28%-3%)	25 фоиз
2.	Хисоблаб ёзилган солиқ суммаси	100 минг сум
3.	Имтиёзни ҳисобга олганда солиқ суммаси $100 - ((100 \times 25) / 100)$	75 минг сум

**200\_ йил \_-чорагига тахмин қилинаётган даромад (фойда)дан келиб чиққан  
холда бюджетта солиқнинг жорий тўловлари тўғрисида маълумотнома**

N	Кўрсаткич номи	
1.	Чорак учун даромад (фойда)нинг таҳлил қилинаётган суммаси	
2.	Солиқ ставкаси	
3.	Бюджетта тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси	

**Даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби  
200\_ йил \_ - чорак учун**

N	Кўрсаткичлар	Сатр	Сумма
1.	Фойда солиғи тўланишигача молиявий натижа	010	
2.	Ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги низомга кўра солиқ солинадиган базага киритиладиган ҳаражатдар (1- илова)	020	
3.	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чикариб ташланмайдиган ҳаражатлар	030	
	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чикариб ташланадиган, илгари қилинган ҳаражатлар	040	
	Солиқ солинадиган базага киритиладиган ҳаражатлар	050	
4.	Акциялар ва бошқа қимматли қофозлар бўйича дивиденdlар	060	
5.	Солиқ солинадиган даромад (фойда)	070	
6.	Солиқ конунчилигига мувофик солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг камайиши	080	
7.	Имтиёзларни ҳисобга олганда солиқ солинадиган даромад (фойда)	090	
8.	Даромад (фойда) солигининг белгиланган ставкаси	100	%
9.	Даромад (фойда) солигининг тузатилган ставкаси	110	
10.	Бюджетта тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси	120	
11.	Бюджетта ҳисоблаб ёзилди	130	
12.	Муддат бўйича қўшимча ҳисоблаб ёзилди	140	
13.	Камайтиришга	150	

**Дивидендлар ва фоизлар солигининг ҳисоб-китоби**

**200\_ йил \_\_\_\_\_ учун**

<b>N</b>	<b>Кўрсаткич</b>	<b>Тўловчининг маълумотлари бўйича</b>	<b>Солик инспектори маълумотлари бўйича</b>
1.	Ҳисоблаб ёзилган дивидендлар ва фоизлар		
2.	Солик ставкаси		
3.	Бюджетга тўланган солик суммаси, жами		

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Юридик шахслар даромадига солик нима?
2. Даромадга (фойдага) соликни тўловчилар кимлар?
3. Резидент ва норезидент нима?
4. Солик обьекти ва соликقا тортиладиган даромадларга нималар киради?
5. Даромадга (фойдага) солик ставкалари қандай бўлади?
6. Қандай юридик шахслар даромадга соликдан тўлиқ озод этилади?
7. Қандай юридик шахслар даромадга соликдан вақтингачалик озод этилади?
8. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари соликقا тортиладиган даромаддан камайтирилади?
9. Солик ҳисобини тузиш ва соликни тўлаш тартиби қандай?
10. Икки ёқлама солик тўлаш қандай тугатилади?

## **5-мавзу: Соддалаштирилган солиқ тизими (ягона солиқ) (8 соат)**

### **Мавзуу бүйича қўйилаётган муаммолар:**

соддалаштирилган солиқ тизимини қўлловчи юридик шахслардан ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олишда бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солигининг суммасини ушбу солиқнинг моҳиятини нотўғри кўрсатишга олиб келмайдиган солиққа тотиладиган базани аниқлашнинг бошқа услубини яратиш;

инфляция натижасида бозор баҳосининг аҳоли номинал даромадига қараб кўтарилиши оқибатида кичик ва ўрта бизнес корхоналар ривожланишининг қийинлашувини солиқ ставкаларини камайтириш орқали бартараф этиш муаммолари;

соддалаштирилган солиқ тизимини қўлловчи хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган солиқсиз тўловларни ҳам яхлит ҳолатга келтириш йўналишларини яратиш;

солиққа тортиш мақсадида кичик корхоналарнинг мақомини факатгина ишчилар сонидан келиб чиқиб ҳисобга олмасдан, балки уларнинг даромадларини ҳам мезон сифатида киритиш муаммоси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

ягона солиқ, солиқ ставкаси, ялпи даромад ва ялпи тушум, микрофирма ва кичик корхона, бўнак, солиқ субъекти, солиқ тўловчилар, солиқ имтиёзлари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 5,9,11,15,18,21

Қўшимча адабиётлар: 25,29,31,34,35

## **1. Соддалаштирилган солиқ тизими ҳақида тушунча ва унинг иқтисодий аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикаси олдида турган қатор иқтисодий-ижтимоий масалаларни ечишда, шу жумладан бозорларни товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, ахолини иш билан бандлигини ташкил этишда бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш кичик бизнеснинг аҳамияти беқиёсдир. Ҳозирга келиб, кичик корхоналар ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини бермоқдалар.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда давлатнинг кафолатлари ва ёрдами туфайли иқтисодиётда катта имкониятларни ишга солиш мумкин. Уларга давлат ёрдамини бериш, кафолатлардан ташқари ихчамлашган солиқ тизимиға ўтишга рухсат беришлик уларни ташкил қилиш ва молия хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ихчамлашган солиқ тизимининг аҳамияти каттадир. Булар **биринчидан**, бозорни тезда товарлар ва хизматлар билан бойитиш имконини беради, **иккинчидан**, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари очишга ёрдам беради, **учинчидан**, улар фаолиятини ташкил қилишни ихчамлаштиради, **тўртингчидан**, солиқ ҳисоблари ва ҳисботлари сонини камайтиради, солиқ ҳисоблаш ходимлари ишини осонлаштиради, чунки илгари қўп солиқ ҳисоблари ва далолатномалари ўрнига ягона солиқ (акциз ости товарлари бўлса акциз) солиқ тўлайди. Қўп мартали бўнак тўловлар умуман бўлмайди. Демак боқиманда ҳам бўлмаслиги лозим

Агар кичик корхоналар акциз ости товарлари ишлаб чиқарсалар, унда акциз солигини ҳам тўлайдилар.

Солиқ ҳисоби оддий бўлиб, атиги б кўрсаткичдан иборат.

Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлашга ўтишлик ихтиёрийдир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар учун ихчамлаштирган солиқка тортиш тизимиға ўтишни қўллаш» тўғрисидаги қароридан келиб чиқиласди. (1998 йил 15 апрель 159-сон)

Ихчамлаштирилган солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар учун қуийидаги тўловларни тўлаш тартиби сақаланиб қолган:

- Акциз солиги;
- Божхона тўловлари;
- Давлат божи;

- Биржа битимлари йифими;
- Махсус товарларни сотиш ҳуқуни олиш лицензия йифими;
- Савдо қилиш ҳуқуқини олиш йифими;

Кичик бизнес корхоналари қаторига ўтишнинг ягона мезони бор. У ҳам бўлса улардаги ишловчилар сонидир. 2002 йилдан бошлаб, филиал ва бўлинмаларда ишловчилар ҳам ишловчилар сонига қўшиладиган бўлди.

Кичик бизнес мақомини олишнинг қуидаги меъёрлари белгиланган:

**Микрофирмаларда:**

Ишлаб чиқариш соҳалари учун – 10 кишигача;

Ҳарид қилиш, таъминлаш сотиш корхоналари, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳалари учун – 5 кишигача;

**Кичик корхоналарда:**

Саноатда – 40 кишигача;

Қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 20 кишигача;

фан, илмий хизмат қилиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 10 кишигача ишловчиси бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги Фармонига асосан 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуидагилар кириши белгиланди:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртacha йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

Қуидаги тармоқларнинг ўртacha йиллик ходимлар сони:

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноати-100 кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари – 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа., хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар – 25 кишидан.

Соддалаштирилган солиқ, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар (кейинги ўринларда - микрофирмалар ва корхоналар дейилади) учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибини белгилайди.

Соддалаштирилган солиқнинг амал қилиши дастурий воситалар ишлаб чиқаришга, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизмати кўрсатишга, компьютер техникасида ва ахборот технологиялари билан ишлашга ўқитишга ихтисослашаётган ташкилотларга (ходимлар сонидан қатъи назар) ҳам татбиқ этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган амалдаги солиққа тортиш тизими билан бир қаторда қўлланилади.

Солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи ихтиёрий равишда микрофирмалар ва кичик корхоналарга мазкур тартибга мувофиқ тақдим этилади, солиқ солишининг алоҳида тартиби белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг айrim турларини амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими умумдавлат солиқлари йифиндиси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жорий этадиган, кўйида кўрсатилган йифимлардан ташқари, маҳаллий солиқлар ва йифимлар ўрнига ягона солиқнинг тўланишини назарда тутади:

савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берганлик учун йифим, шу жумладан, товарларнинг алоҳида турлари билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берганлик учун лицензия йифимлари;

юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йифим;

Ягона солиқни тўловчи бўлган корхоналар сотиб олинган товар қийматида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари)га ҳисобдан чиқаради.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун божхона божлари, қўшилган қиймат солиғи ва импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун акциз солиғи, давлат божлари, лицензия йифимлари тўлашнинг амалдаги тартиби саклаб қолинади.

Солиқقا тортишнинг соддалаштирилган тизимиға ўтган корхона умумий белгиланган тартибда ёки соддалаштирилган шакл бўйича ҳисоб юритиш ҳуқуқига эга. Бухгалтерия ҳисботларининг бошланғич хужжатлари ва даромадлар ҳамда харажатларни ҳисобга олиш дафтари юритилишининг соддалаштирилган шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади.

## **2. Ягона солиқнинг солиқ тизимиға татбиқ этилиши ва амал қилиш жараёни.**

Корхоналар солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимиға ўтиши учун улар рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йил чораги бошлангунига қадар бир ой қолишидан кечиктирмасдан ёзма ариза бериши зарур. Бунда юқорида назарда тутилган шартларга риоя қилиниши лозим.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимиға ўтишда корхоналарнинг бундан олдинги давр учун ўша даврда амал қилиб турган солиққа тортиш тизими асосида солиқларни тўлашга доир мажбуриятлари сақлаб қолинади.

Корхонанинг солиққа тортиш соддалаштирилган тизимиға ўтиши ҳақидаги қарор ёки далилланган раддия давлат солиқ хизмати органи томонидан корхонанинг ариза берган кунидан бошлаб ўн кун давомида чиқарилади.

Хисобни соддалаштирилган шакл бўйича юритишга ўтишга қарор қилган корхона аризаси қондирилганидан сўнг давлат солиқ хизмати органига белгиланган шаклга кўра хўжалик операцияларини хисобга олиш дафтарини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.

Давлат солиқ хизмати органи хўжалик операцияларини хисобга олиш дафтарининг биринчи сахифасида ариза имзоланган санани қайд қиласди.

Хўжалик операцияларини хисобга олиш дафтирига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатларига биноан белгиланган ҳисобот билан муомала қилиш қоидалари тегишли бўлади.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўлланишдан воз кечиша солиққа тортишнинг белгиланмаган тизимиға қайтиш навбатдаги тақвимий йил бошидан бошлаб давлат солиқ хизмати органига тегишли аризани тақвимий йил тугалланишига 15 кун қолишидан кечиктирмасдан берилгани ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органининг солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимиға ўтишни рад қилиш ҳақидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Ягона солиқни тўлашдан солиққа тортишнинг бундан олдинги тизимиға ўтиш йил давомида амалга оширилмайди.

### **3. Ягона солиқ тўловчиларининг таркиби ва унинг объекти.**

Солиқقا тортишнинг соддалаштирилган тизими қонунларда белгиланган мезонларга биноан микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирадиган юридик шахсларга тегишли бўлади.

Солиқقا тортишнинг соддалаштирилган тизими учун фаолият тури Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги белгилаган код бўйича аниқланади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ходимлари сонини белгилашда, шунингдек, пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳукуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишловчилар ҳам ҳисобга олинади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўлловчи ва ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва Ўзбекистон Чернобилчилари уюшмасининг мулки бўлган, ишловчилар умумий сонининг камиди эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлашдан озод этилади.

Мазкур имтиёз савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга жорий этилмайди.

Бир неча фаолият турларини амалга оширадиган ягона солиқни тўловчилар фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича солиқка тортиш объектининг алоҳида ҳисобини юритиши ва муайян фаолият турининг солиқ солинадиган объекти ва унга мувофиқ келадиган ягона солиқ ставкаси асосида ягона солиқнинг ҳисобкитобини амалга ошириши керак.

Акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган микрофирмалар ва кичик корхоналар акциз солигини Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда тўлаганлари тақдирда соддалаштирилган солиқ солиш тизимига ўтишлари мумкин.

Қўйидагилар ягона солиқка тортиш объектлари (солиқ солинадиган оборот) ҳисобланади:

савдо (харид қилиш, воситачилик, улгуржи-сотиш, таъминот) корхоналари учун - ялпи даромад;

харид қилувчи, таъминот-сотиш корхоналари учун - ялпи тушум.

Бунда, қурилиш, қурилиш-монтаж, тузатиш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-қидирав ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солиш объекти ҳисобланади.

**Ялпи тушум таркибига қуидагилар киради:**

- товар (иш, хизмат)ларни, мол-мулкни сотишдан олинган тушум суммаси;
- сотилган мол-мулк қиймати ва бошқа активлар
- ўзи ишлаб чиқарған маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишдан олинган тушум суммалари ялпи тушум таркибига киритилмайди. Мазкур қоида савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланаётган ёхуд хом ашё товарларни пахта толаси, пахта калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, рангли ва қора металларни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга жорий қилинмайди

**Ялпи даромад таркибига қуидагилар киради:**

- товарнинг харид қиймати билан сотиши қиймати ўртасидаги фарқ;
- молиявий фаолиятдан даромадлар ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлар.

#### **4. Ягона солиқнинг ставкалари, солиқни ҳисоблаш муддатлари.**

Солиқни жорий этиш афзаликлари. Ягона солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда солиқ солинадиган оборот ва тасдиқланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ягона солиқ бўйича ҳисоб-китоблар давлат солиқ хизмати органларига йил чорагилик ва йиллик ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Ягона солиқ бюджетга йилнинг ҳар чорагида ўсиб борувчи якун бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан тўланади.

Ягона солиқ суммаси маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ягона солиқ тўловчилари бўлиб, корхонада ишловчилар сони чекланган меъёрдан ошмаган юридик шахслар ҳисобланади. Бунга ҳамма соҳаларда фаолият қўрсатувчи ҳар хил мулк шаклидаги корхоналар киради. Демак, кичик корхона меъёри фақат ишловчилар сонигагина қаралиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва даромад олиш даражаси эътиборга олинмаган. Шу ердан кўриниб турибдики, давлат кўп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар, хизматлар бажарувчи кичик орхоналарни ҳар томонлама рағбатлантиришни мўлжаллайди. Фаолият тури хилма-хил бўлса ҳам ягона солиқ тўлайдилар.

Ягона солиқ тўловчи корхоналар сотиб олинган товарлар ва хом-ашёлар таркибида тўланган ККС суммасини шу товарлар ва хом-ашё таркибига киритади (консигнацион товарлар бўйича давр харажатига олиб боради). Маҳсулот етказувчиларга иш ва хизмат билан бирга тўланган ККС суммаси шу ишлар, хизматлар қийматига киритилади.

Ягона солиқ тўловчилар, бордию асосий востиilar ва номоддий активларини ижарага берсалар, унда шу активлар қийматидан мол-мулк солиғини умумий тартибда тўлайдилар.

Корхонада ишловчилар сонига шартнома бўйича ишловчилар, фуқаро-хукуқий шартномалар бўйича ишловчилар, ҳамда юридик шахс мақомини олмаган филиал ва ваколатхоналарида ишловчилар сони ҳам қўшилади.

Рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, ихчамлаштирилган соликка тортиш тизимиға ўтишни қарор қилган янги корхоналар рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ инспекциясига ёзма ариза берадилар. Бу ерда ихчамлаштирилган соликка ўтишга рухсат олиш керак бўлмайди.

Корхонада ишловчилар сонидан 50 фоизини 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, инвалилар бирлашмаси «Нуроний» ва Ўзбекистон Чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган ногиронлар ташкил этса ягона солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарорига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар тушуми:

- истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинса солиқ ставкаси йигирма беш фоиз камайтирилади,
- истеъмол товарлари ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсиш ҳисобига олинса ягона солиқдан озод этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширганлари тақдирда, солиқнинг қатъий белгиланган суммасини олдиндан тўлаб борадилар.

### **2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналарга белгиланган ягона солиқ ставкалари\***

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиши ҳажмига нисбатан фоизларда</b>
1. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи, нотариуслар	50
2. Гастрол-концерт билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олевчи корхоналар.	30
3. Ягона ер солиги тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари.	6
4. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги корхоналар	13

\*-“Микрофирмалар ва уичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги фармони.

1) Лизинг компаниялари лизинг берувчининг даромадига (маржасига) нисбатан фоизда солиқ тўлайдилар.

Ягона солиқ тўлашга ўтишни истаган корхоналар чорак бошланишидан бир ой олдин рўйхатдан ўтган солиқ идораларига ёзма равишда ариза беришлари керак.

Корхоналарни ягона солиқка ўтказиш тўғрисида ёки асосланган тарзда уни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ идоралари томонидан ариза берилган кундан эътиборан 15 кун ичida амалга оширилади. Янги тузилган корхоналар учун рухсат олиш талаб этилмайди.

Ягона солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби

Кичик корхоналарнинг ягона солиғи юридик шахслар томонидан ҳар чоракда қўйидаги оддий шаклда тузилади.

### **2005 йил I ва II чорак учун солиқ ҳисоби**

Кўрсткичлар	Ялпи тушум	
	I чорак	II чорак
Ялпи тушум жами (м.сўм)	900	1400
Ягона солиқ ставкаси (%)	13	13
Ягона солиқ суммаси (м.сўм)	117	182
Илгариги давр учун ҳисобланган (м.сўм)	-	117
Қўшимча ҳисобланди	-	65
Камайтиришга тегишли	-	-

Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиғи ҳар чоракда чораклик молиявий ҳисоботлар топшириш учун белгиланган муддатда тўланади. Бўнак тўловлар бўлмайди.

Солиқ тўловчилар ягона солиқни тўғри, тўлиқ ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш жавобгарлигини солиқ қонунчилиги бўйича оладилар.

Ялпи даромадни ёки тушумни камайтириш солиқ обьектини яшириш (камайтириш) деб қаралади ва тегишли молиявий жазоларга тортилади.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Ягона солиққа ўтишнинг аҳамиятлари қандай?
2. Қандай корхоналар ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин?
3. Қандай корхоналар ягона солиқ тўловчилари бўла олади?
4. Солиққа тортиш объекти нималардан иборат?
5. Солиқ ставкаларини ким белгилайди, нималарга боғлиқ?
6. Солиқ қайси бюджетга тушади?
7. Ягона солиқни ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлар керак?
8. Солиқ қайси давр учун ҳисобланади?
9. Ягона солиқ қайси муддатда бюджетга ўтказилади?

## **6-мавзу: Савдо ва умумий овқатланиш тизимини солиққа тортиш (8 соат)**

### **Мавзуу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

улгуржи савдо корхоналарини умумий солиқ тизимига ўтказиш муаммоси;  
савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида қўшилган қиймат солифини  
юритиш услубиётидаги муаммоларни бартараф этиш;

ялпи даромад солифи бўйича солиқ объектини аниқ белгилаш муаммоси;  
савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида мол-мулк солифини ҳисоблаш  
ва солиққа тортилмайдиган объектлар рўйхатини татбиқ этиш муаммоси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, ягона солиқ, солиқ ставкаси,  
солиқ обьекти, солиқ тўловчилар, солиқ имтиёзлари, пластик карточка, ялпи  
даромад, товар айланмаси

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 5,9,11,18,21

Қўшимча адабиётлар: 25,29,31,37

## **1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғининг назарий асослари.**

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғининг назарий асослари ҳақида сўз юритишдан олдин соликлар назарияси-ўзи нима деган саволга жавоб бериш лозим.

Соликлар назарияси деганда соликларнинг моҳияти, табиати, уларнинг жамият, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда солик воқеликларида такрорланиб турадиган муносабатларни хукукий жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги билимлар тизими тушунилади.

Демак, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғининг назарий асослари ҳам ҳудди ана шу билимлар тизимидан иборат экан. Энди гап ана шулар ҳақида боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соликларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 1034-сонли фармонига биноан 1995 йил 1 январдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъий назар, барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фойда ва қўшилган қиймат солиғини ўрнига ялпи даромад солиғини тўловлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10-апрелдаги 153-сон билан қабул қилинган «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солик солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадга солинадиган солик бўйига бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгилаб берилди.

Ушбу ялпи даромад солиғи бўйича қабул қилинган 153-сон қарорга 1999 йил 14 январдаги 20-сон қарори билан киритилган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва бюджет параметрлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 490-сонли қарорига мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, экалогия солиғи, сув ресурсларидан фойдаланлик учун солик ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани солиғи, бошқа соликлар ва соликлар (бундан мол-мулк солиғи мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғини тўлайдилар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тўлайдиган ялпи даромад солиғини - давлат солик хизмати органларининг назорат қилиши ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 апрелдаги 153-сон қарорида шундай

дейилган: «Солиқлар ҳақидаги қонунларнинг түғри қўлланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати түғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳам бошқа солиқ тўловчилари сингари солиқ қонунларини бузганлик учун юридик жавобгарликка тортиладилар. Солиқ кодексининг 135-моддасига мувофиқ солиқ ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун солиқ тўловига, шу жумладан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига нисбатан қуидаги миқдорларда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

Юридик шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қуидагича миқдорда жарима солишига олиб келади.

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса-энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдорда, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромад (фойда)нинг қн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундаан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса, энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромад (фойда) нинг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

Савдо ва умумий овқатланишда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органи рўйхатда ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима солишига олиб келади.

Даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан, шу жумладан савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан яширилган даромад (фойда)нинг бутун суммаси ва ана шу сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа обьектлар яширилган тақдирда солиқ тўловидан яширилган солиқ солиш обьекти учун олинадиган солиқ суммаси ва ана шунча миқдорда солиқ ундирилади. Солиқ тўлови юқоридаги хатти харакатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида тақроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва ана шу сумманинг икки баробари миқдорида жарима ундирилади.

Декларация ва ҳисботлар ўз вақтида ва белгиланмаган шаклда тақдим этилса, солиқ тўловчи, ўтказилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг 1 фоиз

миқдорида бироқ, илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чиқариб ташланган ҳолда ва тегишли тўлов суммасининг 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда.

Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибини солиқлар ва йифимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

Фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва ана шу миқдорда жарима ундирилади;

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирган ҳолда товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлик учун улардан ана шу товарлар (иш, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

Солиқлар ва йифимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Товарлар (иш хизмат) реализация қилинаётганда ҳисобварак-фактуралари белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирганлик учун маҳсулот етказиб берувчидан сотилган товар (иш, хизмат)лар қийматининг 10 фоиз миқдорида жарма ундирилади.

Солиқ органлари солиқ тўловчиларга шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарига нисбатан молиявий жазо қўллаш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ, маъмурий жазо чораларини фақатгина «Маъмурий жавобгарлик кодекси» (МЖК) доирасидагина жарималар ундириш орқали қўлайдилар. Хукумат органларининг қарорлари билан давлат солиқ органлари ихтиёрига берилган ишлар маъмурий хукуқбузарлик объектлари ҳисобланади. Улар:

- солиқ солиш;
- савдо ва хизматлар кўрсатиш;
- тадбиркорлик фаолияти объектларидир.

Демак, давлат солиқ органларига тегишли маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг юқоридаги З гурухини ажратиб кўрсатиш мумкин экан.

Солиқ солиш (1-гурух) борасидаги маъмурий хукуқбузарлик «МЖК» нинг 174-175 моддаларида келтириб ўтилган. Солиқлар ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш «МЖК»нинг 174-моддасига кўра жазоланади.

Яъни агар солиқ тўловчилар солиқ, олинадиган даромад (фойда)ни ёки

бошқа объектларни қасддан яшириш ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бўйин товлаш энг кам иш ҳақининг фуқароларга 3-5 баробарига, мансабдор шахсларга 5-7 баробар миқдорда жарима ундирилади.

Модданинг 1-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар кўринишида белгиланган суммаларни бюджетга ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиласидаги расмий ҳужжатларда солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттираслик ёки нотўлик акс эттиришда намоён бўлади. Солиқ солинадиган сумманинг яширилиш ҳолатида яширилган сумманинг миқдори алоҳда аҳамият касб этади, зеро ушбу сумма энг кам иш ҳақининг ўнта миқдоридан ошмагандан маъмурий жавобгарлик юзага келади. Ҳуқуқбузарлик обьекти - бўлиб эса, ҳам фуқаролар, ҳам корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг солиқ ва бошқа тўловлари тўлашдан бўйин товлаш «жиноят кодекси» 184-моддасига мувофиқ қуийдаги жиноий жавобгарликка тортиладилар:

Даромад (ялпи даромад, фойда) ёки солиқ тўланадиган бошқа обьектлари қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йигимлари, бож ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, божларни тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қиласа:

а) энг кам ойлик иш ҳақининг ойлик баробарига миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай б ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу қилмишлар агар

такроран:

йирик миқдорда содир этилган бўлса.

б) энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баробаридан 75 баробаригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай З йилгача озодликлан маҳрум қилиш билан жазоланади. Худди шундай қилмишлар алоҳида йирик ҳажмда содир этилган бўлса;

в) энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баробаридан 100 баробаригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқоридаги айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар аниқланганда-биргаликдаги

текширув якунлари бўйича ягона далолатнома тузилади, унга бир томондан текширувчи ходимлар ва бошқа томондан текширилаётган корхона муассаса, ташкилот раҳбарлари ва бош ҳисобчиси ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс имзо чекади.

Республика солиқ органлари улар ваколатга киритган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирувчи амалга оширадилар, сўнгра амалдаги қонун ҳужжатларни бузиш фактлари бўйича материалларни тергов ва суд органларига текширадилар, шунингдек айборларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш давлат солиқ органлари ваколатлари доирасидан чиқадиган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят процессидан қонунчилиги меъёрларига асосланиб, солиқ органлари ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликлар бўйича зарур тадбирлари амалга оширдилар. Демак, ялпи даромад солиғи ҳуқуқий жиҳатдан ана шу тартибда таъминланган экан.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ундириладиган ялпи даромад солиқининг назарий асослари ҳақида якуний фикрлар қўйидагича

Демак ялпи даромад солиғининг моҳияти - бу шундан иборатки, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бюджетга мол-мулк солиғидан ташқари барча турли хил солиқлар ўрнига 1 та ва ойда бир марта ялпи даромаддан солиқ тўлайдилар.

Ялпи даромад солиғининг табиати ўз ичига-ушбу солиқнинг жорий қилинишдаги ҳолатидан тартиб, уни такомиллаштириш борасида ҳозирча қилинган барча чора-тадбирлар мажмууни олади.

Ялпи даромад солиғини жорий қилишнинг аҳамияти деганда, бу солиқни қўллаш иқтисодиётга ёки ана шу солиқни тўловчи корхоналар фаолтятига қай даражада ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиш тушунилади.

Кичик бизнес-жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу республика бозорини зарур истеъмол тоарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу ялпи иш ўринларидир. Шуни ҳамиша назарда тутиш керакки, фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисботигагина ғоят кескин муаммони - аҳолининг (айниқса ортиқча меҳант заҳиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойлар ва минтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда савдонинг улгуржи ёки чакана тури бўлмасин унинг иқтисодиётдаги ўрни бекиёс, чунки фақат савдо корхоналари орқалигина

барча истеъмол товарлари истеъмолчиларга етиб боради. Бу ерда савдо корхоналари худди ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги воситачи вазифасини бажаради.

Статистик маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак биргина чакана савдонинг 2002 йилдаги ҳажми 748,7 млрд сўмни ташкил этган. 2003 йил январ июн ҳолатига кўра ушбу кўрсаткич 1126,1 млрд. сўмни ташкил қилган (“Экономическое обозрение” /журнал/, сентябр, 2003). Ўсиш 3,1 фоизни ташкил этган. Мулкчилик шаклига кўра товар асосланишини кўрадиган бўлсак 2003 йил январ-июн ҳолатига кўра 3 фоиз товар алмашиш давлат ҳисобига 97 фоиз давлатга қарашли бўлмаган сектор улушига тўғри келган. Умуман олганда савдо соҳаси иқтисодиёт учун жуда зарур бўлган соҳа ҳисобланади. тасаввур қилишга ҳеч қандай савдо корхонаси ёки умуман овқатланиш корхоналари йўқ деб. Бундан ёмони бўлмаса керак. Пул бору товар йўқ. Бу яна ўша инфляцияни келтириб чиқаради. У эса албатта иқтисодий инқирозга олиб боради. Ҳеч қандай товар ёки хизмат сотилмагандан кейин қандай қилиб унда ишлаб чиқарувчининг ўзини сақлаб қолиши мумкин? Шу нуқтаи назардан олиб қараганда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг ажralmas бир бўғини ҳисобланади.

## **2. Ялпи даромад солиғи тўловчилари, солик ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, савдо ташкилотлари фаолият турига қараб улгуржи, чакана савдо ва овқатланиш корхоналарига бўлинади. Уларнинг статистика идораларида рўйхатдан ўтган бўладилар. Уларнинг ҳар бирига ўша рўйхатдан код белгиланган. Уларнинг коди 71000-72100 гачадир. Мулк шаклига қараб: хусусий, акциядорлик ва давлат савдо ташкилотларига бўлинади. Демак, савдо ташкилотларини соликка тортиш масалаларини ечишда корхоналарнинг коди ва фаолият турига эътибор берилади. Ялпи даромадга солик тўловчилар ҳамма савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, чет эл инвестицияси билан тузилган қўшма ва умумий овқатланиш корхоналаридир. Ялпи даромадга солик объекти бўлиб корхонанинг ялпи даромади ҳисобланади. Ялпи даромад таркибиға қўйидагилар киради:

Даромадлар:

- а) сотилган товарларнинг сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ;
- б) операцион даромадлар;
- в) молиявий фаолиятнинг даромадлари ва ҳаражатлари қиймати қолдиғи;
- г) фавқулодда даромадлар;

Тикланадиган ҳаражатлар:

- а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб ставкалари атрофида ва ундан ортиқ тўланган ссудалар ва қарзлар фоизи;
- б) қимматли қоғозларни чиқариш ва тарўатиш билан боғлиқ ҳаражатлар.

Тўлов манбаида соликка тортилган дивидендлар ва фоизлар ялпи даромаддан чегириб ташланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ўзлари дивидентлари ва фоизлари (банкка кредит фоиздан ташқари, умумий белгиланган тартиб бўйича соликка тортилади. Банк кредитининг фоизи тўланаётганда солик солинмайди. Уларнинг фоизи банкнинг даромадлариға қўшилиб соликка тортилади.

Ялпи даромад солиғининг дифференциациялашган ставкалари қўйидаги мезонларга қараб белгиланади:

Тошкент шаҳри ва шаҳарларда;

Қишлоқ жойларда;

Бориш қийин бўлган тоғли туманларда.

Агар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари савдо фаолиятидан ташқари яна маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғуллансалар, ишлаб чиқариш

фаолияти бўйича алоҳида ҳисоб юритиб қўшилган қиймат солиги ва фойдага (даромадга) солиқ тўловчилар ҳам бўладилар.

Қўйида биз ялпи даромад солиғининг 2005 йилдаги ставкаларини келтирамиз.

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадига 2005 йил  
учун солиқ ставкалари**

Тўловчилар	Қўйидаги ҳудудларда жойлашган корхоналар учун солиқ ставкалари (ялпи даромадга нисбатан фоизда)		
	Тошкент шахри ва шаҳарларда	Қишлоқ жойларда	Бориши қийин бўлган тоғли туманларда
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари	20	18	16
Улардан: Умумтаълим мактабларига, мактаб-интернатларга, ўрта- максус, касб-хунар ва олий ўкув юртларига хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш корхоналари	16	14	12

\*-УзР.ВМнинг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қароридан олинди.

Демак юқоридаги жадвалдан кўринадики, агар корхона савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланса:

- шахар жойларда 20 фоиз;
- қишлоқ жойларда 18 фоиз;
- узоқ ва тоғли туманларда 16 фоиз ставкада солиқ тўлаган.

1-масала.

Шаҳарда жойлашган савдо ташкилотининг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган товар айланмаси ва ялпи даромад бўйича маълумот (2004 йил сентябр ойи учун).

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Солиқ тўловчи маълумоти</b>	<b>Солиқ идораси маълумоти</b>
1.	Ҳисобот ойининг товар обороти Шу жумладан:	100000	100000
	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	-	-
2.	Ялпи даромад - Жами Шу жумладан:	10000	10000
	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	-	-

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, жорий ой мобайнида корхонанинг товар обороти 100000 сўмни ташкил қилган. Ялпи даромади эса 10000 сўмни ташкил қилган. Корхонада пластик карточкалардан фойдаланилмаган.

### **Савдо корхонасининг ялпи даромад солигининг ҳисоб китоби минг сўмда**

<b>T/p</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b>
1.	Солиқ солинадиган ялпи даромад – жами	10000
	Шу жумладан:	
1.1	Белгиланган ставка бўйича солиққа тортиладиган	10000
1.2	Пластик карточкалардан фойдаланилган учун имтиёзли ставка бўйича солиққа тортиладиган	-
2.	Ялпи даромадга белгиланган солиқ ставкаси, % да	20
3.	Пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда олинган товар айланмасига боғлик ҳолда ялпи даромадга тузатилган солиқ ставкаси, % да (2-сатр-(2 сатрX20/100))	-
4.	Ҳисобот даври учун ялпи даромад солиги – жами	2000
4.1	Белгиланган ставка бўйича (1.1 сатрX2сатр/100)	-
4.2	Пластик карточкалардан фойдаланилган учун имтиёзли ставка бўйича (1.2сатрX3сатр/100)	-
5.	Олдинги ҳисоб китоб бўйича ҳисобланган ялпи даромад солиги	
6.	Бюджетга тўлаш лозим бўлган ялпи даромад солиги суммаси (4сатр-5сатр)	

Демак ялпи даромад солиги қўйидагича бўлади:

$$\frac{10000 \times 20\%}{100\%} = 2000$$

Ялпи даромад солиги суммаси= 2000 .

Корхонанинг жорий ой учун тўлаш керак бўлган суммаси 2000 сўмни ташкил қилди.

Лекин корхонанинг тўлаган бўнак тўловидан 1500 сўмни ташкил қиласди. Шунинг учун унга 500 сўм қўшимча ҳисобланган ҳолда солик суммаси тўланади.

Агар ялпи даромад солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартибига Вазирлар Маҳкамаси, Молия Вазирлиги ёки ДСҚ томонидан ўзгартиришлар киритилса, бу ўзгаришлар корхонага ўзи рўйхатдан ўтган солик инспекцияси орқали етказилади. Ялпи даромадга солиқдан солик ҳисоби ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай солик идораларига тақдим этилади.

Солик ҳисобланганда 6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш» счёти кредитланади, 9810 «Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар» счёти дебетланади. Солик ўтказилганда 6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш» счёти дебетланади, 5100 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олиш» счёти кредитланади. Солик тўловчилар солик суммасининг солик ҳисоби топшириши белгиланган кундан ҳар ойда (15-сана) кечиктирмай бюджетга тўлайдилар. Солиқни тўғри ва очик ҳисоблаш ҳамда тўлаш жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича солик тўловчилар зиммасига юқлатилган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари» ялпи даромад солиги билан биргаликда мол-мулк солигининг ҳам тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Улар ҳам бошқа юридик шахслар каби умумий тартибда ушбу солиқни тўлайдилар. Чунки мол-мулк солигининг тўловчилари бўлиб ўз мулкига эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари балансида бўлган эскириш ҳисобига олинмаган ўртacha йиллик асосий воситалар, лизинг шартномаси бўйича сотиб олинган воситалар, моддий активлар ҳамда муддатда ишга тушурilmagan мулклар қолдиқ қиймати солиқка тортиш обьекти бўлади. Корхона мулкларининг ўртacha қолдиқ қиймати йил боши ва охиридаги қолдиқ қийматларнинг ярим ва йил ичida ҳар бир ойнинг бошида бўлган қолдиқ қийматларини кўшиб, 12 га бўлиш билан аниқланади:

## **Ўртача йиллик қолдик қиймат =**

$$\frac{\frac{1 \text{ январ}}{2} + 1 \phi e в r a l + 1 m a p m + \dots + \frac{1 \text{ январ}}{2}}{12}$$

шакли билан аниқланади.

Агар корхона мулки ойнинг биринчи ярмида ишга туширилса, ўртача ойлик қиймати белгиланаётганда тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мулк ойнинг иккинчи ярмида ишга тушурисла, унинг қиймати кейинги ойнинг бошида бўлган мулкларнинг қийматида аниқланади.

Солик тўлайдиган базани аниқлаш учун бухгалтерия балансининг активидан қуидаги счёtlар олинади:

0100 - Асосий воситаларни ҳисобга олиш;

0300 - Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш;

0400 - Номоддий активларни ҳисобга олиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили янги бюджет тасдиқланганда солик ставксига ўзгартиришлар хукуқи берилган. «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва бюджет параметрлар тўғрисидаги» Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил учун 2004 йил 28-декабрдаги 610-сонли қарорига мувофиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига солик ставкаси 3,5 фоиз қилиб белгиланган эди.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари янги ташкил этилган ва рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга солиқдан яъни мол-мулк солиғидан озод қилинади.

Солиқка тортиладиган база савдо ва умумий овқатланиш корхоналари балансида бўлган уй-жой, коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа обьектлари, табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлар ва ўт ўчириш хавфсизлиги учун фойдаланаладиган обьектлар ушбу мулклар қийматига камайтирилади. Солик ҳисобини солик тўловчилар тузадилар ва солик идораларига ҳисоботлар ва баланслар топшириш кунида топширадилар. Корхоналар жорий тўловлар суммасини мустақил равишда ўзлари ҳисобот даврдаги мулкларнинг ўртача ойлик қийматлари ва солик ставкасига қараб белгилайдилар. Солик суммаси давр ҳаражати таркибиغا киради. Бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирмай йиллик сумманинг ўн иккidan бир қисми сифатида тўланади. Ҳисобот чиқарилган

қўшимча солиқ суммалари ҳисобот тақдим этилган кундан эътиборан 5-кун ичида тўланади. Ортиқча тўланган сумма келгуси тўловларга ўтказилади ёки бошқа тўловлардан қарз бўлмаса корхонанинг ёзма аризасига биноан 3 кун ичида унга қайтарилади.

### **Савдо корхонанинг 2005 йил учун мол-мулк солиғи ҳисоби**

минг сўмда

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Тўловчи маълумоти бўйича</b>
1.	Ҳисобот даврида солиқقا тортиладиган мулкларнинг ўртача қиймати	20000
2.	Солиқ ставкаси.	3,5 %
3.	Солиқ суммаси.	700
4.	Ҳисобот даври учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси.	700
5.	Ҳисоботлар даврида хисобланган бўнак суммаси.	550
6.	Қўшимча ҳисобланган. Камайтирилди.	150 -

Юқоридаги жадвалда кўринадики ҳисобот давридасавдо корхонасининг солиқقا тортиладиган мулкларнинг ўртача қолдиқ қиймати 20000 м.сўмни ташкил этган. Амалдаги солиқ ставкаси қўллаган ҳолда солиқ суммаси келиб чиқади.

$$\text{Солиқ суммаси} = 20000 \times 3,5\% / 100\% = 700$$

Ҳисобот даври учун тўланиш лозим бўлган солиқ суммаси 700 м. сўмни ташкил этди. Лекин корхона 550 м.сўм миқдорда бўнак тўловини тўлаган эди. Шундан келиб чиқиб корхона қўшимча 150 м.сўм миқдорда солиқ суммасини бюджетга ойнинг 20-санасида кечиктирмай тўлаш лозим.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари маълум мезонга асосланган ҳолда ягона солиқни тўловчилари бўлиши мумкин. Энди кичик бизнес корхоналари ўзининг катта имкониятларини ишга солиш мумкин. Уларга давлат ёрдам бериши кафолатлашдан ташқари ихчамлашган солиқقا тортиш тизимига ўтишга рухсат бериш, уларни ташкил қилиш, молия хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кичик корхоналар учун илгариги умумдавлат ва маҳаллий соликлар, йиғимлар ўрнига ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ ҳисоби тузишни осонлаштириди, илгариги пул ҳисоблар ва далолатномалар ўрнига ягона солиқ ҳисоби бериладиган бўлди. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ягона солиқ тўловига ўтиши ихтиёрийдир.

Фақатгина улар учун ягона мезон мавжуд, у ҳам бўлса улардаги ишловчилар сони, яъни 5 кишини ташкил этсагина ягона солик тўлаш тизимиға ўтишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган соликقا тортиш тизимиға ўтишни қўллаш» тўғрисидаги қарори асос бўлиб ҳисобланади. (1998 йил 15 апрель. 159-сон).

Ягона соликли тўлашга ўтган кичик корхоналар учун қуидаги тўловларни тўлаш таркиби сақланиб қолинган: акциз солифи, бож тўловлари, давлат божи, бюджетдан ташқари фонdlарга тўловлар, биржа битимлар йиғими, маҳсус товарларни сотиш учун лицензия йиғими.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги ишловчилар сонига шартнома бўйича ишловчилар ва фуқаро ҳуқуқий шартномалари бўйича ишловчилари ҳам киритиш тартиби мавжуд. Агар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ягона солик тўлашга ўтган бўлсалар уларнинг ялпи даромадлари таркибига қуидагилар киради:

а) товарларнинг сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги қиймат фарқи;

молиявий фаолиятдан даромадлар ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари киради.

Ягона солик ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили бюджет кўрсаткичлари тасдиқланаётганда берилиб борилади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан кичик корхоналар учун солик ставкалари белгиланган. Шундан биз ўзимиз учун зарурини кўрамиз. Бу савдо (харид қилиш, воситасининг, улгуржи-таъминлов, таъминлов корхоналари), шу жумладан умумий овқатланиш. Уларнинг ялпи даромадларига нисбатан солик ставкаси 30 фоиз қилиб белгиланган.

Ягона солик тўлашга ўтишни истаган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари чорак бошланишидан бир ой олдин рўйхатдан ўтган солик идораларига ёзма ариза беришлари керак.

Корхоналарни ягона соликка ўтказиш тўғрисида ёки асосланган тарзда ундан бош тортиш тўғрисидаги қарор солик идоралари томонидан ариза берилган кундан эътиборан 15 кун ичида амалга оширилиши лозим.

Ягона соликни тўловчи кичик корхоналар соликни бюджетга ҳар чоракда ва йиллик ҳисботлар учун белгиланган муддатда тўлайдилар. Бўнак тўловлар бўлмайди.

## Савдо корхонасининг 2005 йил учун йиллик ҳисоби

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Корхона маълумоти
1.	Ялпи тушум жами.	12000
2.	Ягона солик ставкаси, %	30
3.	Ягона солик суммаси.	3600
4.	Илгарига давр учун ҳисобланган ягона солик	2500
5.	Қўшимча тўлашга тегишли	1100
6.	Камайтиришга тегишли	-

Изоҳ. Юқоридаги жадвалдан кўринадики жорий йил мобайнida савдо корхонанинг ялпи тушуми 12000 м.сўмни ташкил қилган. Амалдаги солик ставкасини қўллаш орқали ягона солик суммаси топилган.

$$\text{Солик суммаси} = 12000 \times 30/100 = 3600$$

Ушбу давр учун ягона солик суммаси 3600 м. сўмни ташкил қилган. Илгариги давр учун ҳисобланган ягона солик суммаси 2500 м. сўмни ташкил қилиб, қўшимча 1100 м. сўм тўланиши лозим. Бу ердаги барча суммалар қисиб бориш якуни бўйича ҳисобланган.

Ягона солик ёки ялпи даромад солиғининг афзаллик ва камчилик томонларини айтадиган бўлсак агар савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг балансидаги мулкнинг қиймати юқори бўлса, у ягона солик тўлашга ўтганлари маъқулроқ. Чунки ягона солиқقا ўтказилгандан кейин молмулк солиғини тўлайдилар. Ягона солик тизимининг аҳамияти жуда каттадур. Бу фақат солиқларнинг ихчамланганлигида эмас, балки хисоб ходимлари учун вақт ва пул ҳаражатини камайтириш, солиқлар ва йиғимлардан тўлайдиган молиявий жазоларни камайтириш имконият беради. Ҳисоб-китобнинг оддийлиги ва осонлиги ҳам ягона солиқнинг ўзига хос ҳусусиятларидан биридир. Агар савдо ва умумий овқатланиш корхонасининг ялпи даражада катта ҳажмда бўладиган бўлса, у ягона солиқقا ўтиб маълум миқдордаги сумма пуллари иқтисод қилиш имконига эга бўлади. Лекин ушбу корхоналар ягона солиқка бўлиб, даромадлилик даражалари тушиб кетса яъни ялпи даромадлари камайса ягона солик тизими қўл келмайди. Бундай ҳолда ялпи даромад солиқнинг қўлланиши юзага келади. Бундан ташқари ялпи даромад солиғининг ставкалари дифференциялашнинг, жамланган ўрнига қараб бир биридан фарқланиш ҳам маълум маънода қулайлик келтириб чиқаради. Лекин савдо ва

умумий овқатланиш корхоналарининг асосий воситаларининг кўплиги ёки қийматнинг юқорилиги ялпи даромад солиғи тўловчиларнинг солик тўловлари суммасини кўпайтиради. Бу эса ягона соликқа ўтишга ундиради.

### **3. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғини такомиллаштириш йўллари.**

Солик сиёсатини такомиллаштириш иқтисодиётни барўарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Солик тизими ислоҳат жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлгани ҳолда, иқтисодий ислоҳат мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт.

Солик тизимини такомиллаштиришга асос қилиб олинган бош тамойил-корхоналар зиммасидаги солик юкини кескин камайтиришдир.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида солик юкининг юқори бўлиши, корхоналар ўз маблағларини ўз фаолиятини кенгайтиришга, зарур техника билан қайта қуроллантиришга, ўз айланма маблағларини тўлдиришга сарфлаш имкониятидан маҳрум қиласди. Оғир солик юки узоқ муддат зиммасида туриши натижасида инфляция юксак даражада бўлишини билвосита қўллаб қувватлаш хавфи вужудга келади. Бунинг сабаби шуни савдо ва умумий овқатланиш фаолият соҳаси пасайиб бораётган бир пайтда солик микдори корхона даромадларининг инфляция кучайиб бориши натижасидагина оширилиши мумкин. Бу эса молия тизимининг барбод бўлишига, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши, ижтимоий муаммоларни кескинлашувига олиб келади.

Демак солик солиш ишлари шундай ташкил этилиши керакки, унинг натижасида давлат ва маҳаллий бюджетлар етарли манбага эга бўлиши ҳамда ундан мамлакат миллий иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларда фойдаланиш имконияти яратилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмнинг кўпайтиришга ва харажатларни камайтиришга эришилишини таъминлаш лозим. Солик солиш йўли билан иқтисодий жараёнларни тартибга солиб туришнинг асосий моҳияти шундаки, иқтисодий жиҳатдан ривожланган корхоналардан солик кўпроқ олиниб, иқтисодий ночор корхоналарга солиқлардан енгилликлар берилиб, иқтисодиётда умумий ўсиш таъминлашнши керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ундириладиган турли хилдаги солиқлар ўрнига ялпи даромад солиғининг жорий этилиши ушбу корхоналар фаолиятини кучайтириш имкониятини яратади. Корхона ихтиёрида маблағ микдорининг ортиб бориши уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлабгина қолмай, балки уларнинг инвестиция фаолиятини жонлаштиришга ҳам олиб келади.

Республикамизда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш борасида қилинган чора-тадбирлардан бири бу ушбу корхоналар учун «Ялпи даромад солиғини» жорий этилиши бўлди. Шундай экан солиқ тизимини янада такомиллаштириш миллий иқтисодиётга уни барқарорлаштиришда муҳим шарт бўлиб хизмат қиласи. «Савдо ва умумий овқатланиш» корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғининг ундирилиши хусусиятларини таҳлил қилиш орқали, уни янада такомиллаштириш мақсадини кўзлаб, куйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғи ставкаларини камайтириш лозим. чунки ушбу фаолият билан юридик шахс мақомига эга бўлмай якка тартибда шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қулай солиқ муҳити яратилган. «Савдо ва умумий овқатланиш» корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғи ставкаларининг юқорилиги натижасида уларнинг рақобатга бардош бериши қийинлашади;
- иккинчи томондан эса солиқ ставкалари қанчалик ортса, солиқ тўловчиларнинг солиқдан қочиш майиллари шунчалик кўпаяди. Бунинг икки йўли бор:
  - кам ишлаш, кам жамғариш ва кам солиқ тўлаш;
  - ноқонуний йўллар билан солиқдан қочиши.

Буларнинг оқибатида эса давлатнинг солиқли даромадлари камаяди.

Яна бир асосий муҳим ўз ечимини топиш шарт бўлган масалалардан бири бу касса аппаратлари билан боғлиқ бўлган муаммолар. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида касса аппаратлари мавжуд. Ушбу корхоналар ўзлари ҳисоб китоб рақамларини очган банкларидан ўзларида қанча миқдорда ўз иҳтиёрига зарур бўладиган нақд пул қолиши кераклиги тўғрисидаги буйруқни олганлар. ушбу пул миқдори чегараланган. Шундай бўлсада аҳолидан олинадиган нақд пулларни касса аппаратидан ўтказмаслик қўпол айтганда кассага урмаслик холлари тез-тез учраб турибди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда солиқ идоралари томонидан ўз туманларидаги шу каби корхоналар кассаларини назоратини кучайтириш мақсадга муфовиқ бўларди. Шунинг учун ҳар бир туман инспекциясидаги инспекцияларга участкаларни бўлиб бериш керак. Бу бўлиб бериш айнан ана шу касса операторларини назорат қилиш юзасидан бўлиши керак деб ўйлайман. Тўғри солиқ инспекциялари инспекторлар томонидан вақти-вақти билан хронометрож ўтказдилар. Лекин

унинг самараси фақатгина қша даврдагина бўлади.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарнинг ялпи даромадга ўтишнинг аҳамиятлари қандай? Қандай корхоналар ялпи даромад солиғи тўлашга ўтишлари мумкин?
2. Қандай корхоналар ялпи даромад солиғи тўловчилари бўла олади? Солиқка тортиш объекти нималардан иборат?
3. Солиқ ставкаларини ким белгилайди, нималарга боғлиқ? Солиқ қайси бюджетга тушади?
4. Ялпи даромад солиғини ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлар керак? Солиқ қайси давр учун ҳисобланади?
5. Ялпи даромад солиғи қайси муддатда бюджетга ўтказилади?

## **7-мавзу: Қўшилган қиймат солиғи (8 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

қўшилган қиймат солиғи иқтисодий моҳияти жиҳатидан қўшилган қийматга нисбатан тўланадиган ва баҳога ҳамда аҳоли турмуш даражасига таъсир этиш жараёнини аниқлаштириш;

фойдаланиш учун сотиб олинаётган асосий воситаларнинг қийматига нисбатан ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи амортизация ажратмасига нисбатан мутаносиб равишда ҳисобга ўтказилишини ишлаб чиқиш ва бу орқали бир обьектни бир неча бор соликқа тортишни чеклаш муаммоси;

қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашга шартли коэффициентларни татбиқ этиш;

### **Таянч сўз ва иборалар**

қўшилган қиймат, солик ставкаси, нолли ставка, солик обьекти, солик имтиёзлари, импорт маҳсулотлари учун қўшилган қиймат солиғи, божхона юк декларацияси, счёт-фактура

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 8,9,12,15,18,21

Қўшимча адабиётлар: 25,31,33,34,37

## **1. Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимиға жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти.**

Қўшилган қиймат солиғи товарлар, ишлар ва хизматлар устига қўйилганлиги учун эгри солиқлар қаторига киради. Бундай қараганда унинг тўловчилари маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш ва хизматларни бажарувчи корхона, ташкилот, бирлашмадек туюлади. Ана шу корхоналар солиқни хуқуқий тўловчилари бўладилар. Солиқ идоралари солиқни ўз вақтида ва тўлиқ бюджетта ўтказишни улардан талаб қиласидилар. Аслида эса мазкур корхона, ташкилот ва бирлашмалар қўшилган қиймат солиғини маҳсулот, иш, хизматни сотиб олевчи корхона, ташкилот ва бирлашмалар сотиб олган маҳсулот, иш, хизмат устига қўйиб юборадилар. Демак, солиқни ҳақиқий тўловчилари шу маҳсулот, иш ва хизматни истеъмол қилувчи корхоналардир. Уларнинг охирги қиймати чакана савдо орқали аҳолига етиб боради ва охирги истеъмолчилар бўлади.

Амалиётда Ўзбекистон Республикасининг солиқлар хақидаги қонунларига биноан, ҳисобот даври (оий) учун реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан қиймати ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари (масалан, материаллар, хом ашё, бутловчи буюмлар, ёқилғини етказиб берган таъминотчиларга тўланган ҳак)га қўшиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Бу умумий тартиб мазкур солиқнинг қўшилган қийматга солинадиган солиқ сифатидаги моҳиятини очиб беради. Бу ўринда корхона бир вақтнинг ўзида таъминотчига солиқ тўловчи сифатида ҳам, товарларни сотиб олевчи, ишлар ва хизматларни истеъмол қилувчилардан солиқ олевчи сифатида ҳам майдонга чиқади.

Бундай аҳволда товарлар (ишлар, хизматлар) етишмовчилиги ёхуд уларга талаб ошган шароитларда, ҚҚС корхонанинг молиявий натижаси (фойдаси)га нисбатан ҳақиқатдан нейтрал солиққа ҳам, мулкчилик шаклларидан ва хўжаликларнинг тармоғидан катъий назар, барча корхоналар ва бирлашмалар томонидан тўланадиган универсал солиққа ҳам айланади.

Қўшилган қиймат солиғи билвосита кўп босқичли солиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш циклидан бошланиб, истеъмолчига сотилишгача бўлган ҳар бир актдан ундирилади. Унинг обьекти бўлиб, ушбу жараёнларда қўшилган

қиймат ҳисобланади Яъни, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи томонидан янгидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун ёки ишлар ва хизматларни амалга ошириш учун сотиб олинган хом-ашё, материаллар ёки товарлар ва маҳсулотлар устига қўшилган қийматдир. Ушбу солик товарлар, ишлар ва хизматлар нархининг барча элементларини чеклайди ҳамда ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш таннархини камайтиришга ундаиди.

Қўшилган қиймат солиги ҳисоботлари асосида давлат саноат ва савдо капиталининг айланиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлади, ва бу макродаражада тартибга солишни енгиллаштиради. Бундан ташқари, давлат товарлар хали ҳақиқий ва охирги истеъмолчи ҳисобланган ҳамда соликнинг ҳақиқий тўловчиси бўлмиш аҳолига сотилишидан олдин даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Жаҳон амалиёти қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг деярли бир хил тизимиға эга. Солик тўловчи сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлардан олинган солик билан ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматларни амалга ошириш учун тўланган солик суммаси орасидаги фарқни бюджетга тўлайди. Агарда харидорлардан олинган солик суммасидан чегириб ташланадиган маъсулот, ишлар ва хизматларни етказиб берувчига тўланган солик суммаси олинган солик суммасидан ортиқ бўлса, у ҳолда манфий қолдиқ кейинги давр солик тўловлари ҳисобига ўтказилади, ёки ривожланган давлатларда қўлланилиб келинаётганидек, солик тўловчига қайтариб берилади.

Соликларни қисмларга ажратиб ундиришга имконият беради, чунки соликка тортиш миқёсига фирмаларнинг барча сотувлари киради, аммо оралиқ сотиб олишларда тўланган солик суммаси келгусида жами суммадан чиқариб ташланади. «Солик кредити» номи билан аталган ушбу усул солик тизимиға ўзини ўзи тартибга солиш элементини киритади ва соликларни ундирилиши юзасидан тартибни яхшилайди.

Қўшилган қиймат солиғининг асосий устунлиги шундаки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир буғинида тўланган соликнинг ҳажмини аниқлаш мумкин. Бу эса, масалан, экспортга берилган чегирмаларни аниқ ҳисоблашга ёрдам беради ва экспорт субсидиялари берилган вақтдаги қонун бузилишларнинг олдини олади.

Бюджетни мувофиқлаштириш муаммолари бозор иқтисодиётга асосланган

иқтисод учун давлат томонидан бозор иқтисодини тартибга солишда жуда мухимдир. Ушбу муаммолар орасида солиқлар ёрдамида копланиб туриладиган бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш алоҳида уринга эга. Бунда кўпгина мамлакатларда асосий урин билвосита солиқларга қаратилади. Халқаро амалиётга асосан бу солиқларга истеъмолдан солиқлар (кўшилган қийматсолиги, савдо ва оборотдан олинадиган солиқлар), акцизлар ва божхона тўловлари киради.

Ўзбекистон Республикасида билвосита солиқлар давлат бюджети даромадларининг деярли ярмини ташкил қиласди. Бундан ташкари, ушбу солиқлар нархнинг асосий қисмини ташкил кила туриб, мамлакат ичидаги ишлаб чиқариш ва истеъмолга ҳамда халқаро савдода етарли даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли, кўшилган қиймат солиғининг асосий имкониятлари ва турли мамлакатларда уларнинг ишлатилишининг таҳлили Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эгадир.

Бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда иқтисодий ўсиш даражасига боғлик ҳолда солиқларнинг бевосита ва билвосита солиқларга бўлиниши ўртасида аниқ боғлиқлик кўзга ташланади. Давлатнинг ва ундаги аҳолининг иқтисодий ривожланишининг пастлиги асосан ҳар бир аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ билан ўлчанади ҳамда бу хол жисмоний ва юридик шахслар даромадларидан олинадиган тўғри солиқлар хажмининг пастлигига олиб келади. Шу сабабли, кўпгина эндиғина ривожланаётган давлатларда солиқقا тортишда билвосита солиқлар асосий уринни эгаллайди. Ривожланишнинг энг паст кўрсаткичларига эга бўлган давлатларда билвосита солиқларнинг барча солиқлар тушуми орасидаги ўрни 68-фоизни, тўғри солиқлар эса атиги 32 фоизни ташкил қиласди. Ривожланган давлатларда эса, бунинг акси, яъни 32 фоизини тўғри солиқлар, 68 фоизини эса эгри солиқларни ташкил қиласди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида билвосита солиқларнинг аҳамияти ва керак бўлганда уларнинг ролини ошиши муқаррарлигини инкор қилмаган ҳолда, қуйидаги ҳолларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

- билвосита солиқларнинг янгисини киритиш ёки мавжудларининг солик ставкаларини оширишда уларнинг ишлаб чиқарувчиларга салбий таъсирини ўрганган ҳолда амалга ошириш лозим. Ушбу ҳолларда бу салбий ҳолатларни олдини олиш учун барча чораларни амалга ошириш керак, ҳаттоқи, билвосита солиқлар, айниқса, салбий ҳолати истеъмолни жуда тез қисқаришига олиб келиб, ишлаб чиқарувчиларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи ҚҚСни

қисқартириш чораларини кўриш лозим;

- бундай ҳолларда баъзи этапларда билвосита солиқларнинг ўрнини оширишга мажбур бўлган бозор иқтисодиётига асосланган давлатларнинг амалиётини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бу амалиёт шуни кўрсатадики, билвосита солиқларнинг ролини, солиқ солиш базасини, солиқ ставкасини ошириш факатгина ушбу чоралар натижасида олинган қўшимча маблағларни солиқ соҳасидаги аниқ бир ўзгаришлар учунгина ишлатилганда узок муддатли яхши натижалар бериши мумкин. Бундай чоралар сифатида фойда солиғини камайтиришни таклиф қилиш мумкин.

ҚҚС кўпгина мамлакатларда давлат даромадининг 12-30 фоизигача қисмини таъминлаб беради ва бу ЯММнинг 5-10 фоизига tengdir. Ушбу солиқ солиқ тушумлари орасидаги ишонарли манбадир ва бу айниқса даромадлар (фойда) чекланган мамлакатлар учун тегишлидир.

Ўзбекистонда 1992 йилдан бери қўлланилиб келинаетган ҚҚС (акциз солиқлари билан биргаликда) олдин амал қилиб келган билвосита солиқлар - савдо ва оборотдан олинадиган солиқларнинг ўрнини тулик алмаштириди. Аммо ҚҚС ўзининг ўрни бўйича бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, республика ва корхоналар иқтисодига таъсири, нархлар пропорциясини аниклашда улардан ўтиб кетди.

ҚҚС қўлланилиб бошланган вақтдан ҳозирги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон давлати бюджетининг асосий манбаларидан бири бўлиб қолди.

Ўтган даврлар ичida ҚҚС ставкаси 1992-йилда амал қилган 30 фоиздан 1997 йилга келиб 18 фоизгача туширилди ва 1998 йилдан бошлаб 20 фоиз қилиб белгиланиб, ушбу ставка бугунги кунгача сакланиб қолинди.

Солиқнинг ушбу ставкаси деярли барча МДҲ давлатларида амал қилиб келади ва бу давлатлараро савдода амалга оширишда анча самарали ҳисобланади. Бундан ташқари, солиқнинг ушбу ставкасида давлат бюджетининг даромад қисми 30 фоизлигича сакланиб қолади ва бу бозор иқтисодига мўлжалланган давлатлардаги ушбу манбадан келадиган тушумлар хажми билан мос келади. Солиқнинг бу ставкаси йилига 1-2 фоиздан камайиб бораётган фойда солиғи ставкасининг пасайиши натижасида олинмай қолинаётган бюджет даромади ўрнини қоплаш имкониятини беради.

## **2. Қўшилган қиймат солиғининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган вақтдан унчалик кўп вақт ўтмаган бўлсада, бугунги кунда давлатимиз ҳар қандай мустақил давлатнинг асосий ҳарактеристикаси сифатида ўзининг солиқ тизимига, солиқ регуляторларига эга. Мамлакатимизнинг янги Қомуси қабул қилинишида давлатимиз раҳбари сўзлаган нутқида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида солиқларнинг принципиал ўрни аникланиб берилди ва қуйидагиларни айтиб ўтди: - «Эндиғина Республикамизда шаклланаётган солиқ тизими ўзига жуда катта жалбни ва уни такомиллаштиришни талаб қиласди. Барчамизга аёнки, солиқлар - бу давлат ва махаллий бюджетларнинг даромад қисмини тўлдирилишида асосий манба ҳисобланади. Шу билан бирга, солиқлар барча хўжалик фаолиятларини қамраб олмоқда, улар ҳар бир тармок, корхона учун алоҳида хусусиятларни ҳисобга олиши лозим».

Бизнинг фикримизча, шуни тўлиқ ҳис қилиш керакки, режали равишда солиқларнинг ошиб бориши давлатга ва жамиятга фойда келтирмайди. Бундан ташқари, солиқлар даромадларнинг бир қисмини ўз ичига олмоқда, улар ҳамма шароитда халк хўжалиги ва аҳоли учун янада кўп ва янада яхшиrok маҳсулотлар ва товарлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаётган корхоналар ва фуқароларни рағбатлантириши лозим.»

Солиқ тўғрисидаги қонунлар такомиллашган сари бюджет тушумларини тулдириш воситаси сифатида умумий истеъмолга доир қўшилган қиймат солиғининг аҳамияти ортиб боришига шубха йўқ. Давлат бюджетининг даромад қисмини қўшилган қиймат солиғи билан тўлдириш ғояси XX аср бошларида пайдо бўлган эди. Ушбу солиқ биринчи марта Германияда 1919 йилда Вильгельм фон Сименс томонидан “Veredelte Umsatzteuer” (облогороженный налог с оборота) номи билан киритилган эди.<sup>1</sup> Кейинчалик ушбу солиқ биринча марта 1954 йилда француз иқтисодчиси М.Лоре томонидан қўшилган қиймат солиғи сифатида таклиф қилинган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина давлатларда муваффакиятли қўлланиб келинмоқда. Масалан Шарқий Европа мамлакатлари (Германия, Дания, Нидерландия, Франция, Швецария)да 60 йилларнинг охирида, (Белгия, Великобритания, Италия, Люксембург, Норвегияда) 70-йилларнинг бошларида

---

<sup>1</sup> Н.Демчук Проблемы реформирования НДС. Налоговый вестник. 12/1999.

ҚҚС жорий этилган ва ҳозирги кунгача амал қилиб келинмоқда ҳамда у асосий истеъмол солиги ҳисобланиб келинмоқда. ҚҚС Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 35 дан ортиқ давлатларда жорий этилган ва ундирилиб келинмоқда. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига (МДҲ) кирган барча давлатларда 1992 йилдан бошлаб ҚҚС жорий этилган.

Қўшилган қиймат солиги Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо бўлган барча мамлакатларда жорий этилган бўлиб, Австралия ва АҚШ бундан мустаснодир. ҚҚС ни чиқариб ташлаш усулидан фойдаланиладиган Япониядан ташқари мазкур мамлакатларнинг ҳаммаси ҚҚС кредит ҳисоб-китоби усулидан фойдаланади. Бу усул корхона - шахслардан таъминотнинг барча буғинлари бўйича солиққа тортиладиган хом ашё ва материалларнинг барча турлари учун тегишли ставка бўйича ҚҚС ҳисобини юритишни талаб қиласди. Солик тўловчилар хом ашё ва материаллар етказиб берувчилардан олинадиган ҚҚС миқдори кредитдан чиқариб ташланишига ҳақлидир. Бунинг тасдиги сифатида бундай хом ашё ва материалларга маълум талабларга мос келадиган солик ҳисоб-китоби ёзилади. ИХТТга аъзо бўлган мамлакатларнинг деярли ҳаммасида йиллик айланманинг энг юқори миқдори (солик бусағаси) белгилаб қўйилган ва шу туфайли улар ҚҚС бўйича рўйхатдан ўтмасликка ҳақлидир.

1960-йилларнинг ўрталарига қадар деярли бирор мамлакат ҳам ҳозирги шаклдагига ўхшаш қўшилган қиймат солигидан фойдаланган эмас. У даврда ИХТТда ишлаб чиқариш ва тақсимот буғинларининг аниқ босқичида, кейинчалик бошқа ҳеч қандай солик солинмайдиган бир босқичли солик кенг истеъмол солигининг оддий тури эди. Одатда улгуржи ёки чакана савдога бундай солик солинарди. Ҳаридордан катъий назар ва истеъмол омилига солик кредити бермаган ҳолда товарни ҳар қандай сотишдан солик ундиришни ўз ичига оладиган кўп босқичли соликдан ҳам фойдаланилган. Яъни товар нархига қўшилган солик миқдори ишлаб чиқариш билан охирги чакана савдо ўртасидаги кўп босқичлар орқали кўтарилиб бориши лозим эди. 1967 йилда босқичли солик тўқиз мамлакатда мавжуд эди.

ҚҚС тизими икки босқичда жорий этилди; аввало Шимолий Европа мамлакатларининг кўпчилигига ва Европа Иттифоқига энг биринчи бўлиб кирган мамлакатларда қўлланилган, сўнгра 1986 йилда ИХТТ мамлакатларида умумий солик ислоҳотларининг амалга оширилиши ҚҚСнинг Европадан ташқарида ҳам тарқалишига олиб келди. Натижада ИХТТга аъзо бўлган 25

мамлакатдан 23 тасида ҚҚС жуда қисқа муддатда жорий этилдики, бу ўзаро боғлиқ бўлган бир қанча таъсир ва сабабларнинг инъикоси эди. Шундай сабаблардан бири, масалан, ҚҚС ишлаб чиқариш ва истеъмолни камроқ даражада ўзгартириб, нарх-навога анча холис таъсир ўтказишидир. Бундан ташқари, у маҳсулот етказиб берувчилар орқали кузатиб туриш имконияти бўлгани учун алдаш имкониятларини камайтиради. Бу эса ҚҚСнинг анча юқори ставкаларини белгилашга, бинобарин истеъмолга умумлаштирилган солиқларнинг бошқа турларига нисбатан кўпроқ даромад олишга имкон беради. ҚҚСнинг фактура усулидан фойдаланиб, маълум товарлардан йиғилган ҚҚС миқдорини аниқ билиш имконини бериши ҳам жуда муҳимдир. Бу усул божхона орқали тартибга солишга янада аниқрок тус беради. Айни шу мақсадда Евropa Иттифоқи (ЕИ)га кириш истагини билдирган мамлакатларда ҚҚСни жорий этиш зарурдир.

ҚҚСга ўтиш босқичли турдаги солиқдан ва улгуржи савдо солиғидан возкечишга асосий сабаб бўлди. Чакана савдо солиғига келганда эса, ҚҚС билан бир қаторда у бошқа кенг истеъмол солиқларига нисбатан бир қанча афзалликларга эгадир. АҚШда у ҚҚСни жорий этиш хусусидаги тазиқни камайтириб етарли ижобий таъсир қиласи. Аслини олганда чакана савдо солиғи тўхтатиб турувчи тизимдир, чунки маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчилар рўйхатдан ўтиши ва товарларни рўйхатдан ўтмаган шахсларга, яъни одатда истеъмолчиларга сотишдан солиқ тўлаш учун ҳисобга олинишлари шарт бўлади. Аммо товар шахсий фойдаланиши учун харид қилинмаётган бўлса, товарларни бир-бирларига сотишлари ва сотиб олишлари ва бундан солиқ тўламасликлари мумкин. Бинобарин, солиқ тўлаш рўйхатга олинган савдогарлар томонидан товар истеъмолчига сотилгунга қадар тўхтатилади. ҚҚСнинг фактура усули эса, аксинча, солиқ миқдорини қоплаш тизими бўйича амал қиласи, бунда сотиш учун товар харид қилувчиларнинг ҳаммаси ўзи харид қилган товар учун солиқ тўлашга мажбур бўлади. Бироқ улар рўйхатдан ўтган бўлса (асосан барча савдогарлар белгиланган айланмадан ошириб юборишади), бу ҳолда ҚҚСни қайтариб беришни талаб қилишлари мумкин.

ҚҚС ва чакана савдо солиғи ставкалари ва солиқка тортиладиган база баравар бўлса, уларнинг товарлар нархига таъсири ҳам бир хил бўлади. Бу икки солиқ ўртасида муҳим иқтисодий тафовут йўқ. Лекин ҚҚСнинг чакана савдо солиғига қараганда маъмурий жиҳатдан икки афзаллиги борлиги аниқланган.

Бириңчидан, ҚҚСда товар солигини уни ишлаб чиқарувчига ўтказиш осон кечади, иккінчидан, фактура базасидаги ҚҚС чакана савдо солигига қараганда, солик тұлашдан буйин товлашдан ишончлироқ ҳимоя қилишни таъминлайди.

Бириңчи афзаллигини күриб чиқайлик. Пировард истеъмолчиларга ҳам, оралиқдаги корхоналарга ҳам сотиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар нисбатан ҚҚСга осонроқ мослашади. Ишлаб чиқарувчи бундай товарларни сотиб олаётганды тұланған ҳар қандай солиқнинг ўрнини қоплашга ҳаракат қиласы, чакана савдо солигида эса, солик ўрнини қоплаш оғирлиги, агар солик идоралари тијоратчи декларациясидан қониқмаса, шу идоралар зыммасига тушади. Бундан ташқари, чакана савдо солигида товардан сунгти марта фойдаланишни текшириш маҳсулот етказиб берувчининг зыммасига тушади, товар етказиб берувчи эса харидор мақомини билмайди, демек пировард фойдаланувчини ҳам билмайди. ҚҚСда эса буни биладиган харидор текширилади.

ҚҚСни тұлаш өғида товардан пировардида қандай фойдаланилишини текширишга зарурат бўлмаганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқарувчининг бинокорлик материаллари, ёнилғи ва энергия ҳамда шу каби товарларини олдин улар тўлаб келган солиқлардан озод қилиш осон бўлади. Маҳсулот етказиб берувчи чакана савдо солигини тұлаётганды товардан шахсий ёки тијорат мақсадларида фойдаланишига ишонч ҳосил қилиши керак.

ҚҚС товар ёки хизмат нимага мулжалланганидан қатъий назар тўланаверади, харидор эса ҚҚСни қайтариб олиш учун солик идораларига бунга ҳақли эканлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши лозим. ҚҚСнинг бу афзаллиги кўпинча шахсий фойдаланиш учун, бизнесда ёки экспорт учун дарҳол фойдаланиш мақсадида кўрсатиладиган хизматларга солик солиш өғида, айниқса мухим аҳамият касб этади.

Иккинчи афзаллиги қоидалар билан мустаҳкамланади:

а) ҚҚСдан буйин товлаш осон эмас, чунки ҳисоб-варакларга қараб товар ҳаракатини аниқлаш осон, нега деганда сотувчи ўз харажатларини қоплаш мақсадида солик қайтариб берилиши учун буни тасдиқловчи хужжатни тақдим этиши керак. Чакана савдо солигида мумкин бўлмаган товар ҳаракатини бундай кузатиш солик инспекторларига муқобил текшириш учун ҚҚС хужжатларидан даромад солигини текширишда фойдаланиш имконини беради;

б) ҚҚС қўлланилиши нархни сохталаштириш мақсадида харидор билан сотувчи ўртасида тил бириктириш имкониятини йўққа чиқаради, чунки агар

харидор солиқ хусусида кўпроқ чегирмага эга бўлиш учун ҳисобваракда нарх юқори даражада кўрсатилишидан манфаатдор бўлса, сотувчи ўз солиқ мажбуриятини камайтириш учун нарх мумкин қадар арzon кўрсатилишидан, демак, камроқ солиқ тўлашдан манфаатдордир;

в) Чакана савдо солиги кам тўланганини исботловчи далилларни кўрсатиш мажбурияти солиқ идоралари зиммасига юклатилган бўлса, харидорнинг харажатлари бўйича ҚҚС юзасидан солиқ чегирмасига эга бўлиш учун далилларни тақдим этиш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига тушади.

Қўшилган қиймат солигининг бунчалик тез ва кенг тарқалиши замонавий техника ва йўлга қўйилган ҳужжатлар айланишида солиқ операцияларини тез ва аниқ амалга ошириш имконини бериши муайян товарлар ва хизматларга солиқ солишининг имтиёзли шартлари борасида чакана савдодаги сотувлардан олинадиган солиққа нисбатан самаралироқ эканлиги билан изохланади.

ҚҚС - ишлаб чиқариш ва тақсимлашдан тортиб истеъмолчига сотишгacha бўлган жараёнда ҳар бир сотиш ҳужжатидан олинадиган билвосита кўп поғанали солиқ. Унинг обьекти қўшилган қиймат, яъни товарлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар бажарувчи томонидан янги буюм ёки хизматни бажариш учун сотиб олинган хом ашё, материаллар ёки товарлар ва маҳсулотлар қийматига қўшилган қиймат ҳисобланади. Ушбу солиқ товар нархининг барча унсурларини чеклади ва ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришга ундейди.

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар жараёнида давлат саноат ва савдо сармояси айланиши суръатлари хақида маълумот олади, бу эса макроиқтисодий тартибга солинишини енгиллаштиради. Бундан ташқари, давлат товарнинг ахоли - солиқнинг мазкур турининг ягона ва охирги тўловчисига сотилишига қадар даромад олиш имконига эга бўлади.

Жаҳон амалиёти ҚҚСни ҳисоблашнинг деярли бир хил тизими니 назарда тутади. Тўловчи харидордан сотилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун солиқ суммаси ва етказиб берувчи томонидан моддий ресурслар, ёқилғи, ишлар учун тўланган ва улар қиймати ишлаб чиқариш ва айланма харажатларга киритилган солиқ суммаси орасидаги фарқни тўлайди. Тўланиши керак бўлган солиқ манфий бўлиб чиқса, яъни бу солиқ кўпайиб кетса, қолдиқ булажак тўловлар ҳисобига киритилади ёки ривожланган мамлакатларда, шу жумладан Буюк Британияда қабул қилинганидек, бюджетдан бошқа суммалар ҳисобига қопланади.

ҚҚСга асосланган солиқ тўлаш тизими солиқларни қисмларга ажратиб олиш имконини беради, чунки фирманинг барча сотувларидан солиқ олинади, бироқ оралиқдаги харидлар учун тўланган солиқлар кейинчалик умумий суммадан қопланади. «Солиқ кредити» сифатида таниш бўлган бу усул солиқ тизимиға ўзини-ўзи тартибга солиш имконини беради, бу эса солиқлар олиш тартибини яхшилайди.

ҚҚСнинг асосий афзаллиги шундаки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида тўланган солиқ миқдорини ҳисоблаш мумкин. Бу, мисол учун, экспорт учун солиқ чегирмаларини ҳисоблаш ва экспорт субсидиялари берилишида бузилишларнинг олдини олиш имконини беради. Бундан ташқари бундай кўп босқичли солиқлардан фойдаланиш ягона фирма тузилмаси ёки корхоналар уюшмаси доирасида товарлар ишлаб чиқаришда солиқ суммасини камайтиради ва шу тариқа фирмаларнинг вертикал интеграциясига туртки бўлади.

### **3. Солиқ тұловчилари таркиби, объекті, солиқ ставкалари, түлаш муддатлари, солиқ бүйіча имтиёзлар.**

Ишлаб чиқарылған ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан қүшилган қиймат солиғини тұловчилар бўлиб ушбу товарларни ишлаб чиқарған ва импорт қиладиган юридик шахслар, шунингдек бож тұламасдан ўз эҳтиёжлари учун меъеридан ортиқча товарлар олиб кирадиган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғини бевосита декларант ёки исталған манфаатдор шахс, агар қонун ҳужжатларида ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса, тўлаши мумкин.

#### **Солиқ солиш объекті**

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект бўлиб, ишлаб чиқарылған (бажарилған иш ва қўрсатилған хизматлар) қиймати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунларига биноан белгиланған божхона режимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинадиган товарлар (шу жумладан МДХ мамлакатларидан импорт қилинадиган товарлар) ҳисобланади.

Товар деганда истеъмолга мўлжалланған ва қийматга эга ҳамма нарса (ишлар, хизматлардан ташқари) (ускуналар, маҳсулотлар, хом ашё, материаллар, электр, иссиқлик ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари ва товар-моддий бойликлар) тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб божхона қонунларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.

Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмиға божхона қиймати билан бир қаторда божхона божи суммаси ва акциз солиғи суммаси (акциз тўланадиган товарлар бўйича) киритилади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича куйидаги имтиёзлар белгиланган:

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун мўлжалланған товарлар;

б) дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар дипломатик ходимларининг, шунингдек улар билан бирга яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган оила аъзоларининг

шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган товарлар, шу жумладан энг зарур уй-рўзгор товарлари;

в) хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмасалар ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамасалар, олиб кирадиган энг зарур уй-рўзгор товарлари;

г) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб кириладиган товарлар;

д) жисмоний шахслар бож тўламасдан олиб кириш меъёрлари доирасида импорт қиласиган товарлар, божхона тўғрисида қонун ҳужжатларида тасдиқланган;

е) табиий офатлар, қуролли ихтилофлар, баҳтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун олиб кириладиган мол-мулк;

ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қўйидаги мақсадларда олиб кириладиган технологик ускуналар:

хукумат кафолати билан хорижий кредитлар ҳисобига молияланадиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун;

янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган, ҳалқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар учун;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг устав сармоясига уларнинг улуши сифатида хорижий инвесторлар томонидан олиб кириладиган технологик ускуналар;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, агар ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлса, янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек ишлаб турганларини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга олиб кириладиган технологик ускуналар;

з) қўйидагилар доирасида етказиб бериладиган ускуналар (ахборот ва ташкилий техника асбоблари, материаллари, тизим ва воситалари):

халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда жамғармалар грантлари бўйича Ўзбекистон Республикасида бажариладиган илмий-техника ва инновация дастурлари ҳамда лойиҳаларини амалга ошириш;

илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро келишувлар, ваколатли органнинг кўрсатилган ускуна ажратилган грантлар (маблағлар)нинг мақсад ва

вазифаларига мувофиқлиги тўғрисидаги холосасига асосан. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" ПФ-3029-сон Фармони чиқишига қадар мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг холосаси асосида тақдим этилади.

Хорижда харид қилинган ёки у ердан юборилган ускуналар (ахборий ва ташкилий техниканинг асбоблари, материаллари, тизим ва воситалари) бошқаларга берилган тақдирда барча тўлов ва соликлар белгиланган тартибда тўланади;

и) юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари Ўзбекистон Республикаси томонидан тўзилган шартномалар (келишувлар) бўйича халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ва иқтисодий ташкилотлари тақдим этган қарзлар ва грантлар ҳисобига олиб келадиган ускуналар, материаллар;

к) хорижий инвестициялар иштирокидаги, болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан Ўз ишлаб чиқаришида ишлатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келадиган хом ашё, материаллар ва тайёрлов буюмлари;

л) бюджет ташкилотларининг буюртмалари бўйича бюджет маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ускуналар, товарлар, бундан улар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига улар олиб кирилганда божхона тўловлари бўйича имтиёзлар кўзда тутилмаган истеъмол товарлари мустасно;

м) импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий буюмлар.

н) ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлганида, лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технологик ускуналар.

Солик тўловчиларга Солик кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига биноан тақдим этилган солик имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

### Солик ставкалари

Ишлаб чиқарилган ва импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиги 20 (йигирма) фоиз ва ноллик ставкалар бўйича тўланади.

Кўшилган қиймат солигини тўлаш муддатлари

Қўшилган қиймат солиги танланган божхона режими шартларига мувофиқ, тасдиқланган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади.

Товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинишида қўшилган қиймат солиги божхона декларацияси қабул қилинишига қадар ёки у билан бир вақтда тўланади.

Агар божхона декларацияси Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида белгиланган муддатда топширилмаса, қўшилган қиймат солигини тўлаш муддатлари божхона декларациясини топшириш муддати тугаган кундан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиги миллий валютада тўланади.

Жисмоний шахслар солиқни нақд пул билан божхона органи ёки пости кассасига белгиланган тартибда тўлашлари мумкин.

Божхона органининг қарорига кўра тўловчига Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси 1999 йил 16 марта 03/8-78-сон билан тасдиқлаган Божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича йўриқномага (рўйхат рақами 697, 8 апрель 1999 йил) мувофиқ қўшилган қиймат солиги тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳукуқи тақдим этилиши мумкин.

#### **4. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетта түланиши лозим бўлган солик суммасини аниқлаш усули.**

Республикамизда қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва уни бюджетта ўтказиш механизмини амалиётда қўлланилишини кўриб чиқишдан олдин, бозор муносабатлари ривожланган хорижий давлатларда уни ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва усулларини кўриб чиқишини мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш пайтида соликقا тортиладиган база бўлиб янгидан яратилган қиймат яъни товар маҳсулоти билан шу товарни ишлаб чиқариш учун ишлатилган хом ашёлар қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бундай соликقا тортиладиган база қўшилган қиймат солигини ҳисоблашда ҳар хил методлардан фойдаланишга имкон яратади (берилган бир хил ставкада).

Халқаро амалиётга кўра ҚҚС бюджетта тўланадиган суммасини аниқлаш З та ҳар хил усул билан аниқланади.

**Ҳисобдан чиқариш усули.**

Ушбу усулга кўра корхона бюджетта тўлайдиган қўшилган қиймат солиги суммасини сотиб олинган товарлар қийматини сотган товарлар қийматидан чиқариб ташлаб фарқни аниқлайди ва бу фарқга солик ставкасини кўпайтириш йўли билан аниқлайди.

**Ҳисобга олиш усули.**

Ҳисобга олиш усули ёки счет-фактура усули Европа бирлигига кирувчи барча давлатларда ва қўшилган қиймат солиги жорий этилган бошқа кўпгина давлатларда қўлланиб келинмоқда.

Ушбу усулга кўра корхона бюджетта тўлайдиган қўшилган қиймат солиги суммасини сотиб олинган товарлар (хизматлар) учун тўланган солик суммасини сотилган товарларга (хизматларга) ҳисобланган солик суммасидан чиқариб ташлаш йўли билан аниқлайди.

**Йиғиш усули.**

Ушбу усулга кўра корхона бюджетта тўлайдиган қўшилган қиймат солиги суммасини янгидан ҳосил қилинган қийматлар компонентлари, иш хаққи, ижара хаққи, фоизлар ва соф фоидаларни йиғиб, ҳосил бўлган суммани солик ставкасига кўпайтириш йўли билан аниқлайди.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиги қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$С\kappa\kappa = (Сб+Бб+Ас) \times С/100,$$

бу ерда: **С** **кк** - қўшилган қиймат солиғи суммаси;

**Сб** - импорт қилинадиган товарнинг божхона қиймати;

**Бб** - божхона божи суммаси;

**Ас** - акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси;

**С** - қўшилган қиймат солигининг фоизлардаги ставкаси.

ҚҚСни республика бюджетига ўтказиш тартиби

Қўшилган қиймат солигининг тўланган суммалари худудий божхона органларининг депозит ҳисобварақларига кирим қилиниб, кейин улар республика бюджетининг даромадига қайд этилиши керак.

Бунда, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоблаб ёзилган бўнак тўловлари суммалари тўловчи томонидан худудий божхона органларининг депозит ҳисобварақларига кирим қилиниши керак. Кўрсатилган суммалар юк келишига қараб тузатилади, сўнгра улар республика бюджетининг даромадига қайд этилади.

Божхона органлари уч кун давомида ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини республика бюджетининг даромадига ўтказадилар.

Божхона органлари қўшилган қиймат солигининг тўғри ҳисоблаб ёзилиши ва ўз ҳисобварақларидан республика бюджетининг даромадига ўз вақтида ўтказилиши учун жавобгардирлар.

Ортиқча тўланган ёки ундирилган ҚҚС суммаларини қайтариш тартиби.

Ортиқча тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси ўттиз кун ичida қайтарилиши ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилиши керак.

Тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтаришни талаб қилиб, улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида мурожаат қилиши мумкин.

Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуидаги ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади:

- тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундиришнинг сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;
- унга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ва ундирилган божхона юк декларацияси;

- ижро этилиши тўғрисида ваколатли банк белгиси қўйилган, тегишли қўшилган қиймат солиғи суммаларини тўлашга доир тўлов ҳужжати;
- товарларнинг чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарларга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайtаришнинг бошқа қоидалари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 2000 йил 29 июнда 02/8-27-сон билан тасдиқлаган ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида Йўриқномага кўра (рўйхат рақами 947, 14 июль 2000 йил, Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон) тартибга солинади.

Божхона юқ декларациясида ҚҚСни акс эттириш тартиби.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисоблаб чиқаришда божхона юқ декларацияси (БЮД)нинг 47-устуни қўйидаги тартибда тўлдирилади:

"Тури" кичик устунида "29" - ҚҚС коди кўрсатилади;

"Ҳисоблаб ёзиш асоси" кичик устунига мазкур Йўриқноманинг 5-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган, солиқ солинадиган оборот суммасидаги миқдор қайд этилади;

"Ставка" кичик устунида ҚҚС ставкаси ҳажми кўrсатилади;

"Сумма" кичик устунида ҳисоблаб чиқарилган ва тўланадиган ҚҚС суммаси кўrсатилади;

"ТУ" кичик устунида тўлов усулининг икки белгили ҳарфли коди кўrсатилади:

"бн" - банк орқали нақдсиз ҳисоб-китоб;

"кт" - божхона тўловлари суммасини нақд пулда тўлаш;

"оп" - божхона тўловларини тўлаш кечикирилди;

"рп" - божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи тақдим этилди;

"оо" - тўлов амалга оширилмаслиги керак.

"ҳисоб-китоб қилиш тафсилотлари" деган В устунида тўлов коди, тўловнинг умумий суммаси, шунингдек ҚҚС тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатларининг рақамлари ва санаси кўrсатилади.

БЮДнинг "Тўловларни кечикириш" деган 48 ва "Преференция" деган 36-

устунлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 1999 йил 24 сентябрда тасдиқлаган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномага (рўйхат рақами 834, 3 ноябрь 1999 йил, Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 12-сон) мувофиқ тўлдирилади.

Кўшилган қиймат солигининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва Ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик декларант (тўловчи) зиммасига юкландади.

Кўшилган қиймат солиги белгиланган тартибга мувофиқ тўланмаган тақдирда тегишли тўловларнинг суммалари божхона органлари томонидан уларни тўлаш учун жавобгар шахслардан сўzsиз тартибда, божхона қонунлари томонидан белгиланган миқдорда пеняни ҳисоблаб ёзиш билан ундирилади.

Кўшилган қиймат солигининг тўғри ҳисоблаб ёзилиши ва бюджетга тўланиши устидан назоратни божхона органлари божхона ва солиқ қонунлари ҳамда ЎзР ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага мувофиқ амалга оширадилар.

## **5. Счёт фактурани тўлдириш тартиби ва солиқнинг бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш.**

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларга эга корхоналар ушбу ишлар ва хизматларни оладиган шахсга қонунчиликда кўрсатилган шаклга кўра бажарилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

Шунингдек, ягона солиқни тўлашга ўтган кичик корхоналар ва ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналари ҳам ҳисобварақ-фактураларни ёзиб беради.

Счёт-фактура товарларнинг ортилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматларнинг кўрсатилиши санасидан кечикирилмасдан икки нусхада ёзилади ҳамда қуидаги маълумотларни ўз ичига олади:

Юклаб жунатиладиган товарлар, бажарилган ишлар хужжатлари рақами ва санаси; бажарилган ишларнинг номи; бажарилган ишларнинг шартнома бўйича ҚҚСиз ўлчов бирлиgidаги нархи; қўшилган қиймат солиғи ставкаси (20 ёки 0 фоиз), агар бажарилган иш, хизматлар юзасидан ҚҚСдан озод қилиш мавжуд бўлса, оддий чизик тортиб қўйилади; ушбу иш ва хизматлар бўйича тегишли ставкаларга кўра ҳисобланган ҚҚС суммаси, агар иш, хизматлар юзасидан ҚҚСдан озод қилиш мавжуд бўлса, оддий чизик тортиб қўйилади;

Ягона солиқни тўлашга ўтган кичик корхоналар ва ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналари қўшилган қиймат солиғини кўрсатишмайди ва «қўшилган қиймат солиғисиз» деган белгили муҳр қўяди (ёки ёзувни ёзиб қўяди).

Счёт-фактура ишларни бажарувчи корхона (пудратчи, ижрочи) томонидан буюртмачи номига камида икки нусхада ёзилади, уларнинг бир нусхаси ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши санасидан кечикирилмасдан ишларни бажарувчи томонидан буюртмачига тақдим қилинади ва ҳаридорга қўшилган қиймат солиғи суммасини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобга олиш (қоплаш) учун хукуқ беради.

Счёт-фактуранинг иккинчи нусхаси иш бажарувчида қолади. Счёт-фактуралар ҳисобварақларнинг келиб тушиши ва тақдим этилиши рўйхатдан ўтказиладиган дафтарда мажбурий тартибда ҳисобга олиниши лозим.

Импорт қилинадиган иш ва хизматлар бўйича бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари ва қўшилган қиймат солиғининг

амалда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов хужжатлари счёт-фактура ҳисобланади.

Бевосита аҳолига пуллик хизмат, ишларни кўрсатадиган корхоналар учун иш ва хизматларни сотишида касса чеки ёки хизматлар кўрсатилиши, ишлар бажарилишини тасдиқловчи бошқа хужжатлар счёт-фактура ҳисобланади.

Счет-фактура тижорат ҳисобварақаси бўлиб, солик тўловчи сифатида рўйхатга олинган шахс томонидан бошқа солик тўловчига етказиб берилган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар учун тўлдирилади.

Агарда Буюк Британиянинг чакана сотувчиси томонидан амалга оширилган оборот ҚҚС суммаси билан биргаликда 100-фунт стерлингдан кам бўлса, соддалаштирилган счет-фактура юритилиши мумкин.

Солиқقا тортишдаги асосий қоида шундан иборатки, солик ториш обьекти бўлиб сотилган товарлар ва хизматларнинг ҚҚС суммаси чиқариб ташланган қисми ҳисобланади. Қуйидагилар белгилаб қўйилган бўлиши шарт:

а) счет-фактураларда кўрсатилган истеъмолчиларга берилган чегирмалар счет фактура суммасидан чиқариб ташланиши шарт.

б) агарда маҳсулотлар пул эвазига амалга оширилмаган бўлса, яъни бепул берилган холларда маҳсулотларнинг бозор баҳоси соликка тортиш учун асос бўлади.

в) соликка тортиш обьектини аниqlашда маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи ҳам белгиланиши мумкин. Ушбу ҳолат маҳсулотларни сотмасдан, шахсий истеъмол учун ишлатилганда, ёки ўзи учун бино ва ускуналар, машиналар қурганда қўлланилади.

## **6. Қўшилган қиймат солиғи бўйича мавжуд муаммолар.**

Қўшилган қиймат солифининг солиқ тўловчига таъсирини бошқариш мақсадида қуидагилар қабул қилинган:

- солиқ тўлашдан озод қилиш;
- нолли ставкада солиққа тортиш;
- аҳолининг кам таъминланган қисми истъемол киладиган товарларга камайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш;
- аҳолининг бой қисми истъемол қиладиган буюмларига оширилган солиқ ставкаларини қўллаш.

Бу тамойил қўшилган қиймат солифининг бир неча солиқ ставкаларини товар ва хизматлар турларига дифференциациялашган ҳолда қўллаш асосида ётади. Қўшилган қиймат солифининг ставкалари сони турли мамалакатларда ҳар хилдир. Кўпгина мамалакатларнинг солиқ тизимларида асосан қўшилган қиймат солифининг уч хил дифференциялашган солиқ ставкалари қўллананилади. Булар қуидагилар ҳисобланди

- базавий солиқ ставкаси,
- камайтирилган солиқ ставкаси,
- нолли солиқ ставкаси,

Товар ва хизматлар солиқдан озод қилиниши ҳам мумкин. Товар ва хизматларни солиқдан озод қилиниши, шунингдек алоҳида товар ва хизматларни солиққа тортишда нолли солиқ ставкасида солиққа тортиш учун учта далил илгари сурилган.

Булар қуидагилар ҳисобланади:

маъмурий мураккабликлар, яъни солиқ ва йиғимларни йиғишдаги мураккабликлар;

товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарилишини қўллаб қувватлаш учун; солиқ солиш тизимининг прогрессивлигини ошириш учун.

Юқорида кўрсатилган учта далилнинг ҳаммаси ҳам бир хилда асосланмаган.

Ғарб мамлакатлари эксперtlари хulosасига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики қўшилган қиймат солиғи ставкалари кўпайтириш ҳам, алоҳида товарларни солиқдан озод қилиш фойда бермайди. Бундай хulosага келинишига қуидаги қизиқарли кузатув хulosалари сабаб бўлган: озиқ-овқат маҳсулотларини қўшилган қиймат

солиғидан озод қилиниши кам таъминланган аҳоли қатламига ёрдам беришнинг самарали восита ҳисобланмаган. Кўпгина эксперталар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш аҳолининг турли қатламлари даромадлари ўртасидаги фарқни қисқаришига хизмат кўрсатмас экан деган хulosага келишмокда. Қилинган таҳлил натижаслари шуни кўрсатмоқдаки, кам таъминланган аҳоли ўзининг даромадларининг кўп қисмини озиқ овқатга сарфласада, мутлақ бирликлардаги бойлар кўп маблағ сарфланиши аниқланган. Кўшилган қиймат солиғидан озиқ-овқат маҳсулотларини озод қилишдан кўпроқ аҳолининг таъминланган қисми ютади, аҳолининг қашшоқ қисми ҳаёти бу билан енгиллашмас экан. Бундай хulosага келинишига сабаб, Швецияда (Европанинг бой мамлакатларидан бири) ва Ирландия (тарихий бой мамалкет ҳисобланувчи)да ўтказилган тадқиқотлар сабаб бўлган<sup>2</sup>. Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатганки, қундалик эхтиёж товарларининг солик ставкаларидағи ҳар қандай ўзгариш (нолли ставкага, пасайиш ставкасига, базавий ставкага ўтишда) солик тўловчиларнинг истеъмоли таркибида жуда кам сезиларли ўзгариш бўлган. Тадқиқотчилар ушбу ҳолни даромадлари ҳар хил бўлган аҳоли қундалик эхтиёж моллари таркибида яқинлашиш бўлганлигини кўрсатади деб баҳолашган. Барча товар ва иш хизматларни бажарувчилар қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар ёки озод бўладилар, баъзи бир гуруҳдаги хўжалик субъектларига эса қўшилган қиймат солиғи тўлаш ўрнига алоҳида соликқа тортиш тартиби жорий килинади. Кўшилган қиймат солиғи тўлаш ўрнига алоҳида соликқа тортиш тартиби жорий қилинган хўжалик субъектларига ялпи даромаддан солик тўловчи савдо корхоналари, ягона солик тизимиға ўтган кичик корхоналар, ягона ер солиғи тўлашга ўтган қишлоқ хўжалиги корхоналари киради.

Кўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши, алоҳида соликқа тортиш тартиби жорий қилиниши хўжалик субъектларининг солик тўлаши бўйича мажбуриятларидан тўлиқ озод қилинишини билдирамайди. Кўшилган қиймат солиғидан озод қилинишида фақат ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган қўшилган қийматгина соликқа тортилмайди. Лекин ушбу қўшилган қийматни ҳосил қилишга кетган ишлаб чиқариш харажатлари олдиндан қўшилган қиймат солиғига тортилгандир. Шундай қилиб, хўжалик субъектларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши ёки алоҳида соликқа тортиш тартиби жорий

<sup>7</sup> Воловик Е.М «Налог на добавленную стоимость» Журнал. Налоговой вестник 1999 г. №6 130-стр.

қилиниши ҳақида гапирилганда улар томонидан қўшилган қиймат солиғини ҳисобламаслиги ва уни бюджетга тўламаслиги эътибор берамиз, бироқ ишлаб чиқариш учун олинган ишлаб чиқариш хом ашёлар учун, ёнилғи-мойлаш материаллари, электроэнергия ва бошқа материалларга, шунингдек ишлаб чиқариш учун олинган ишлаб чиқариш воситалари учун қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши, алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилиниши хўжалик субъектлари молиявий фаолияти учун ўзига хос икки хусусиятга эгадир. Чунки улар хўжалик субъектларининг молиявий фаолиятига таъсир қиласди.

Биринчи хусусияти шундаки, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилинган хўжалик субъектлари ўз товар ва хизматларини сотганда ушбу товар ва хизматлар таннархида ишлаб чиқариш материалларини сотиб олишда тўлаётган қўшилган қиймат солиғи ўтиради ва баҳосига автомат равишда қўйилган бўлади, ҳамда бошқа ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш таннархининг элементи сифатида ўзида акс эттиради. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши ҳақида гап кетганда ўзига хос сўз ўйини бўлади. Чунки юқорида куриб утдикки солиқдан озод қилиниши билан бюджетта солиқдан озод бўлади, лекин ишлаб чиқариш учун олинган ва товар-хизматларнинг таннархига борадиган хом-ашёларни сотиб олишда уларга ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Шу туфайли ишлаб чиқарувчи хом ашё материалларини сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғини ўзига зачёт қилишга талаб қила олмайдилар ва улар қўшилган қиймат солиғини ўз товар-хизматларини сотиб олувчидан олишга хуқуқи булмайди.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши, алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилиниши хўжалик субъектлари молиявий фаолиятига таъсирининг иккинчи хусусияти шундаки, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товар ва хизматларни сотиб олаётган қўшилган қиймат солиғи тўловчи рўйхатида турган хўжалик субъекти ўзи томонидан ишлаб чиқараётган маҳсулотлар учун солик кредитидан фойдалана олмайдилар. Шу туфайли ишлаб чиқарувчига қўшилган қиймат солиғини тўлашда товарларни сотиша ҳисобланган солик ва маҳсулотларни сотиб олишда тўлаган солик орасидаги фарқни тўламай, балки сотиш оборотидан ҳисобланган солиқни тўлиқ тўлашга мажбурланади. Бунинг натижасида қўшилган қиймат солиғига тортиш занжирида солиқдан озод қилинган бўлинма тушиб қолиши туфайли қўшилган

қиймат солиққа бир неча маротаба тортилади ва солиқ тұлаш оғирлиги кейинги бўлинма зимасига тушади. Чунки у солиқдан озод қилинган маҳсулотларни ўз ишлаб чиқариши учун ишлатади. Қанчалик қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар ва ишлаб чиқарувчилар кўпайса, қўшилган қиймат солиққа икки ёки ундан ортиқ марта тортилиши эҳтимоли кўпая боради.

1998 йилги инвестиция дастурига киритилган, улар учун технологик ускуналарни олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод этилган устувор объектлар РЎЙХАТИ:

1. Қизилқум фосфорит комбинати.
2. Қўнғирот сода заводи.
3. “Қизилқумнодирметаллолтин” давлат концерни.
4. “Навоийазот” ИЧБ.
5. “Фарғонааазот” ИЧБ.
6. «Фарғонакимётола” ИЧБ.
7. Фарғона фуранли буюмлар заводи.

Улар учун технологик ускуналар ва турли ассортаментдаги қувурларни олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган нефть-газ тармоғи объектлари РЎЙХАТИ:

1. Андижон вилоятидаги Хўжаобод ер ости газ омбори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 марта "1998-2000 йилларда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури тўғрисида" 117-сон қарорига мувофиқ газ қувурлари, газ тақсимлаш станциялари шохобчаларининг қурилиши.
3. Кўқдумалоқ, Мингбулоқ, Шўртан, Алан, Урга, Жанубий Тандирча, Шимолий Қртабулоқ, Гажак, Гумбулоқ, Одамтош, Жарўудуқ, Жанубий Кемачи, ғарбий, Денгизкёл, Шакарбулоқ, Маржон, Орўа Ққнғирот, Мқйнок, Сургил, Бердақ конларини жиҳозлаш, шу жумладан қудуқларни излаш-разведка қилиш ва фойдаланиш мақсадида бурғилаш.
4. Муборак газни қайта ишлаш заводи ва "Шўртангаз" ДИЧБ технологик курилмаларини реконструкция қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш.
5. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК харид қиласиган авиакеросинни ташиш учун маҳсус темир йўл цистерналарининг 100 бирлиги.

## **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Кўшилган қиймат ва қўшилган қиймат солигининг иқтисодий моҳияти нимада?
2. ҚҚСни қандай шахслар тўлайди ва солик объекти нима?
3. Соликқа тортиладиган оборот қандай аниқланади?
4. ҚҚС ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
5. Қандай юридик шахслар ҚҚСдан озод этилади?
6. Қандай товарлар ва маҳсулотлар (ишлар хизматлар) ҚҚСдан озод бўлади?
7. Счёт-фактуралар қандай тўлғазилади ва унда ҚҚС қайси пунктларда кўрсатилади?
8. Бюджетга тўланадиган ва ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниқлаш тартиби қандай?
9. ҚҚСни тўлаш ва ҳисботни тақдим этиш тартиби қандай?
- 10.Импорт товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича ҚҚСни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби қандай?

## **8-мавзу: Акциз солиғи (8 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

акциз солигини таърифлаш билан боғлиқ муаммолар;  
акциз ости товарларини белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш;  
айрим акциз ости товарларига нисбатан адвалор ставкалардан эмас, балки хусусиятли (специфик) ставкалардан фойдаланиш;  
акциз маркалари акциз солигининг аванс тўловлари ҳисобига киритилиши;  
айрим акциз ости товарларини соликқа тортишда солик объектини хусусиятларидан келиб чиқиб, табақалаштирилган ҳолда соликқа тортиш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

акциз, акциз солиғи, акциз ости товарлари, шартномавий нарх, солик объекти, солик тўловчилар, солик ставкаси, солик бўйича имтиёзлар, юклаб жқнатилган товарлар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 4,6,10,13,20

Қўшимча адабиётлар: 23,26,28,32

## **1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва вужудга келиш ҳамда ривожланиш тарихи.**

Солиқ тизимида энг ички ўзгарувчан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кўплаб омиллари билан тўқнашувчи солиқ бу - акциз солигидир. Шу боис, акциз солиғининг моҳиятини ижтимоий-иқтисодий тараққиётга боғлиқ ҳолда ўрганиш энг долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, акциз солиғининг моҳияти доимо эгри солиқлар доирасида ўрганиб чиқилган. Акциз солиғи эгри солиқ бўлганлиги сабабли унинг иқтисодий моҳияти давлат билан юридик шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Шу боис, акциз солиғи ўзига хос фискал иқтисодий категория сифатида қаралиши лозимдир.

Акциз солиғи ривожланган хорижий давлатларда ҳам давлатнинг умум солиқ сиёсатида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Республикаизда қўлланилаётган акциз солиғи чет давлатлардаги акциз солиғи билан ўхшаш томонларга, шу жумладан ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир:

-солиқقا тортиш объекти бўлиб, белгиланган ставкадаги акциз солиғи суммасини ўз ичига олган акциз ости товарларининг сотиш (шартномавий) нархи ҳисобланади. Акциз ставкасининг бундай тартибда ўрнатилиш механизми тарихий шаклланиб, ўзини доимо оқлаб келган.

У муайян психологик мазмунга ҳам эга, яъни у 100 фоиздан кам бўлган ставкада шартномавий сотиш нархидан 4-5 марта кўп бўлган акциз солиғи суммасини олиш имкониятини беради.

Демак, акциз солиғи корхона маҳсулотлари ва хизматлари баҳоси устига ёки тарифига устами шаклда тўғридан тўғри киритилувчи эгри солиқ тури тушунилади. Акцизлар сотилаётган маҳсулот ёки хизматлар баҳоси устига устами шаклида қўйилади ва уларнинг пировард тўловчиси бўлиб истеъмолчи ҳисобланади.

Мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, асосий эгри солиқлардан бири бўлган акциз солиғининг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи хусусида тўхталамиз. Дастреб эгри солиқлар айрим товар турлари (туз, тамаки, ароқ маҳсулотлари, гугурт, шакар ва бошқа кенг истеъмол моллари)га айнан акциз солиғи кўринишида намоён бўлган. Вақт ўтиши билан акциз ости товарлари рўйхати кенгайиб борган. Ўз-ўзидан маълум бўладики, солиқка тортишнинг акцизли шакли кенг халқ оммаси истеъмолидаги оммавий товарларни солиқка тортиш

жараёнидагина самара бериши мумкин бўлган.

Қадимда акцизларни бошқа номлар билан бож, тўлов, йиғим ёки содда қилиб солик деб аташганлар. Акцизларнинг ўша даврда амал қилган соликқа тортиш механизми тўғрисида тахминий маълумотлар мавжудлиги унинг илк пайдо бўлган даврини аниқлашга имкон бермайди. Масалан, халқ трибуналари Тиберий ва Гай Грекхов (эр. ав. 162-133 ва 153-121 йй.) даврларида Рим ғазнасига қулларни озод этишдан, шу билан бирга ўз шахсий истеъмоли учун зарур бўлмаган товарларни денгиз орқали Римга олиб келинишдан йиғимлар тушиб турган. И тем и другим, по существу, облагались предметы роскоши.\*

Қадимги Мисрда XII-XIIIчи сулолалар даврида(эр. ав. иккинчи минг йиллик) пивога солик солинган. Албатта, бу тўловлар ҳозирги талқиндаги акцизлар бўлмаслиги мумкин, лекин уларни акцизларнинг дастлабки намуналари сифатида эътиборга олиш лозимдир.

Тарихий манбаларга кўра, Англияда Кромвел даврида республиканинг йигирма йил амал қилиши давомида акцизларнинг икки юзга яқин тури жорий этилган. Бунда ҳар хил турдаги объектлар соликқа тортилган, масалан, похол кукуни ёки ёғ учун қути идишлар шулар жумласидандир. XXI асрда Голландияда эгри солик турлари шунчалик кўп эдики, тарихчи де-Витта сўзларига қараганда, меҳмонхонада тортиқ қилинган балиқ бўлагига 34 хил акциз тўғри келган.

Демак, акцизлар, божларни ҳисобга олмаганда соликқа тортишнинг энг қадимги шаклидир.

“Акциз” французча *accise*, лотинча *accidere* сўзларидан олинган бўлиб, таржима қилинганда «кесиб олиш» маъносини англатади. Ўзбекистон Республикаси солик қонунчилигига акциз солигига қўйидагича изоҳ берилган: «акциз солиғи соф даромаднинг нархда ва қўшилган қиймат солигига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, эгри солик сифатида бюджетга ўтказиладиган (ундириладиган) бир қисмидан иборатдир. Бизнинг фикримизча, акциз солиғи соф даромаднинг эмас, балки юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солик сифатида бюджетга йўналтириш шаклидир.

Эгри солик сифатида акциз солигининг қўшилган қиймат солигидан фарқланувчи хусусиятли жиҳатларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир, яъни:

- акциз солиғида чекланган турдаги акцизости маҳсулотларини сотиш обороти соликқа тортиладиган объект бўлиб ҳисобланади. Бошқача қилиб

айтганда, қўшилган қиймат солигидаги солиқقا тортиш объекти бўлган иш ва хизматлар акциз солигига тортилмайди;

- агар қўшилган қиймат солиғи товар ишлаб чиқариш ва айирбошлишнинг барча босқичларида вужудга келса ва ундирилса, акцизлар эса фақат ишлаб чиқариш соҳасидагина амал қиласди. Ушбу қоидадан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган акцизости маҳсулотлари ва товарлари истиснодир.

Мадомики, ушбу ҳолатда акциз солигини тўловчилар бўлиб, акциз ости маҳсулотларини сотиб олувчи ва қайта сотувчи ташкилотлар ҳисобланади.

Акциз солиғи ўз моҳиятига кўра товар баҳосига киритилувчи ва охирги истеъмолчи томонидан тўланадиган эгри соликдир. Унинг ижтимоий - иқтисодий моҳияти фақат тақсимот даражасига қараб ифодаланади ва такомиллаштирилади.

Акциз солигининг иқтисодий моҳияти бюджет тушумини таъминлаш орқали ҳалқ хўжалиги манфаатларини қондиришга, кўпроқ маблағларни жалб эттириши орқали намоён бўлса, унинг ижтимоий моҳияти аҳолининг, яъни асосий истеъмолчиларнинг тўлов қобилияtlарини ошишида ўз ифодасини топади. Бу эса акциз солиғи обьектлари (акциз ости товарлари)ни қисқартиришида, солик ставкалари пасайишида, аҳоли тўлов қобилиятини ўсишида намоён бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, субъектлар акциз солиғи истеъмолчилари сифатида юзага келиши табиийdir.

Аммо акциз солиғи енгиликлари товарларни харид қилиш учун олинадиган кредит ресурсларини қисқартиришига, бу эса ўз вақтида ҳаражатларнинг пасайишига олиб келади. Ҳаражатларнинг пасайиши эса даромад (фойда)ни ошириш омилларидан биридир.

Акциз солигини моҳиятини очишда у бажарадиган вазифаларни билиш муҳимдир. Шу жиҳатдан унинг қуидаги вазифаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз:

биринчидан, мамлакат бюджетининг муҳим даромад манбаларидан бири саналади. Солик тизими ривожланиш босқичини бошдан кечираётган барча давлатлар сингари, мамлакатимизда ҳам акциз орқали даромадларни тез ва осон йиғиш имкониятлари юзага келади. Француз иқтисодчиси Ф. Дэмэзон таъбири билан айтганда «акцизнинг ўзи барча бошқа солик тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир»

иккинчидан, акциз ости товарлари истеъмолини чеклаш (асосан ижтимоий зарарли товарлар) орқали муайян бозор доирасида талаб ва таклифни тартибга

солиши. Иқтисодий ўсиш доирасини башқаришда акцизости товарлар рўйхатини белгилаш орқали давлат ялпи талаб ва таклифни эгилувчанлиги таъминлайди;

учинчидан, давлатнинг миллий бозорни ҳимоя қилиш вазифаси акциз солиги орқали таъминланадики, бунда юқори солик ставкаларидан фойдаланилади;

тўртингидан, акциз солиги монопол мавқедаги товар ишлаб чиқарувчи ёки аниқ маҳсулот турини прогрессив солиққа тортиш вазифасини ўтайди;

бешинчидан, акциз солиги аҳолини бой бадавлат қатламлари даромадларини қайта солиққа тортиш усули бўлиб ҳисобланади. Чунки акциз солиги асосан нуфузли (қиймати юқори) товарларга қўлланиладики, бундай товарларни асосий истеъмолчилари бой-бадавлат шахслар ҳисобланади.

Шундай қилиб, акциз солиги ижтимоий муҳитни ҳам яхшилаш имкониятларини молиявий натижаларнинг ўсиши орқали таъминлаб бериши мумкинdir. Шу боис акциз солиғининг такомиллаштирилиши ижтимоий-иқтисодий муҳитни яхшиланиши билан чамбарчас боғлиқdir.

## **2. Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган ва республикага импопрт қилинадиган товарлар учун акциз солиги.**

Акциз солигини ҳисоблаш тартиби. Алкоголли маҳсулотлар бўйича маҳсулот бирлигига (1 литр) акциз солиги суммаси қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$(M \times A) / 100,$$

бунда:

**M** - тайёр алкоголли маҳсулотнинг қуввати (%) (спирт тайёрланган хом ашё туридан қатъи назар)

**A** - акциз солиги ставкаси, маҳсулот бирлигига сўмда.

Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича акциз солиги суммаси қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$(O \times A) / 100,$$

бунда:

**O** - Ўз ичига акциз солигини олган шартномавий (эркин) нарх, ҚҚСиз;.

**A** - акциз солиги ставкаси..

Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиги тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиги умумўрнатилган тартиб бўйича ҳисобланади. Акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиги тўлови ҳисобига киритилмайди.

Берилган хом ашёдан ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солигини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунчиликка мувофиқ берилган хом ашё маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади.

Берилган хом ашёдан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга акциз солигини ҳисоблаб чиқишида, акциз тўланадиган товарлар реализацияси бўйича айланиш (оборот) ушбу товарларни ишлаб чиқиш бўйича бажарилган ишлар қиймати ва берилган хом ашё қийматидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

### **3. Солиқни түловчилар таркиби, солиққа тортиш объекті, солиқ ставкалари, тұлаш муддатлари, солиқ бүйіча имтиёзлар ва ҳисоблаш тартиби.**

Акциз солиғи түловчилари деб мулк шаклидан қатыи назар акциз түланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ҳисобланади. Солиқ солиши мақсадларида юридик шахслар деганда ўзининг мулкчилигида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мулкка эга бўлган, шунингдек ўзининг мажбуриятлари бўйича ушбу мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга бўлган алоҳида бўлинмалар тушунилади.

Акцизланадиган товарлар учун солиқ солиши объекти бўлиб:

алкоголли маҳсулотлар бўйича - унга нисбатан қатъий (специфик) солиқ ставкалари белгиланган сотилган алкогольли маҳсулотлар ҳажмининг натурадаги ифодаси (юклаб жнатилган товар таркибида 100% сувсиз спиртнинг ҳажм бирлигига ёки маҳсулот ҳажми бирлигига абсолют суммада);

бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича - берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилганини Ўз ичига олган ҳолда, келишилган (эркин) нархларда (Ўз ичига акциз солиғи суммасини олган), қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда юклаб жўнатилган товарнинг қиймати ёки унинг физик ҳажми ҳисобланади.

Текинга бериладиган акцизланадиган товар ҳам солиқ солиши объекти ҳисобланади. Бунда:

- алкогольли маҳсулотлар бўйича - унга нисбатан қатъий (специфик) солиқ ставкалари белгиланган сотилган алкогольли маҳсулотлар ҳажмининг натурадаги ифодаси (юклаб жқнатилган товар таркибида 100% сувсиз спиртнинг ҳажм бирлигига абсолют суммада);
- бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича - солиқ түловчида товарни топшириш пайтида шаклланган, лекин ушбу акцизланадиган товарни ишлаб чиқаришда ҳақиқатда амалга оширилган харажатлардан кам бўлмаган ҳисоб-китоб (улгуржи) нархлари даражасидан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланган қиймат солиқ солиши объекти бўлиб ҳисобланади.

Акциз солиғи бўйича имтиёзлар

Акциз солиғи қуидагиларга солинмайды:

а) акциз тўланадиган товарларни экспорт учун етказиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган алоҳида товарларнинг рўйхати бундан мустасно;

б) ёғ-мой ва "Ўзбекистон" ёғини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган пахта ёғини етказиш;

в) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари эҳтиёжлари учун ихтисослаштирилган мебель.

Имтиёз бериш мақсадларида ихтисослаштирилган мебел деганда қуидагилар тушунилади:

давлат ва нодавлат таълими ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш учун реализация қилинадиган мебель;

таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини таъминлаш учун таъминот сотиш билан шуғулланувчи қарамоғидаги ташкилотларга сотиладиган мебель.

Ушбу имтиёз таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини таъминлаш учун ихтисослаштирилган мебелни сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Мазкур мебель бошқа истеъмолчиларга реализация қилинганда унга умум ўрнатилган тартибда акциз солиғи солинади;

г) алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзкимёсаноат" ассоциацияси ва қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарига спирт реализация қилинганда;

д) "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" холдинг компанияси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарига вино ишлаб чиқариш учун виноматериалларни реализация қилиш.

Солиқ тўловчи томонидан, реализациянинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланган акциз солиғининг суммаси, бюджетга қуидаги муддатларда тўланади:

- жорий ойнинг 13 санасидан кечикмасдан - жорий ойнинг биринчи декадаси учун;
- жорий ойнинг 23 санасидан кечикмасдан - жорий ойнинг иккинчи декадаси учун;
- кейинги ойнинг 3 санасидан кечикмасдан - ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Реализация куни деб товар-кузатув хужжатларида кўрсатилган товар ортилган кун ҳисобланади.

Декадали тўловлар бўйича акциз солиғининг келиб тушган суммаси давлат

солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий счётларининг солиқни "ҳисоблаш" ва "тўлаш" устунларида бир вақтнинг ўзида акс эттирилади.

Солиқ тўловчи ўзи рўйхатдан ўтган жойдаги тегишли солиқ хизмати органига акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейин келувчи ойнинг 20 санасигача, солиқ солинмайдиган айланишлар (оборотлар) суммасини ёйилмаси илова қилинган ҳолда мазкур Йўриқноманинг З-иловасиига\* (алкоголли маҳсулотлар бўйича) ва 4-иловасига\* (бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича) мувофиқ шаклда тақдим қилинади.

Акциз солиғи тўлаш муддатлари ва мос равишда ҳисоб-китобларни тақдим қилиш муддатлари дам олиш (ишламайдиган кун) ёки байрам кунига тўғри келса, у ҳолда улар дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кқчирилади.

Ҳисобот даври мобайнида декадали тўловлар бўйича тўланган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммасида ҳисобга ўтказилади.

Акциз солиғининг ортиқча тўланган суммалари келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки тўловчига солиқ органи томонидан унинг ёзма равишдаги аризасини олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кунлик муддат ичida (бюджетта тўловлар бўйича қарзлари бўлмаслиги шарти билан) қайтариб берилади.

#### **4. Акциз солиғини ҳисобга олиш ва бухгалтерияда расмийлаштириш.**

Акциз солиғи тўланадиган товар Ўзбекистон Республикаси худудида акциз солиғи тўланган хом ашёдан ишлаб чиқарилган ҳолатларда, хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш харажатларига киритилмайди ва тайёр маҳсулотта акциз солиғи суммасини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

Ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун, хом ашё (маҳсулотни) етказиб берувчилар товар-кузатув ҳужжатларида бюджетга тўланиши лозим бўлган ортилган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммасини алоҳида қаторда кўрсатишлари шарт.

Агар, сотиб олинаётган акциз солиғи солинадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси товар-кузатув ҳужжатларида алоҳида ажратиб кўрсатилмаган бўлса, у ҳисоб-китоб йўли билан ҳисоблаб чиқарилмайди ва тайёр маҳсулот бўйича ҳисобга киритилмайди.

Ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси алоҳида муфассал (аналитик) счётда ҳисобга олинади ва тегишли улушларда "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" счётининг дебетига хом-ашёни ишлаб чиқаришга сарфланиши сари, ҳисобдан чиқарилиб борилади.

Кўйидагилар бўйича ҳисобланган акциз солиғи суммаси ҳисобга киритилмайди:

- "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" холдинг компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқилган спирт бўйича ўз истеъмоли учун;
- бензин ва дизел ёнилғиси ишлаб чиқариш учун нефть ва газ конденсати бўйича.

Акциз солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг ҳисоби счётида олиб борилади.

Бюджетга ўтказилиши керак бўлган акциз солиғининг ҳисобланган суммаси олиш бўйича ҳисоб счётининг дебетида ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг ҳисоби счётининг кредитида акс эттирилади. Бюджетга ўтказилган акциз солиғи суммаси пул воситаларини ҳисоби счёти билан корреспонденциясида бюджетга тўловлар бўйича қарзлар счётининг дебетида акс эттирилади.

Акциз маркаларини сотиб олишда бошқа жорий активлар счётининг дебетида ва пул воситаларининг ҳисоби счётининг кредитида бухгалтерия ёзуви ёзиб қўйилади.

Махсулотни маркировкалаш учун акциз маркалари ишлатилган сари қўйидаги бухгалтерия ёзуви ёзиб борилади: давр харажатлари ҳисоби счётининг дебети ва бошқа жорий активлар счётининг кредити.

Солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Акциз солиғининг тўғри ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш устидан назорат давлат солиқ органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекисгон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

### **Алкоголли маҳсулотлар бўйича акциз солиғи ҳисоб-китобига МИСОЛ**

**(1 литр ароқка)**

1.	Ароқ таркибидаги спирт ҳажми (%)	40%
2.	Ароқ бўйича 1 литр сувсиз этил спирти учун бюджетга ўтказиладиган акциз солиғи суммаси (сўм.)	2600
3.	Ароқ бўйича 1 литр сувсиз этил спирти учун "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобрақамига жўнатиладиган акциз солиғи суммаси (сўм.)	60
4.	Бюджетга ўтказиладиган акциз солиғи суммаси (1-сатр X 2-сатр / 100%) (1 литр ароқ учун сўм.)	1040
5.	"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобрақамига жўнатиладиган акциз солиғи суммаси (1-сатр X 3-сатр / 100%) (1 литр ароқ учун сўм.)	24

10 минг дал ароқ сотилганда бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммаси 104 млн. сўмни (4 сатр X 100000 литр) ташкил этади.

10 минг дал ароқ сотилганда "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобрақамига жўнатиладиган акциз солиғи суммаси 2,4 млн. сўмни (5 сатр X 100000 литр) ташкил этади.

Изоҳ:

Таркибида этил спирти ҳажми 30 фоиз ва ундан юқори бўлган алкоголли

маҳсулотларнинг барча турлари бўйича, ҳамда конъяк (бренди) бўйича ҳисоб-китоблар шу мисолда кўрсатилгандек ҳисобланади.

### **Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича акциз солиғи ҳисоб-китобига мисол (ўсимлик (пахта) ёғи)**

Акциз солиғи суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидаги формула бўйича шартномавий (эркин) нарх (акциз билан) аниқланади.

$$O = (C \times 100) / 100 - A,$$

Бунда:

**O** - ўз ичига акциз солиғини олган шартномавий (эркин) нарх, ҚҚСиз;

**C** - корхонанинг ҳисоб-китоб қиласидиган (улгуржи) нархи (меъёрлар бўйича харажатлар ва фойда меъёри);

**A** - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O \times A / 100$$

### **Маҳсулот бирлигига сўмда акциз солиғини ҳисоб-китоб қилиш бўйича шартли мисол**

(акциз солиғи ставкаси 77% бўлган 1 т тозаланган, дезодорация қилинмаган ўсимлик ёғи мисолида)

1.	Маҳсулот бирлигининг таннархи	84010,8 сўм
2.	Зарурий фойда	21684,1 сўм
3.	ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр + 2-сатр)	105694,9 сўм
4.	Акциз солиғи қўшилган ҳолда маҳсулот нархи (ҚҚСиз) (3-сатр x 100 / 100 - 77 акциз ставкаси).	459543 сўм
4a.	Шу жумладан, акциз солиғи суммаси	353848,1 сўм
5.	Кўшилган қиймат солиғи	91909 сўм
6.	Корхонанинг акциз ва ҚҚС билан бирга ҳисобланган шартномавий (эркин) нархи (4-сатр + 5-сатр)	551452 сўм

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Акциз тушунчаси ва акциз солиғи нимани ифода этади?
2. Акциз солиғи тўловчилик қандай гурухланади?
3. Акциз ости товарларини аниқлаш мезонлари қандай?
4. Акциз солиғи обьекти нималардан иборат?
5. Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?
6. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

## **9-мавзу: Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи (6 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

юридик шахс ихтиёрида мавжуд бўлган товар захираларини мол-мулк обьектига киритиб, солиқка тортилганда улар қайси баҳода ҳисобга олиниши муаммоси;

мол-мулк солиғи механизмидаги асосий муаммолардан ҳисобланган солиқ ставкаларини дифференциациялаш услубиятини ишлаб чиқиш;

корхона мол-мулкларини қайта баҳолаш усувлари бўйича муаммоларни бартараф этиш;

мол-мулк солиғига тортиладиган обьектларда қўшимча элементларни ҳисобга олиш муаммоси;

асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш услубиятини мақбул ҳолатга келтириш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

корхона мол-мулки, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, мол-мулклар қиймати, ўртacha қолдиқ қиймат, муддатида ўрнатилмаган ускуналар, солиқ тўловчилар, солиқ ставкаси, солиқ бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 1,4,9,12,15,21

Қўшимча адабиётлар: 23,25,26,30,31

## **1. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимиға мол-мулк солиғини жорий этиш сабаблари.**

Мол-мулк солиғининг шаклланиш жараёни ва тарихий босқичлари. Корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, асосан, жойлардаги маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантиради. Ундирилган ана шу солиқ суммаси teng улушларда маҳаллий бюджетларга ўтказилади. Ҳозир мутахассислар мол-мулк солиғи ва шу каби ресурс тўловларини анчагина ошириш ва фойда (даромад)га солиқ юкини камайтириш мақсадга мувофиқ деб таъкидлашмоқда

Мол-мулк солиғи солиқлар тизимида қандай мақсадларда жорий этилади, дегансавол туғилиши табиий. Мамлакатимизда мазкур солиқни жорий этишдан қўйидаги мақсадларда кўзда тутилган эди:

биринчидан, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритища ортиқча ва фойдаланилмаётган мол-мулкини сотишга қизиқишни уйғотиш;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар балансидаги мол-мулқдан самарали фойдаланишни рағбатлантириш.

Мол-мулк солиғи молиявий нуқтаи назардан рағбатлантирувчилик ва назорат қилиш маҳаллий бюджетларни тўлдириш нуқтаи назаридан эса фискал вазифаларини бажаради.

Мол-мулк солиғи молиявий нуқтаи назардан рағбатлантирувчилик ва назорат қилиш, маҳаллий бюджетларни тўлдириш нуўтаи назаридан эса, фискал вазифаларини бажаради.

Мол-мулк солиғи юқорида баён қилингандаридан ташқари, мавжуд ишлаб чиқаришни экстенсив кенгайтиришни жиловлаш вазифаларини ҳал қилишга ҳам самарали таъсир қиласи. Турли сабабларга кўра, даромадларнинг бир кисми ҳар доим даромад солигига тортилишдан «қочиб қолади». Аммо моддий бойликка айлангач, мол-мулк солигига тортилмасдан иложи йўқ. Сармояларни солиқка тортиш улардан фаол фойдаланишни рағбатлантиради, ортиқча захиралардан ҳоли бўлишга рағбат бўлиб хизмат қиласи ва ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари бозорининг ташкил топишини жадаллаштиради. Бундан солиқнинг рағбатлантирувчилик вазифаси келиб чиқиб, у ишлаб чиқаришда мол-мулқдан самарали фойдаланиш, асосий фонdlарнинг фойдаланилмайдиган ҳажмини ва улардан самарали имконини берди.

Ҳозирги пайтда мулк солиқларидан келадиган даромад етакчи салмоққа эга бўлмаса-да, бу солиқлар солиқ тизимида ўзига хос ўрин тутади. Шунингдек,

мол-мулк солиғи давлат бюджетига даромадни таъминлаш билан бирга, даромад ва мулк тақсимотидаги номутаносибликни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Мулк солиқларининг асл мақсади давлат бюджети манфаатларига ва корхоналар манфаатларига хизмат қилишдан иборат.

Корхоналар мол-мулкини солиққа тортиш механизми бу-юридик шахслар мол-мулкига солиқ солиш билан боғлиқ бўлган, солиқни ташкил қилишда бевосита иштирок этувчи элементлар мажмуи ҳисобланади. Бу мажмуа: солиқ субъекти, солиқ обьекти, солиққа тортиш бирлиги, солиқ ставкаси, солиққа тортиладиган база, солиқ имтиёзлари, солиқни тўлаш муддатлари ва бошқа элементлардан иборат.

Ҳозирги пайтда юридик шахсларнинг мол-мулкларини солиққа тортиш механизмида мавжуд бўлган муаммолар аввало солиққа тортиш обьектини аниқлаш тартиби ва солиқ ставкаси билан боғлиқдир. Бундан ташқари, 2003 йил 1 январ ҳолати бўйича асосий воситаларни қайта баҳолашнинг амалга оширилиши бу муаммоларни янада мураккаблаштиради. Шунингдек, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда баён қилинган қоидалар амалдаги ҳолатларга унчалик мос келмаяпти. Шу боисдан биринчи муаммо солиққа тортиладиган обьект таркибини аниқлаш билан боғлиқ бўлиб у солиқ кодексида ҳам 381-сонли «Юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўрикномага асосан, солиққа тортиладиган обьект дейилганда корхоналар балансида бўлган асосий воситалар шу жумладан, лизинг шартномасига кўра сотиб олинган воситалар ва номоддий активларнинг эскириши чегириб ташланган ўртacha йиллик қолдиқ қиймати назарда тутилади.

Ҳозирги пайтда халқ ҳўжалиги тармоқларидаги асосий фонdlарни янгилаш керак. Чунки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўжалик фаолиятида янги илғор технологиялардан фойдаланиш жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Шу муносабат билан корхоналарда эскириш миқдорини солиққа тортиш доирасидан чиқариб, асосий фонdlарни янгилаш ёки технологик янгиланиш шаклини тўғри амалга оширишни ташкил этиш зарур. Фикримизча, солиқни асосий воситалар дастлабки қийматига кўра ҳисоблаш корхоналарни модерзинациялаш ва эскирган ускуналарни алмаштириш учун рағбат бўла олмайди. Бошқача айтганда, мол-мулк солиғини асосий воситаларнинг бошланғич қийматидан ундириш тартибини сақлаб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди.

Албатта, амалда солиққа тортиш мақсадида асосий воситаларнинг ўртача йиллик баланс қиймати аниқлаш учун қолдиқ қиймати бўйича солиқни ҳисоблаш маълум даражада давлат бюджетига тушиши лозим бўлган солиқ миқдорининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолат бюджет даромадларини шакллантиришда бюджет йўқотишларига олиб келиши мумкин. Фикримизча, ушбу бюджет камомади масаласини ечиш учун республикамиз солиқ сиёсатининг концептуал йўналишларига таяниши керак. Айниқса, бозор муносабатларида иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, солиққа тортиш мақсадида, корхона мулкчилик ҳуқуқи асосида бўлган узоқ муддатли активлар билан бирга уларнинг балансида мавжуд бўлган қолдиқлар ёки мулк деб инкор этиб бўлмайдиган бухгалтерия ҳисоби баланс активида акс эттирилган маълум айланма активлар қолдиқларини мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиладиган база таркибиغا қўшимча элемент қилиб киритиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур методологик хулоса мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектлари мол-мулкларидан самарали фойдаланиш учун аҳамиятли бўлиши баробарида бюджет даромадларини шакллантириш учун амалий асосларни яратиш ва белгилашда ҳам муҳимдир. Шундай қилиб, солиққа тортиладиган обьектнинг ўзгариши натижасида мол-мулк солиғини мақбуллаштириш солиқ тўловларини режалаштиришнинг асосий принципи бўлиб, у солиққа тортиладиган база куйидагилар ҳисобига ошиб кетишига йўл қўймаслиги керак:

Корхоналар айланма маблағларини вақтинча тўхтатиб ққядиган ортиқча моддий заҳираларини қисқартириш.

Тайёр маҳсулотларни олди-сотди жараёнларини жадаллаштириш.

Ишлаб чиқариш технологик цикллари вақтини қисқартириш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг мақбул миқдорини белгилаш.

Корхонада мавжуд товар заҳираларини солиққа тортишнинг афзаллиги тўғрисида фикр юритар эканмиз, товар заҳиралари мол-мулк солиғи обьекти таркибиға киритилганда қайси баҳода ҳисобга олиниши керак, деган савол тугилади. Товарларни солиққа тортиладиган базада ҳисобга олишда улар қийматидан қўшилган қиймат солиғини чегириш зарур. Бошқача айтганда, корхоналарнинг солиққа тортиладиган базасидан товарлар бўйича ККС бўйича чегирмаларни тўғри ва асосланган бўлиши учун бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва счет-фактураларда акс эттирилган қўшилган қиймат солиғи суммаларидан фойдаланиш мумкин.

## **2. Мол-мулк солигиниг иқтисодий моҳияти. Солиққа тортиш мақсадида мол-мулк тушунчаси.**

Юридик шахслар мол-мулк солигини тўловчилари сифатида. Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар мол-мулк солиги тўловчилардир.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулк бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича мол-мулки билан жавоб берадиган, шу жумладан мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варафига эга алоҳида бўлинмалар тушунилади.

Солиқ солишининг алоҳида тартиби ўрнатилган айrim тоифадаги тўловчиларга юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиги татбиқ этилмайди.

Бунда, агар солиқ солишининг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар фаолиятнинг асосий тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб юритишлиари ва қонун хужжатларига мувофиқ мол-мулк солигини тўлашлари зарур.

### **3. Юридик шахслардан мол-мулк солиғини ундиришда мол-мулкнинг йиллик ўртача қолдиқ қийматини аниқлаш тартиби.**

Юридик шахслар учун солиқ солиш обьекти бўлиб асосий воситалар (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно) ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, шунингдек белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьектининг қиймати ҳисобланади. Солиқ солиш обьекти бўлиб, шунингдек, меъёрдаги муддатларида ўрнатилмаган ускуналарнинг қиймати ҳисобланади.

Агар у қуйидаги шартлардан бирига жавоб берса, амортизация-ланадиган асосий воситаларнинг ижараси лизинг ҳисобланади:

- а) ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошса;
- б) ижарачи асосий воситаларни қатъий нархда ёки ижара тугаши бўйича белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳукуқига эга бўлса;
- в) ижарага олинадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижаранинг тугашида уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;
- г) тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинадиган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса.

Юридик шахслар мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидаги ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган сон сифатида қу-йидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{rcl} & \text{1 янв.га} & \\ \text{уртacha} & \text{йиллик -----} & + \text{ 1фев.га} + \dots + \text{ 1 дек.га} + \text{-----} \\ \text{қолдиқ қиймати} & = \text{ 2} & \text{ 2} \end{array}$$

ҳисобот даврига солиқни ҳисоблаб чиқариш учун мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати ҳисобот даври ойининг биринчи кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати ярмини, ҳисобот давридан кейинги биринчи ойининг биринчи кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати ярмини ва ҳисобот даври қолган барча ойлари

биринчи кунидаги мол-мулк қолдиқ қийматини қўшишдан олинган суммани 12 га бўлишдан олинган сумма сифатида аниқланади.

Агар мол-мулк ойнинг биринчи ярмида амалга киритилган бўлса, мол-мулкнинг ўртacha йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқаришда киритиш ойи тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мол-мулк ойнинг иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртacha йиллик қолдиқ қиймат амалга киритиш ойидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

### **Мисоллар:**

1) юридик шахс 20 октябрда таъсис этилган:

#### **200\_ йил учун ҳисоблаб чиқаришга юридик шахс мол-мулки ўртacha йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби**

Баланс моддалари номи	Баланс коди сатри	Баланс моддалари бўйича суммалар				
		01.01		01.11	01.12	01.01
Асосий воситалар	010	-	-	845	845	835
Номоддий активлар	020					
Асосий воситаларнинг эскириши	011, 021			100	110	120
Солиқ солинадиган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати	012, 022			745	735	715

$$\begin{array}{l} \text{Солиқни ҳисоблаб чиқариш} \quad 745 : 2 + 735 + 715 : 2 \\ \text{учун мол-мулкнинг ўртacha} = \dots = 122,08 \\ \text{қолдиқ қиймати} \qquad \qquad \qquad 12 \end{array}$$

2) ҳисобот йилининг I-чораги учун:

1-чорак	учун	1 янв.га	1 апр.га
солиқни	хис-	-----	+ 1фев.га + ... + 1 марта + -----
облаб	чиқар-	2	2
ишга	мол-	= -----	
мулкнинг		12	
ўртача	қол-диқ		
қиймати			

3) 13 мартдан мол-мулк солиғини тўловчи бўлган юридик шахс учун:

I чорак учун солиқни	-----	1 марта	1 апрелга
хисоблаб чиқаришга	2		2
мол-мулкнинг ўртача	= -----		
қолдиқ қиймати	12		

Солик солинадиган базани аниқлаш учун, баланс активида акс эттириладиган эскиришни чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуидаги ҳисобвараклари бўйича суммалар қабул қилинади:

асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобвараклари;

узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобвараклари;

номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобвараклари;

тугалланмаган курилишни (белгиланган муддатларда курилиши тугалланмаган обьект қисмида) ҳисобга олиш ҳисобвараклари;

ўрнатишга мўлжалланган ускунани (меъёр муддатларида ўрнатилмаган ускуна қисмида) ҳисобга олиш ҳисобвараклари.

#### **4. Корхоналарда мол-мулкни қайта баҳоланиши ва унинг солиқ объектига таъсири. Мол-мулк солиғи ставкаси.**

Солиқ ставкалари қуидаги:

Юридик шахсларнинг мол-мулкига 3,5 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғи икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўланади.

Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқардиган ва уни мустақил равишда ёки ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари орқали сотадиган, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган корхоналар учун қуидаги миқдорларда сотишининг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг экспортдаги улушкига боғлиқ ҳолда мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкалари белгиланади:

#### **Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи СТАВКАЛАРИ\***

N	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан % ларда солиқ ставкалари
1	Юридик шахслар	3,5
2	ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги хиссаси қуидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун: сотишининг умумий ҳажмида 15 фоиздан 25 фоизгача сотишининг умумий ҳажмида 25 фоиздан 50 фоизгача сотишининг умумий ҳажмида 50 фоиз ва ундан ортиқ	белгилangan ставка 30 %га пасайтирилади белгилangan ставка 50 %га пасайтирилади солиқ ундирилмайди

\*Уз.Р.ВМнинг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қароридан олинди.

Изоҳ:

Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар (фойдаланилмаган ускуналар) учун мол-мулк солиғи икки баравар ставка бўйича тўланади.

Кўрсатилган имтиёз савдо-воситачи корхоналарга, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари - пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металларни экспорт қиласиган ишлаб чиқариш

корхоналарига татбиқ этилмайди.

Солиқ бўйича имтиёзлар.

Қуидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

а) нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулқдан ташқари;

солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қуидагилар тушунилади:

фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларни қоплашга бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалар, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишини кўзламаслиги таъсис хужжатларида қайд этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (мехнат учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари);

б) халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;

в) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига;

г) қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етишириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етишириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;

д) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол-мулкига, ташкил этилган вақтидан эътиборан дастлабки фойда олгунига қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга.

Ана шу юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ микдорда ундириб олинади;

е) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва

"Ўзбекистон Чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганлари бундан мустасно;

ж) янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди;

з) хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга, ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин у беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бунда мазкур имтиёз қуидагиларга татбиқ этилмайди:

юқорида кўрсатилган имтиёз амалга киритилишига қадар харид қилинган асбоб-ускуналарга ҳам, башарти имтиёзни жорий этиш пайтида кредитни сқндириш муддати тугамаган бўлса. Мазкур имтиёзниң муддати тугамаган тақдирда, имтиёз у жорий этилган пайтдан бошлаб кредитни сўндиришнинг қолган муддатига татбиқ этилади, лекин у беш йилдан ошмаслиги керак;

кредит битими (шартномаси)да кўзда тутилган муддатга мувофиқ кредит бўйича асосий қарзнигина сқндириш даврига, лекин у беш йилдан ошмаслиги керак;

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловчининг балансида қайд этилган етказиб бериш, монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш харажатларини ўз ичига оладиган асбоб-ускуналарнинг бутун кийматига;

и) экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равища ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари бўлган ихтисослашган ташки савдо бирлашмалари ва фирмалари ор-қали сотадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига, бунда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар, хизматлар) экспортининг улуши умумий сотиш ҳажмида 50 фоиз ва ундан кўп микдорни ташкил этиши керак.

Мазкур имтиёз савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари - пахта толаси, ип газлама,

линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди;

к) бўшатиб олинадиган маблағлар улар томонидан моддий-техник базани мустаҳкамлашга, асбоб-ускуналар, анжомлар, дидактик материал, болалар қўйинчоқлари ва адабиётларига сарфланиши шарти билан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга нодавлат мактабгача таълим муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (ўз ҳудудида мол-мулк жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

Мол-мулк солиғи ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуидагиларнинг қийматига камайтирилади:

а) солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа обьектларининг;

б) табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнфинга карши хавфсизлик учун фойдаланиладиган обьектларнинг;

Объектларни табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун фойдаланилаётганлар тоифасига киритиш табиатни муҳофаза қилиш органларининг муайян обьектлардан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотномасига мувофиқ амалга оширилади;

Санитария-тозалаш мақсадида фойдаланиладиган обьектлар қаторига тозалагич иншоотлари киради;

ёнфиндан сақлаш обьектларига ўт ўчириш деполари, ўт қчириш учун маҳсус курилган сув ҳавзалари, ўт ўчириш жиҳозлари ўрнатилган тахталар киради.

в) қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган обьектларнинг;

г) маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларнинг.

Маҳсулот ўтказгичларга қуидагилар киради:

нефть, нефть маҳсулотлари, конденсат қувурлари ва қувур транспортининг бошқа турлари, насос, компрессор ҳамда тақсимлаш станциялари билан бирга;

уй-жой-коммунал обьектлари бўлмаган минтақавий газ, буғ қувурлари,

иссиқлик трассалари, сув қувурлари, канализация коллекторлари;

бухгалтерия ҳисоботида алоҳида объектлар сифатида ҳисобга олинадиган алоҳида жойлашган цехлар, конлар ва карьерларнинг айрим участкалари орасидаги маҳсулотларни ҳаракатлантириш учун ишлатиладиган ер ости, ер усти ва ҳавода жойлаштирилган ҳар хил кўринишдаги қувурлар ва транспортёрлар.

Алоқа линияларига ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли радиофикация алоқа линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиқлари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, ер усти ва ер остидаги уларга хизмат қилинмайдиган кучайтириш (регенерация қилиш) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

Энергия узатиш линияларига ҳаво ва кабелли электр узатиш линиялари киради.

Солик солиш мақсадида уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларга устунлар, табиий ва сунъий тўсиқлардан ўтишлар ва бошқа муҳофаза иншоотлари киради.

д) алоқа йўлдошларининг;

е) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг;

ж) шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

з) йўл хўжалиги корхоналарининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;

и) давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг.

к) лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномасининг амал қилиш муддатига.

Солик тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари билан тақдим этилган солик имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Солиқ тұлаш тартиби.

Юридик шахслар бюджетта жорий түловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкининг ўртача йиллик қолдик қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил рациональдилар.

Бюджетта жорий түловларни тұлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тұланади. Бюджетта жорий түловларни ҳисоблаб чиқариш ва тұлаш учун солиқ түловчилар мол-мулкнинг тегишли йилга ўртача йиллик қолдик қийматидан ва белгиланған солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ва жорий йилнинг 10 (қнинчи) январигача давлат солиқ хизмати органларига юридик шахслардан ундирилладиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш түғрисидаги Йўриқноманинг 6-иловасига биноан шаклда маълумотнома тақдим этадилар.

Биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ой ва йил тугаши билан түловчи ҳисобот даври учун мол-мулкнинг ҳақиқатда ўртача қолдик қийматидан келиб чиқиб йил бошидан қсіб борувчи якун билан мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини мустақил рациональдилар амалга оширади ва уни давлат солиқ хизмати органларига молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланған муддатларда тақдим этади. Тақдим қилинған ҳисоб-китобдан келиб чиқиб ҳисобланған мол-мулк солиғининг суммаси чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланған муддатдан кейин беш күн ичида ўтказилади.

Мол-мулкнинг қолдик қиймати ва имтиёз тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдик қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхати мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига мажбурий иловалар ҳисобланади.

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспортчи корхоналар мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига биноан экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани тақдим этадилар.

Экспортчи корхоналар экспорт улуши 15 дан 30 фоизгача бўлганда ҳисоб-китоб шаклида 2-сатрнинг 3-устунида солиқ ставкасини каср чизиги орқали кўрсатадилар (3,5%;1,05%).

Экспортчи корхоналар экспорт улуши 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда ҳисоб-китоб шаклида 2-сатрнинг 3-устунида солиқ ставкасини каср чизиги орқали кўрсатадилар (3,5%/1,75%).

Ортиқча тұланған солиқ суммалари, агар солиқлар ва йигимлар бўйича

қарз мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун ичидаги қайтарилади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварафи бўйича юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қўйидаги акс эттирилади:

9400 «Давр харажатларини ҳисобга олиш» ҳисобварафи дебети;

6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш» ҳисобварафи кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қўйидаги акс эттирилади:

6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш» ҳисобварафи дебети;

5100 «Пул маблағларини ҳисобга олиш» ҳисобварафи кредити.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьектлари ва меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби:

1. Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьекти учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб қурилишни амалга оширувчи юридик шахслар-буортмачилар ҳисобланади.

Солиқ солиш обьекти бўлиб белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьектининг қиймати (сметалар, смета-молия ҳисоб-китоблари ва капитал қурилиш титуллари рўйхатида кўзда тутилган бино ва иншоотларни қуриш, ускуналар, асбоблар, асбоб-ускуналарни ва бошқа предметларни сотиб олиш харажатлари (курилиш пудрат ёки хўжалик усули билан қурилишидан қатъи назар), яъни буортмачи томонидан ф-3 шаклида (бажарилган ишлар ва харажатлар ҳажми тўғрисида маълумотнома) расмийлаштирилган статистика ҳисобига обьект бўйича киритилган ва тугалланмаган қурилиш ҳисобварафида ҳисобланадиган ҳамма ишлар ва харажатлар (белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьектлари қисмида) ҳажми ҳисобланади.

Қурилишнинг белгиланган муддати деб қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси (ҚТҚЛ) таркибида 1.04.03-85-сон ҚМҚ “Корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш муддати меъёрлари”га мувофиқ лойиҳалаш ташкилоти томонидан аниқланадиган обьект қурилишининг меъёрий муддати ҳисобланади.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларида тайёрлаш муддатларини ажратган ҳолда қурилиш муддати меъерини кўрсатишлари шарт. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш муддати меъёри кўрсатилмаган

такдирда, буюртмачи лойиҳалаш ташкилотидан муайян объект бўйича қурилиш муддатининг меъёри тўғрисида холоса олишга мажбур.

2. Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб капитал маблағлар ҳисобига қайта жиҳозланадиган объектларда монтаж қилиш талаб қилинадиган ва ўрнатишга белгиланган технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш ускуналари бўлган (устахоналар, тажриба қурилмалари ва лабораториялар учун ускуналарни қўшиб) юридик шахслар ҳисобланади.

Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ солиш обьекти бўлиб ўрнатишга белгиланган ускуналар қиймати ҳисобланади, улар қаторига монтаж қилишни талаб қиласиган, фақат қисмларини йиғиш ва пойдеворга ёки устунларга, полга, қаватлараро тўсиқларга ва бошқа бино ва иншоотларни кўтариб турувчи конструкцияларга ўрнатиладиган ускуналар ҳамда ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварафида ҳисобланадиган шундай ускуналарни эҳтиёт қисмлар тўплами (меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар қисмида) ҳисобланади. Ушбу ускуналар таркибига ўрнатиладиган ускуналар қаторида монтаж қилиш учун белгиланган назорат-ўлчов аппаратураси ёки бошқа асбоблар ҳам киради.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида тасдиқланган қурилиш муддати ва тайёрлаб қўйилган захиралар меъёрига мувофиқ ҳар бир обьект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали белгиланган бўлиши лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвалида қуйидаги муддатларда топшириш ҳисобга олинади:

- йирик технология ва энергетика ускуналари - уларни номма-ном рўйхатлари бўйича монтаж қилиш ва етказиб бериш жадвалларининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин;
- технология ускуналари, технология линиялари, қурилмалар ва бошқа умумзавод ускуналари - ускуналарни монтажга топширишининг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;
- комплект импорт ускуналари - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, агар техник шарт-шароитларига кўра ускунани қисмлар бўйича монтаж

қилиш мумкин бўлмаса, уларни монтажга топшириш муддати ускуналар бутун комплектининг келиб тушиши пайтидан ҳисобланади;

- қисмларга ажратилган импорт ускуналари, шунингдек кабель маҳсулотлари, симлар ва трасслар - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.

Ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатиш учун меъёрлар ва жадваллар бўлмаганида солиқ қуидаги муддатларда тўланади:

- ишлаб чиқариш мақсадларидағи обьектлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги учун - сотиб олинганига бир йиллик муддат тўлганидан кейинги ойдан бошлаб;
- ноишлаб чиқариш мақсадларидағи обьектлар бўйича - сотиб олинганига олти ой тугагандан кейин;
- монтажни талаб қилмайдиган хўжалик инвентарлари ва ускуналари бўйича - сотиб олинган кундан бошлаб.

Ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилишнинг юқорида кўрсатилган муддатларини бузганлиги учун корхона ва ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мол-мулк солигини икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

## **200 – йилнинг – чораги бўйича мол-мулк солиги суммасининг ҲИСОБ-КИТОБИ**

N	Кўрсаткичлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобот даври учун ўртача қолдиқ қиймати, минг сўм	
2	Солиқ ставкаси, %	
3	Асосий воситалар ва номоддий активлар учун солиқ суммаси (1-сатр x 2-сатр : 100) сўм	
4	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	
5	Солиқ ставкаси, % *)	7%
6	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ суммаси (4-сатр x 5-сатр : 100), сўм	
7	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьектларининг ўртача йиллик ҳажми, минг сўм	
8	Солиқ ставкаси, % *)	3,5%
9	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьекти учун солиқ суммаси (7-сатр x 8-сатр : 100), сўм	
10	Солиқнинг умумий суммаси (3-сатр + 6-сатр + 9-сатр), сўм	
11	ўтган даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси, сўм	
12	кўшимча тўланади, сўм	
13	камайтирилади, сўм	

**Солиқни ҳисоблаб чиқариш учун юридик шахслар мол-мулки ўртача  
қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби 200\_ йил \_чорак учун**

N	Баланс моддалари номи	Баланс қатор коди	Баланс моддалари бўйича қолдиқлар:												
			1.01	1.02.	1.03	1.04	1.05	1.06.	1.07.	1.08	1.09	1.10	1.11	1.12	1.01
1	<b>Асосий воситалар</b>	<b>010</b>													
2	<b>Номоддий активлар</b>	<b>020</b>													
3	<b>Асосий воситаларнинг эскириши</b>	<b>011, 021</b>													
4	<b>Жами мол- мулкнинг қолдиқ қиймати</b>	<b>012, 022</b>													
5	<b>Солиқ солинадиган базадан чиқариладиган мол-мулкнинг қолдиқ қийматии</b>														
6	<b>Хисобот даври учун солиқ солинадиган мол- мулкнинг қолдиқ қиймати</b>														

ҳисобот даври  
учун солиқни  
ҳисоблаб  
чиқаришга  
мол-мулкнинг =  
ўртача қолдиқ  
қиймати

ҳисобот даври биринчи ойининг биринчи кунига ва ҳисобот даври  
барча қолган ойларининг биринчи кунига мол-мулк қолдиқ  
қиймати ярми, шунингдек ҳисобот давридан кейинги ойнинг  
биринчи кунига мол-мулк қолдиқ қиймати ярмининг суммаси

= \_\_\_\_\_

12 ой

## Солиқ солинмайдиган мол-мулк рўйхати

(минг.сум.)

	<b>Солиқ солинмайдиган мол- мулк</b>	<b>Мол- мулкнинг қолдик қиймати</b>
а	Уй- жой коммунал ва ижтимоий- маданий соҳа мол- мулки	
б	Табиатни мухофаза қилиш, санитария- тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган мол- мулк	
в	қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етишгириш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган мол- мулк	
г	Алокা йўллари, алока ва энергия узатиш линиялари	
д	Алокা йўлдошлари	
е	Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган	
ж	Шаҳар йўловчи транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишили таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти.	
з	Йўл хўжалиги корхоналарининг автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қуриш ишларида банд бўлган транспорт воситалари	
и	Давлат дастурлари бўйича ЎзР ҚҚ учун кадрлар тайёрлашда транспорт воситалари	
	Жами	

### **200\_ йил учун экспорт қилинадиган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Даромад (фойда)</b>
1	Сотишдан олинган соф тушум (2-шаклдаги "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"нинг 050-сатри), минг сўм	
2	Шу жумладан экспорт маҳсулоти (ишлари, хизматлари), минг сўм	
3	Экспорт маҳсулотларининг сотишдан олинган соф тушумдаги улуши (2-сатр : 1-сатр x 100), %	

**200\_ йил \_-чорак учун мўлжалланган мол-мулк солиғи суммаси тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТНОМА**

N	Кўрсаткичлар	ҳажми
1	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобот йили учун ҳисобланган йиллик ўртacha қолдиқ қиймати, минг сўм	
2	Солиқ ставкаси, %	
3	Солиқ суммаси (1-сатр x 2-сатр) : 100, сўм	
4	Меъёридаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ҳисобланган қолдиқ қиймати, минг сўм	
5	Солиқ ставкаси, % *)	7%
6	Солиқ суммаси (4-сатр x 5-сатр : 100), сўм	
7	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг ҳисобланган ҳажми, минг сўм	
8	Солиқ ставкаси, % *)	3,5%
9	Солиқ суммаси, сўм (7-сатр x 8-сатр : 100)	
10	Солиқнинг мўлжалланган умумий суммаси, сўм (3-сатр + 6-сатр + 9-сатр)	

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини тўловчиларга кимлар киради?
2. Мол-мулкнинг ўртacha йиллик (чораклик, 6 ойлик, 9 ойлик) қолдиқ қиймати қандай тартибда ҳисобланади?
3. Юридик шахслар мол-мулк солиғи ставкасини ким белгилайди ва бу солиқдан қандай имтиёзлар мавжуд?
4. Мол-мулк солиғини ҳисобини тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

## **10-мавзу: Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи. (4 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

жисмоний шахслар мол-мулкларини солиққа тортишда тўловчилар гурухини аниқлаштириш;

солиқ ҳисобланадиган мол-мулкларни қайта баҳолаш услубиятини такомиллаштириш;

мол-мулк солиғи юзасидан мавжуд бўлган боқимандани камайтириш бўйича мустаҳкам, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жавобгарлик турларини белгилаш;

мол-мулк солиғини ундириш услубиятига фуқароларнинг олаётган пул маблағлари манбаларидан нақдсиз ҳисоб-китоб йўналишларини жорий қилиш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

жисмоний шахслар, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, баҳоланган ва баҳоланмаган уйлар, солиқ обьекти, солиқ ставкаси, солиқ бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 2,5,7,12,14,18,20,21

Қўшимча адабиётлар: 23,25,26,29,31,33

## **1. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти.**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик - бу бевосита солик бўлиб, у ўзининг ушбу сифати билан моддий бойликларни олиш ва жамғариш жараёнида ундирилади. Бу реал солиқдир, («реал» атамаси (инглизча real - мулк) айни ушбу солик биринчи галда фуқаро эгалик қилинадиган мол - мулк солиниши билан боғлиқ). Бу мунтазам солик ҳисобланади, яъни у ярим йилда бир марта мунтазам равишда ундирилади. Ниҳоят бу ҳудудий солик бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ва унда рўйхатга олинган кўчмас мулк ва транспорт воситалари (2002 йил 1 январдан транспорт воситалари двигател қувватидан олинадиган солик бекор қилинган) учун тўланади. Мол-мулк солиги мутаносиб (пропорционал) ва шедулярдир.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳукуқий тартибга солишнинг асосий манбаларига Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси (27-29 боблар). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сонли «Жисмоний шахсларга мулк ҳукуқида тегишли бўлган бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 декабрдаги 591-сонли «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси томонидан «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» йўриқнома ишлаб чиқилди. Илгари ушбу солиқнининг ундириб олинниши 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинар эди.

Республика фуқароси, бошқа давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс, Ўзбекистон резиденти ёки норезиденти бўлишидан қатъий назар солик солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солиги тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 90-моддасига мувофиқ солиқка тортиладиган объектга: 1) уй-жойлар, 2) квартиralар, 3) боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг чорбоғ ва боғ уйлари 4) гаражлар ва бошқа иморатлар, бино ва иншоотлар киради ҳамда юқоридагилар бўйича

жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир. Бундан ташқари, 2002 йил 1 январгача жисмоний шахсларнинг мулки бўлган автомобиллар, моторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари двигателларининг қуввати солиқ солиш обьекти бўлиб ҳисобланган. Лекин, 2002 йил 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва 2002 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги 490-сон қарорига мувофиқ дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиғи жорий этилди.

Умуман олганда, «солиқ солиш обьекти» ва «солиқ солиш предмети» тушунчаларини фарқлаш зарур. Бу фарқ айни жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиққа нисбатан янада яққол намоён бўлади, у солиқнинг субъектини аниқлайди ва у билан маълум ҳукуқий алоқада жумладан мулк ҳукуқий муносабатларда бўлади. Шунга эътиборни қаратамизки, 1998 йил 13 январдаги 392-сонли Йўриқнома (2-банди)да Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан (89-модда) фарқли ўлароқ, шундай белгиланади, солиқ «ўз ихтиёрида эга бўлган жисмоний шахслар томонидан тўланади». Мазкур йўриқноманинг 5.3-банди шуни белгилайдики, солиқ бўйича имтиёзлар фақат товар мулк имтиёз олувчининг ўз мулки бўлган ҳоллардагина берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сонли қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахсларга мулк ҳукуқида тегишли бўлган бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш тўғрисида» низомнинг 4-бандида шундай дейилади: «Фойдаланиш учун қабул қилинган ва маҳаллий техник рўйхатдан ўтказиш идорасида рўйхатга олинган, жисмоний шахсларга мулк ҳукуқида тегишли бўлган уй-жойлар, квартиralар, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар солиқ солиш учун баҳолаш обьекти ҳисобланади».

Солиқ солиш обьекти – бу субъектнинг солиқ тўлаш мажбуриятини шарт қилиб юридик далиллардир (мазкур ҳолатда мулкчилик ҳукуқида мол-мулкка эгалик қилиш бундай юридик далил ҳисобланади).

Солиқ солиш предмети (атама мазмунига кўра солиқ солиш обьектига яқин) – бу тегишли солиқнинг ундирилишини асослаб берувчи далилий хусусиятдаги белгилардир. Масалан, уй, квартира каби мол-мулк учун мулкчилик ҳукуқи обьекти бўлади, уй ёки квартиранинг ўзи эса солиқ солиш

предмети ҳисобланади ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сонли қарорига мувофиқ жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган уй-жойлар, квартиralар (шу жумладан хусусийлаштирилган квартиralар), гаражлар, бошқа иморатларни баҳолаш ва қайта баҳолаш учун ягона функционал кўрсаткич-иморат, бино умумий майдоннинг квадратметри белгиланади. Бу эса солик солиш бирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси солик кодексининг 93-моддаси солик бўйича имтиёзларга эга бўлган шахслар доирасини тартибга солади. Унинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қонун чиқарувчи ҳар қандай мол-мулк солиғидан озод этиладиган жисмоний шахсларнинг қатор тоифаларини ажратади, жисмоний шахсларнинг бошқа гурухларига эса, факат иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун солик тўлаш бўйича имтиёзлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солик Кўмитасининг «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликни ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» йўриқномага мувофиқ жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Мол-мулк солиғидан имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар солик хизмати органларига керакли ҳужжатларни тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоатлар бўйича мол-мулк солиғи ҳар йили 1 январдаги ҳолати юзасидан коммунал хизмат кўрсатиш иморатлари берадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида, маълумотлар бўлмаган тақдирда эса мазкур обьектларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган сумма атрофига соликка тортилади.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар бир қанча мулкдорларга тегишли умумий ҳиссали мулк эгалари бўлганда солик ҳар бир мулкдорнинг иморатлари, бинолар ва иншоатлардаги ҳиссасига қараб ҳисобланади.

Янги қурилган ёки сотиб олинган мулклар бўйича солик келгуси йил бошидан бошлаб ҳисобланади.

Мерос бўйича мол-мулқдан солик меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол-мулкка мулк ҳуқуқи календаръ йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда соликни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-

мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди, яъни мулкдор эса мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди.

Календарь йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда мол-мулк солиги ана шундай ҳуқук вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликни тўлаш усули – кадастри усул ҳисобланади. Соликни бундай усул билан тўлашнинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, мол-мулкка унинг ташки белгилари, мўлжалланаётган даромад асосида солик солиниши боис, соликни тўлаш вақти даромадни олиш вақти билан ҳеч қанақа боғлиқ эмас ва шу муносабат билан мол-мулк солигини тўлаш учун қатъий муддат белгиланади. Жумладан, мол-мулк солиги тенг улушларда икки муддатда – 15 июн ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади (Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 95-моддаси).

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик солиш предмети жойлашган жойдаги солик органи томонидан ҳисоблаб чиқилади., бунда солик органи томонидан ёзиб бериладиган тўлов хабарномаси тўловчиларга ҳар йили жорий йилнинг 1 майидан кечиктирилмай топширилади (Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 95-моддаси 8-қисми). Соликлар бўйича тўловлар факатгина солик солиш предмети жойлашган жойдаги маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик унинг ҳар йили 1 январ ҳолатига кўра рўйхатга олиш (инвентаризация) қийматига нисбатан фоиз ҳисобида ҳисоблаб чиқарилади. Агар иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг рўйхатга олиш қиймати ҳақидаги маълумотлар бўлмаса, у ҳолда солик ушбу мулкнинг давлат мажбурий сугуртаси бўйича суммаларни ҳисоблаш учун белгиланган қийматидан, шунингдек, ҳар йилнинг 1 январ ҳолатига кўра баҳоланишидан келиб чиқкан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

2002 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва 2002 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги 490-сон қарорига мувофиқ жорий этилган жисмоний шахслардан олинадиган транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг

йўриқномасида белгилаб берилган.

Йўриқномага мувофиқ ушбу солик тури бўйича солик суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ учун маблағ тўланиши билан бир вақтда ундирилади ва солик суммаси қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N=V*St,$$

Бу ерда:

**N** - ҳисоблаб ёзилган солик;

**V** - жисмоний шахсларга сотилаётган бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

**St** - солик ставкаси.

Солик суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс-харидорга берилган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Ҳисоблаб чиқарилган ва ушланган солик суммаси хўжалик юритувчи субъектлар учун тушум деб ҳисобланмайди ҳамда бошқа тўланадиган соликлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солик солик обьекти бўлмайди.

Бюджетга солик тўловчилар сотилган бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ҳисоби ҳамда ҳисобланган солик суммалари ҳисобини алоҳида юритадилар.

Солик маҳаллий бюджетга Ўзбекистон Республикаси бюджетлари даромад ва харажатларининг тегишли таснифига кўра бўлим ва параграфга тўланади.

Солик банк муассасалари орқали ҳар ўн кунда, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ жисмоний шахсларга сотилган ой қн кунлиги тугаганидан сўнг учинчи кундан кечиктирмай тўланади.

Жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобига олинган солик бўйича ҳисоб-китоб автомобилга ёнилғи қуиши шохобчалари жойлашган ердаги давлат солик хизмати органларига ҳар ойда, ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

## **2. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини тўловчилари, обьекти ва солиқ ставкалари.**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини тўловчилари бўлиб солиқ солинадиган мол-мулкга эга бўлган фуқаролар ҳисобланади.

Демак, бу ерда мол - мулк солиқ обьекти ҳисобланади Аммо жисмоний шахсларнинг ҳамма мулки эмас, факат қуидаги мулклари мол-мулк солиғи обьекти ҳисобланади:

- а) уй-жойлари,
- б) квартиралари,
- в) чорбоғ ва боғ уйлари,
- г) гаражлар ва бошқа иморатлар;
- д) бинолар ва иншоатлар қиймати (инвентар қиймати).

Жисмоний шахсларнинг мол - мулк солиғи ставкасини ҳар йили келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор билан тасдиқланади.

Масалан: 2005 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарори билан жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг қуидаги ставкалари\* белгиланган:

	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Солиқ ставкаси</b>
Уй жойлар, квартиралар, дала ҳовлилар, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоатлар қийматидан: 1 январь 1998 йилдан қайта баҳоланган бўлса;	%	0,5
Қайта баҳоланмаган бўлса	%	7

\*ВМнинг 2004 йил 28.12. даги 610-сон қароридан олинди.

Жисмоний шахслар мулки қиймати қайта ҳисобланмаган бўлса, Тошкент шахри ва вилоятлар марказларида шартли равишда 1800 м. сўм; бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларида 800 м. сўм қилиб олинади.

Масалан: фуқаронинг уй жойлари Тошкент шаҳрида жойлашган, 1998 йил 1 январдан қайта ҳисобланган қиймати 1200 минг сўм. Бу фуқаро 2004 йилда 6 минг сўм мулк солиғи тўлаши керак. Бордию, фуқаро мулкининг қиймати қайта баҳоланмаган бўлса, Тошкент шаҳрида 1800 минг сўм қилиб олинади ва бюджетга 126 минг сўм мол-мулк солиғи тўлайди.

### **3. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солигидан имтиёзлар.**

Қуидаги жисмоний шахсларнинг мулкига (иморатлар, бинолар ва иншоотлар) солик солинмайди:

«Ўзбекистан Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонлариға сазавор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганларнинг;

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, харакатдаги армия таркибиға кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар. Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматини Афғонистон Республикасида ва жангавор харакатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

Қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинчалик хизматга юборилганларнинг);

Пенсионерларнинг, шунингдек 1 ва 2 гурӯҳ ногиронларининг;

Муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг хизматни ўташ даврида;

Ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг).

Ўзбекистан Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг ички ишлар органларининг хизмат вазифасини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг мулклари соликдан озод этилади.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танловига биноан мол - мулкнинг факат бир обьектига тааллуқли бўлади. Масалан, иккита уй бўлса, биттасига берилади.

Йил мабайнида солиқ түловчиларда мол - мулк солиғи бўйича имтиёз олиш хуқуқи пайдо бўлган, тақдирда уларга солиқ тўлашдан имтиёз хуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб берилади.

Йил ичида мол - мулк солиғи бўйича имтиёз йўқотилган ҳолатда мулқларни соликқа тортишдан имтиёз хуқуқи йўқотилган ойдан кейинги ойдан бошлаб соликқа тортилади.

Имтиёзлар фақат мол - мулк имтиёзига эга бўлган шахснинг мулки бўлгандагина берилиши мумкин.

#### **4. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.**

Жисмоний шахсларнинг мол - мулкига солинадиган солик солик органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун каммунал хизмат кўрсатиш идораларининг инвентаризация қиймати асос қилиб олинади. Бу ерда иморатлар, бинолар ва иншоптлар бўйича ҳар йил 1 - январ ҳолатидаги қиймат олинади. Коммунал идоралар инвентаризация қилмаган бўлса - мазкур объектларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган сумма атрофида соликқа тортилади (солик ҳисобланади).

Мол - мулк солиғи бўйича имтиёз олиш хукуқига эга бўлган шахслар зарур ҳужжатларни солик идораларига тақдим этадилар.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоатлар учун мол - мулк солиғи ҳар бир мулкдорнинг мулқдаги улушкига муносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоатлар бўйича солик улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол - мулқдан солик меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Мол - мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол - мулк солиғи ундириш улар йўқ қилган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол - мулкка мулк хукуқи календаръ йил давомида бир мулкдан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор қша йилнинг 1-январидан бу мол - мулкка мулк хукуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди янги мулкдор эса - мулк хукуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди. Календаръ йил давомида имтиёзга эга бўлиш хукуқи пайдо бўлган тақдирда солик ана шу хукуқ вужудга келган ойдан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол - мулк солиғини тўлаш хақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга солик идоралари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Солик teng улушларда икки муддатда 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади. Солик ортиқча тўланган бўлса, келгуси давр қарзларига етказилади ёки ёзма аризасига биноан бошқа солик ва йигимлардан қарзи бўлмаса 30 кун ичida қайтарилади.

## **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги тўловчилар кимлар?
2. Мулкларнинг қиймати қандай тартибда ҳисоблаб чиқилади ва унинг ставкалари қандай?
3. Жисмоний шахслар мол-мулк солиги ставкасини ким белгилайди ва бу соликдан қандай имтиёзлар мавжуд?
4. Мол-мулк солифини ҳисобини тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

## **11-мавзу: Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи (6 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

юридик шахслар томонидан ер солиғи узоқ вақт тўланмаслиги ва солиқ солинадиган майдонларнинг камайтирилиб кўрсатилиши муаммоси;

солиқ органларида янги ерлардан фойдаланишларни ва мавжудларидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган, туман ва шаҳарлар ҳудудини мунтазам текширишларни юритиш имкониятининг йўқлиги муаммоси;

айрим қишлоқ туманларида солиқка тортиш мақсадларига асос бўладиган ер кадастрининг мавжуд эмаслиги муаммоси;

### **Таянч сўз ва иборалари**

ер майдонлари, суғориладиган ва суғорилмайдиган ер майдонлари, юридик шахсларнинг ер солиғи, солиқ обьекти, солиқ тўловчилар, солиқ ставкаси, солиқ бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 2,5,6,9,13,16,20,21

Қўшимча адабиётлар: 24,26,27,30,33

## **1. Ер майдонларини солиқса тортишнинг асосий сабаблари, иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.**

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали ҳарактерланади. Бу молиявий муносабатлар маҳсус ижтимоий ҳарактерга эга бўлиб, миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда солиқ тушунчасига қўйидагича таъриф бериш мумкин: «Солиқлар давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳолда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва юридик шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Бугун пайдо бўлиб эртага йўқ бўлиб кетадиган ҳолатлар солиқ функцияси бўла олмайди. Демак, функция категорияси доими, қатъий такрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услубий ёндашишдан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқларнинг функциялари масаласида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос деб таъриф беришади.

Солиқларнинг биринчиси функцияси ёрдамида давлат бюджетининг даромади ташкил этилса, иккинчисини ҳам амалга ошира бориб, давлат ишлаб чиқаришга унинг қсишини рағбатлантириши ёки вақтинчалик секинлаштириши, сармоя жамғариш жараёнини кучайтириши ёки қисқартириши каби тадбирларни амалга ошириши мумкин.

Солиқ амалиётида солиқларни ундиришнинг учта усули мавжуд:  
кадастри;  
даромад манбаидан;  
даромад эгаси даромадни олганидан сунг (декларация бўйича).

**Биринчи усул,** бевосита реал солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган объектлар (ер, иморатлар ва шу кабилар) нинг баҳоси ва ўртача даромадлилиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган кадастр ёки реестрдан фойдаланишини тақозо этади.

Олий белгиларига кўра таснифланадиган объектнинг тавсифномаси кадастрнинг қурилишига асос бўлади. Масалан, ер кадастрини тузишда турли туманлардаги айни бир хилдаги ер участкалари сифати, жойлашган жойи, фойдаланилиши ва бошқа белгиларига кўра гурухланади. Ҳар бир гуруҳ учун майдон бирлигининг қатор йиллар учун ўртача даромадлилиги белгиланади. Бошқа ҳамма ер участкалари майдон бирлигидан солик ставкаси белгиланган у ёки бошқа тоифага тенглаштирилади.

Солик тўлашнинг кадастрили усулининг ўзига хос хусусияти сифатида шуни ажратиб кўрсатиш керакки, солиқнинг тўланиши пайти даромаднинг олиниши пайти билан асло боғлиқ бўлмайди, чунки бундай усулда мол-мулк унинг тахмин қилинадиган даромадлилигининг ташқи белгилари асосида баҳоланади.

Объектнинг ана шундай белгиларга асосланадиган ўртача даромадлилиги унинг ҳақиқий даромадлилигидан жиддий фарқланиши мумкин, шунинг учун бундай усул кўп жиҳатдан тарихийлик тусига эга бўлиши мумкинки, ундан солик аппарати унча ривожланмаган ҳолатда қўлланилади.

**Иккинчи** усулда солиқни солик субъектига даромадни тўлайдиган юридик шахс ҳисоблайди ва ушлаб қолади. Ишчининг иш ҳақидан, хизматчининг маошидан даромад солиғи шу тариқа ундирилади. Солик корхонада ходимнинг даромадни олишигача ушлаб қолинади, бу солиқни тўлашдан бўйин товлашни истисно қиласи, чунки бухгалтерия солик солинадиган даромадни ва солик суммасини аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқади.

Солиқнинг даромад манбаида тўланиши шуни англатадики, солик уни декларациялар бўйича тўлашдаги сингари солик идораси томонидан ҳисобланиб ушлаб қолинмайди, балки уни субъектлар жисмоний шахс фойдасига тўловни амалга оширадиган тўлов манбалари (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, бошқа иш берувчилар) ҳисоблайдилар ва ушлаб қоладилар.

**Учинчи** усул солик тўловчиларнинг солик идораларига декларацияларни, яъни уларнинг оладиган даромадлари ва ўзларига тегишли бўлган солик имтиёзлари ҳақидаги расмий баёнотни беришини назарда тутади. Солик

идоралари солиқ декларацияси ва амалдаги солиққа тортиш ставкалари асосида тұланиши лозим бўлган солиқ миқдорини назорат қиласилар. Солиқ декларацияси асосида, одатда, тадбиркорлик фаолиятидан, дехқон (фермер) хўжалигини юритишдан олинадиган даромадлар, шунингдек интеллектуал фаолият билан шуғулланадиган шахслар (фан, адабиёт, санъат асарларининг муаллифлари, кашфиётлар, ихтиrolар муаллифлари, саноат намуналарини яратувчилари ва хоказо) даромадлари солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикасида ер солиги кадастри усулда ундирилади. Бунда ерларнинг унумдорлиги (бонитети) ҳисобга олинган ҳолдаги жадвал шаклидаги ер солигини ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили янгидан тасдиқланади.

Кадастри усулда шаҳарлар ва шаҳар кўрғонларида ер солиги ставкаларини ишлаб чиқишига улар ҳудудини шаҳар айrim туманлари ерлари ҳамда инфратузилмасини иқтисодий баҳолаш қиймати бўйича комплекс тарзда баҳолаш асос қилиб олинган.

Маълумки, шаҳар ҳудудининг қиммати марказдан чекка жойларга қараб нафақат ҳудуднинг инфратузилма билан таъминлашдаги тафовутлар, балки бошқа омиллар таъсири туфайли ҳам камайиб боради. Шу сабабли ер солиги ставкаларини табақалаштириш учун шаҳар ва кўрғонлар ҳудуди зоналарга бўлинади, бунда ерларни комплекс баҳолашнинг қиймати умум томонидан қабул қилинган, зонанинг шаҳар ҳосил қилувчилик ролини, транспорт билан таъминлангани, муҳитнинг жозибадорлиги, экологик ҳолати, ер тебранишларининг бўлиш-бўлмаслиги, шаҳар айrim туманларининг функционал вазифаларини ҳисобга оладиган, ер участкаларининг истеъмол қийматига таъсир кўрсатадиган коэффициентларни қўллаган ҳолда белгиланади. Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш ва якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахсларга ставкалар миқдори, ижтимоий омилларни эътиборга олган ҳолда, юридик шахслар учун мўлжалланганидан тахминан ўн баравар кам қилиб белгиланган.

Қишлоқ хўжалигига ердан ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида фойдаланилади, шунинг учун қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги ерлар учун солиқ ставкалари ер сифатидан, яъни тупроқ ҳосилдорлиги ва ер унумдорлигидан келиб чиқиб белгиланган.

Ер солиги ставкалари, жаҳон амалиётида қабул қилинганидек ер қийматидан келиб чиқиб белгиланган. Республикада ернинг бозор қиймати

шаклланмагани сабабли, 1 гектар сугориладиган ердан олинадиган дехқончилик ялпи маҳсулотининг ўртacha қийматидан келиб чиқиб уни шартли баҳолаш амалга оширилди. Жаҳон амалиётида ер солиги ставкалари турли мамлакатларда турлича белгиланади, лекин ўртacha ер қийматининг салкам 5 фоизини ташкил этади. Республика шароити учун кишлоқ хўжалигида шаклланган иқтисодий ҳолатни ҳисобга олиб ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида солик ставкалари 3 фоиз миқдорида қабул қилинган.

Солик миқдорларини ерлар сифати, табиий иқлим зоналари бўйича табақалаштириш мақсадида сугориладиган ерлар учун солик ставкалари маъмурий туманлар бўйича, уларни тупроқ балл-бонитетлари бўйича 10 даражага бўлган ҳолда белгиланган. Тупроқ бонитети дехқончиликнинг ҳозирги даражасида қиёслама табиий ҳосилдорликнинг шартли кўрсаткичи ҳисобланади. Бонитетни аниқлашда тупроқнинг генетик келиб чиқиши, сугоришнинг қанча муддат давом этаётгани, экин экилиши, агро-иқлимиy ресурслар билан таъминлангани, механик таркиби, тупроқнинг ҳосил бўлиш генезиси, тупроқ қопламишининг сув ўtkаза олиши, шўрланганлик даражаси, эрозияга учраганлиги, тошлоқлиги, зичлиги ҳамда тупроқнинг бошқа табиий хоссалари ҳисобга олинади. Тупроқ бонитети 100 балли тизим бўйича аниқланади.

Лалми ерлар ва яйловлар зоналар ёки вертикал минтақаларга бўлинган, бу ерда ёғинлар билан турлича таъминланганлик шаклланадики, уларнинг унумдорлиги шу ҳолатлар билан боғлиқдир.

Кишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларининг жойлашган жойи бўйича солик миқдорларини табақалаштириш мақсадида маъмурий ва саноат марказлари атрофидаги ставкаларга 1.1 дан 1.3 га қадар оширувчи коэффициентлар белгиланган.

Ер солиги ва ягона ер солигининг 2005 йил учун янги ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг прогнози тўғрисида»ги 610-сонли Қарорида баён қилинган.

Ер солигини солик тизимида ва бюджет даромадлари таркибида тутган ўрни.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўта бошлагач 1990 йилда “Ер тўғрисида”ги қонун қабул қилинди унга биноан ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг пуллик бўлиши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Мустақилликни қўлга киритгач 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан “Ер солиги тўғрисида”ги маҳсус қонун қабул қилинди унда солик солишнинг обьектлари ва субъектлари имтиёзлар солик тўлаш тартиби ва ҳоказолар анча батафсил белгилаб берилди. Қонун 1994 йил 1 январдан амалга киритилди. Қонунда ерлардан ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланадиган юридик шахслардан олинадиган ер солигининг ундириш тартиблари белгилаб берилди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантириш зарурлигини эътиборга олиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар учун қонунни жорий этиш 1995 йил 1 январгача кечикирилди. Шундай қилиб ер солигининг жорий этилиши билан мамлакатда ер муносабатларини тартибга солишнинг чинакам иқтисодий воситалари пайдо бўлди.

1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси қабул қилиниши ва 1998 йил 1 январдан кучга киритилиши билан ер солигининг ҳукуқий асослари яратилди.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарини соликка тортар экан, бундан фискалъ манфаатдорликни эмас, балки соликлар орқали қишлоқ хўжалигини бошқариш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, шунингдек уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўзлади. Буни қишлоқ хўжалигини соликка тортишнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 10 октябрдаги "Қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида" ги Фармонига мувофиқ 1999 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиги жорий қилинди.

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иктисодий тузуми, шунингдек давлат қурилишини акс эттиради. Мазкур тизим муайян давлатни тавсифлайдиган ижтимоий-иктисодий, ҳукуқий ва бошқа хусусиятларнинг бутун мажмуи асосида шаклланади.

Давлат бюджети пул ресурсларининг марказлаштирилган фонди бўлиб, мамлакат хукумати, давлат аппарати, қуролли кучларни тутиб туриш, шунингдек ижтимоий-иктисодий функцияларни бажариш учун уни тасарруф этади. Ҳозирги шарт-шароитда бюджет давлатнинг иктисодиётни тартибга солиш, хўжалик конъюнктурасига таъсир кўрсатишни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамdir.

Ҳозирги давлат бюджети унинг бутун хилма-хил функцияларини акс эттирадиган мураккаб, кўп кўринишли ҳужжат ҳисобланади. Аввало бюджетда давлат харажатлари ва даромадлари таркиби ўз аксини топади. Ўз таркибига кўра бюджетнинг харажат моддалари қуидагиларга бўлинади: давлатни бошқариш харажатлари; ҳарбий харажатлар; ижтимоий-иктисодий харажатлар; давлатнинг хўжалик қурилиши харажатлари; ташқи иктисодий фаолиятни амалга ошириш харажатлари.

Давлат бюджети даромадлари биринчи навбатда марказий ва маҳаллий хокимият органлари ундирадиган солиқлардан, давлат заёmlари, шунингдек бюджетдан ташқари ёки мақсадли фондлардан олинувчи тушумлардан иборат бўлади. Бундай фондларни барпо этиш аниқ мақсадлар учун, аввало ижтимоий-иктисодий тусдаги мақсадларга йирик молия ресурсларини сафарбар этиш зарурати билан шартланган.

Миллий даромадни қайта тақсимлаш, мамлакатда янгидан яратилган қийматнинг каттагина қисмини давлат ихтиёрига олиш давлат барча даромадларининг умумий моддий асоси ҳисобланади. Солиқлар, давлат заёmlари, шунингдек бюджетдан ташқари фондлардан тушумлар ана шу қайта тақсимлаш механизмининг энг муҳим таркибий қисмлариdir.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети асосан солиқдар ёрдамида тўпланадиган ҳамда давлат томонидан унинг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштирилган фондлариdir, у қонун кучига эга, Республика Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлатнинг иктисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий воситаларидан бири бўлган бюджет тизими Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети фаолият кўрсатилишининг ташкилий шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки буғиндан иборат:

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети, вилоятлар, Тошкент

шахри, вилоят, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари.

Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинлари - давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри, Республика шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради. Бюджет бирлигини Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлиги белгилаб беради.

Солик тизими республика бюджет тизимининг таркибий қисми бўлиб, давлатга ундириладиган солик ва йигимларнинг, шунингдек уларни ундириш шартлари ва усулларининг мажмуидир. У давлат харажатларининг катта қисмини молиявий ресурслар билан таъминлашга даъват эталган ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва ижтимоий муносабатлар соҳасига таъсир кўрсатишнинг иқтисодий усулларини амалга ошириш учун фойдаланилади. Ҳозирда бюджет даромадларининг асосий қисми юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган соликлар хисобига ташкил қилинади.

Ер участкасига эгалик қилиш хуқуки бор юридик шахс ер солигини тўловчи бўлиб ҳисобланади. Солик қонунларига асосан ер солигини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиб бериш мажбурияти юридик шахсга юклатилади.

## **2. Юридик шахслар ер солиғини тўловчилари ва солиқ объекти. Ер солиғи ставкалари ва унинг ҳудудий табақалаштириш асослари.**

Ер солиғини тўловчилар бўлиб ўзининг мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқقا тортиш мақсадларида юридик шахслар деганда мулкчилигида, хўжалик юритишида ёки оператив тарздаги бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб берувчи, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган ҳажми турдаги корхоналар ва ташкилотлар шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари тушунилади.

Ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар, савдо ташкилотлари ер солиғи тўламайдилар.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришлари учун бож тўлови, лицензия йиғимлари, булардан ташқари жамғармаларга ажратмалар, шунингдек, алкоголли маҳсулотларга акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Ушбу тартиб қуидагиларга тегишли бўлмайди:

- ўрмончилик, балиқчилик, овчилик хўжаликларига;
- илмий тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларига;
- мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига;
- дехқон хўжаликларига, улар учун Ўзбекистон Республикасининг "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни билан назарда тутилган солиқ солиш шартлари сақланиб қолинади.

Ягона ер солиғини тўловчилар бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, бу юридик шахслар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишдан қатъий назар, ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз ихтиёрига кўра бюджетга кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган ягона ер солиғини тўлайдилар.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилари мулкчилик шаклидан қатъий назар, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари бўйича қуидаги гурӯхларга бўлинади:

- саноат корхоналари
- курилиш ташкилотлари
- қишлоқ хўжалик корхоналари
- таъминот сотиш, воситачилик ташкилотлари
- транспорт
- банклар
- сугурта ташкилотлари
- савдо корхоналари
- умумий овқатланиш корхоналари
- майший ва коммунал хизмат корхоналари
- маданий-маърифий, томоша-кўнгилочар муассасалар
- медицина муассасалари
- биржалар
- акционерлик жамиятлари ва шерикчиликлари
- масъулияти чекланган жамиятлар
- жамоат ташкилотлари
- хорижий фирмалар, юридик шахс ва жисмоний шахслар иштироқидаги қўшма корхоналар.
- кичик корхоналар
- кооперативлар
- хўжалик юритишнинг бошқа шаклидаги корхоналар.

Ерни ижарага олган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, махаллий хокимият идораларининг қарори билан ижарага олинган ерлар учун ер солиги ўрнига бюджетга ижара хақи тўлайдилар.

Юридик шахсларга ажратиб берилган ерлар учун ер солиги ердан фойдаланиш ва фойдаланилмаганидан қатъий назар солиқ тўлайдилар.

Солиқ кодексини 97 - моддасига асосан юридик шахслар учун қуидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) қонун хужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллукли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;

4) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солигига тортиш обьекти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг майдони ва уларнинг сифати ҳамда жойлашган жойи бўйича ер баланси, тупроқ ҳариталари, текширув материаллари бошқа ер кадастр хужжатлари бўйича қабул қилинади.

Ихтисослашган лойихалаш ёки илмий тадқиқотчилик институтлари томонидан тупроқ ҳариталарига тузатиш киритиш ва ерлар сифатини (балл-бонитетларини) ўзгартиришга доир ишлар олиб борилганида бундай маълумотлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлклари томонидан ер солигини ҳисоблаш учун ушбу маълумотларни қўлланиш муддатини кўрсатган ҳолда тасдиқланishi лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларига ягона ер солигининг муваққат базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солигининг базавий ставкалари, шунингдек, ягона ер солиги муваққат базавий ставкаларнинг тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Ерлардан ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланадиган юридик шахслардан олинадиган ер солиги ставкалари қуидагича гурӯхланган:

Ягона ер солигини тўлашга ўтмаган корхона, ташкилот ва муассасалардан олинадиган ер солиги ставкалари.

Лалмикор экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатзорлар учун олинадиган ер солиги ставкалари.

Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлардан олинадиган ер солиги ставкалари.

Қрмон ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан олинадиган ер солиги ставкалари.

Шаҳар ва посёлкалардаги ер участкаларидан олинадиган ер солиги ставкалари.

Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун корхона, ташкилот ва муассасалардан олинадиган ер солиги ставкалари.

Тошкент шахри ер солифини ундириш мақсадида 14 та зонага бўлинган бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар учун ер солиги ставкалари алоҳида-алоҳида қилиб белгиланган.

Ерларнинг ҳар бир тури (суғориладиган ерлар, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқалар) учун тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади. Бундай ставка ва коэффициентлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан умумий белгиланган тартибда тўловчиларга етказилади.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари бўйича базавий ставкалар қабул қилинади.

Лалми ерлар ҳамда пичанзорлар ва яйловлар бўйича базавий ставкалар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ижтимоий иморатлар, сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд қилган ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган бошқа ерлар бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳарларнинг суғориладиган ерати бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиги ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиги қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиги уч баравар микдорда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиги ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун хужжатларида белгиланган ер солигининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса - бир ставкаси микдорида бўлиши лозим.

Ерни ижарага олганлар ҳисоби, ижара тўлови ҳисобини тақдим қилиш, ижара тўловини ҳисоблаш ва тўлаш ер солиги бўйича белгиланган тартиб билан амалга оширилади.

### **3. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солик имтиёзлари ва унинг гуруҳланиши.**

Ер солифини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Иқтисодиётни соликлар орқали бошқаришда давлат солик имтиёзларидан ҳам унумли фойдаланади.

Солик имтиёзлари солик механизмининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, солик тизимида муҳим ўрин тутади. Солик имтиёзлари воситасида соликларнинг рағбатлантириш ва тартибга солиш функциялари бажарилади.

Солик имтиёзлари солик объектининг солик тўлашдан озод қилинган қисмиdir.

Давлат иқтисодиётни бирон-бир тармоғини ривожлантиришга рағбатлантириш учун имтиёзлар тизимидан кенг фойдаланади. Тармоқни ёки бирон фаолият турини ривожлантиришда дастлаб кенг миқёсда имтиёзлар берилади, кейинчалик ривожланиш изга тушгандан сўнг солик имтиёзларини қайтариб олиш бошланади.

Давлат иқтисодиётни бирон-бир тармоғини ривожлантиришга рағбатлантириш учун имтиёзлар тизимидан кенг фойдаланади. Тармоқни ёки бирон фаолият турини ривожлантиришда дастлаб кенг миқёсда имтиёзлар берилади, кейинчалик ривожланиш изга тушгандан сўнг солик имтиёзларини қайтариб олиш бошланади.

Республикамиз солик тизимида ҳам солик имтиёзларидан кенг фойдаланади. Ҳозирги пайтда солик бўйича имтиёзлардан асосан чет эл инвестициясини жалб этишда, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда, корхона ва ташкилотларни инвестицион фаолиятини рағбатлантиришда ва бошқа мақсадларда кенг фойдаланилмоқда. Солик имтиёзлар жуда кенг қамровли бўлиб, уларни 4 та йўналишга ажратиш мумкин:

**1-йўналиш:** соликка тортиш обьекти билан боғлиқ имтиёзлар;

**2-йўналиш:** соликни тўлашдан тўлиқ озод этиш билан боғлиқ имтиёзлар;

**3-йўналиш:** соликни тўлашдан вақтинчалик озод қилиш билан боғлиқ имтиёзлар;

**4-йўналиш:** янги корхоналарни қайд этиш билан боғлиқ ва шунга қхашаш имтиёзлар.

Ер солифидан имтиёзлар икки хил бўлади:

Ер участкалари соликдан озод этилади.

Юридик шахслар соликдан озод этилади.

Солиқ кодексининг 101-моддасига асосан солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуидаги ерлар киради:

1) шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари, қабристонлар ва бошқалар);

2) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

3) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), ихота дараҳтзорлари эгаллаган ерлар;

4) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

5) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

6) электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, темир йўлларининг умумий тармоғи, умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти (шу жумладан метрополитен) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

8) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари обьектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

9) магистрал сув кувурлари, нефть ва газ кувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа обьектлар эгаллаган ерлар;

10) самолётларнинг учиш-кўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг

радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

11) ишлаб чиқариш обьектлари қурилиши учун ажратилган (ёки обьектлари эгаллаган) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб кўйилган ерлар;

12) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

13) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва қкув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари;

14) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган сугориладиган ерлар-лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

15) захирадаги ерлар;

16) рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва бошқалар);

17) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

18) якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун хужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга.

Ерлардан ўз ўрнида фойдаланилмаган тақдирда ушбу моддада белгиланган имтиёзлар қўлланилмайди.

Солиқ кодексининг 102-моддасига асосан қўйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар (бюджетдан молиявий таъминланадиган бошқарув органлари ва илмий-тадқиқот муассасалари бундан мустасно), ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари;

2) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари, бўйсунувидан қатъи назар, ўз зиммаларига юклangan вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун;

3) дехқон (фермер) хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

4) чет эл иинвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар - рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида;

5) ногиронлар ижтимоий бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон Чернобилчилар Уюшмаси тасарруфида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар, савдо, воситачилик таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

6) ”Нуроний” жамғармаси корхоналари, бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан;

7) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар - ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим.

Солик кодекси 102 моддасининг биринчи қисми 3 ва 4-бандларида кўрсатилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солик суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Юридик шахслардан олинадиган ер солигини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиблари

Ер солигини ҳисоблаш тартиби иш тажрибаси тўпланишига қараб мунтазам такомиллаштириб борилди. Бунга солик тўловчиларнинг қонундаги ёки бу қоидаларни тушунтириб беришни илтимос қилган хатлари ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Солик кодексида ер солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби амалда эски тартибдагидек ўзгармай қолди, бироқ баъзи ўзгаришлар ҳам юз берди.

Солик қонунчилигига мувофиқ юридик шахслар ер солигини мустақил равища ҳисоблаб чиқадилар ва давлат солик инспекцияларига ҳар йилнинг 1 февралига қадар тақдим этадилар. Шундай қилиб, солик тури ҳисобланиши учун масъулият юридик шахслар зиммасига тушади. Ҳатто, агар солиқни ҳисоблаш учун ер майдони расмий хужжатлар бўйича қабул қилинган, текширувда эса улар банд этган ер участкаси майдони ҳисоб-китобда

кўрсатилганидан ортиқча бўлиб чиқса, юридик шахслардан солиқни тўғри ҳисоблаш учун масъулиятни соқит қилинмайди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар учун ер солиғи қуидагича ҳисобланади.

Агар ер сотилса, олиб қўйилса (камайса) солиқни ундириш ер олиб қўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади). Масалан, корхонадан ер участкасининг бир қисми тегишли давлат ҳокимияти идоралари томонидан 25 августдан олиб қўйилди, унда корхона солиқни 1 августидан тўламайди.

Ер солиғидан имтиёз белгиланганда улар шу хуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўламайдилар. Ер солиғидан имтиёз тўхтатилган холларда, шу имтиёз тўхтатилган ойдан сўнги ойдан бошлаб ер солиғи тўланади.

Ер майдони бир қанча юридик шахсларнинг мулкида бўлган қурилишига тегишли бўлса, ҳар бир мулкдор умумий майдонидаги ҳиссасига қараб ер солиғи тўлайди.

Кўп қавватли турар жойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар турар жойнинг умумий майдонидан эгаллаган қисми учун солиқ тўлайди ёки шу юридик шахс фойдаланаётган ишлаб чиқариш иморатининг фойдаланиши ҳиссасига қараб солиқ тўлайди.

Солиқقا тортиш мақсадида ўрмон, балиқчилик ва овчилик корхоналари ҳамда машина - трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарига тенглаштирилади.

Солиқдан олган имтиёзларни маълум мақсадларга фойдаланувчи юридик шахслар ҳам ер солиғининг ҳисобини солиқ идораларига белгиланган муддатда ва шаклда топширадилар.

Ер участкаси йил ичидаги ажратилиб берилса, ер участкаси ажратилган сўнги ойдан бошлаб ер солиғи тўлайди. Масалан, корхонага ер тегишли идораларнинг қарори асосида 15 августдан берилди яъни солиқни корхона 1 сентябрдан бошлаб тўлайди.

Юридик шахслар томонидан ер солиғини тўлаш ва уни ҳисобга олиш тартиби.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) ер слигини ҳар чоракда иккинчи ойнинг 15 санасига қадар тўлаб борадилар. (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр)

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисбот чораги учун солиқ тўлаш муддатидан сўнг олсалар, унга ер солиғини тўлаш муддати бўлиб келгуси

чоракнинг солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Ягона ер солиги тўловчилар томонидан мустақил равишда ерларнинг майдони, базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга ерлардаги ер майдонлари ер тузиш хизмати ўтказадиган ер ҳисоби маълумотлари, ерларни рўйхатдан ўтказиш ва қишлоқ хўжалиги ерларини ва экинлари маҳсус асбоблар ёрдамида ўлчаш материаллари, шунингдек, ихтисослашган лойиҳалаш ва қидирав ташкилотлари ўтказиш бошқа текширув материаллари асосида тасдиқланган бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ерларига ягона ер солиғининг базавий ставкалари сифатида қуидагилар қабул қилинган:

- сугориладиган ерлар бўйича - 1 классли ерлар
- (балл-бонитет-10 гача);
- лалми ерлар бўйича - текис зона ерлари;
- пичанзорлар ва яйловлар бўйича – "Чўл" минтақасидаги ерлар.

Ерлар жойлашишининг тафовутлари ва сифати, (балл-бонитети) га қараб базавий ставкалар тегишли тузатиш коэффициентларига ўзгартирилади.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ягона ер солиги суммаси қуидаги формулага кўра белгиланади:

### **S =Sey x Сб x Кт**

бунда:

**Sяс** – ягона ер солиғининг суммаси, сўмларда;

**Sey** – ер участкасининг майдони, гектарларда;

**Сб** – 1 гектар учун солиқнинг базавий ставкаси, сўмларда;

**Кт** – тузатиш коэффициенти.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларига ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, шунингдек, ягона ер солиги муваққат базавий ставкаларнинг тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун Ягона ер солигини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари ва зарурияти. Ягона ер солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Ҳисобланган солик суммасини бухгалтерия счёtlарида акс эттириш тартиби.**

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджетга тўловлари ихчамлаштирилди ва ягона ер солиги тўлаш улар учун жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиги жорий этилиши билан улар қуйидаги солик ва йиғимларни тўлашдан озод этилади:

- даромад (фойда) солиги;
- қўшилган қиймат солиги;
- алкогиз ичимликлар ва мева шарбатларга акциз солиги;
- экология солиги;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- ер солиги;
- ер остидан фойдаланганлик учун солик;
- мол-мулк солиги;
- ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиги ва бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Ягона ер солиги тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун бож тўлов, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, шунингдек, алкоголли маҳсулотларга акциз солигини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Ягона ер солигини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг меҳнатнинг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг солик тизимини соддалаштиришdir.

Ушбу тадбирнинг ишга солиниши хўжаликларни ёрдамчи касбкорлар ва ишлаб чиқишлиарни ривожлантиришга ундаши керак, чунки бундай фаолият натижасида олинган даромадлар соликقا тортилмайди.

Ягона ер солиги тўлаш тартиби қўйидагиларга тегишли бўлмайди:

1. Ўрмончилик, овчилик хўжаликларига:

2. Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, эксперименти ва ўқув тажриба хўжаликларига:

3. Мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига:

4. Дехқон хўжаликларига:

Ягона ер солигини тўловчилар бўлиб қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчilar ҳисобланади.

Бу юридик шахслар қишлоқ хўжалик маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бирга бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишдан қатъий назар, ягона ер солигини тўловчилар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз ихтиёрига кўра бюджетга кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчilari учун белгиланган ягона ер солигини тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солигига тортиш обьекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ерлари майдонлари, уларнинг сифати ва жойлашган жойи бўйича ер баланси, ер хариталари, текшируv материаллари ва бошқа ер-кадастр хужжатлари бўйича қабул қилинади.

Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўловчилар қаторига шакли ва ихтисослашувига кўра кўп сонли юридик шахс ҳукуқига эга хўжаликлар;

Акциядорлик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва ширкатлари уюшмалари, парандачилик хўжаликлари, турли тизимдаги бўрдоқчилик хўжаликлари, ипакчилик ва асаларичилик хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс бўлган ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларига ягона ер солигининг муваққат базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солигининг базавий ставкалари, шунингдек, ягона ер солиги муваққат базавий ставкаларининг тузатиш коэффицентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган хўжаликлар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади, яъни улар олдингидек барча белгиланган солиқларни, шу жумладан ер солиғини тўлашади.

Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдан ташқари бошқа фаолият тури билан шуғуллансалар, шу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисобот юритадилар ва улар учун қонунларда белгиланган ҳамма солиқларни тўлайдилар.

**Ягона ер солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар.** Бу солиқдан имтиёзлар ҳам икки турли бўлади:

- А) солиқ солинмайдиган ер участкалари;
- Б) солиқ тўлашдан озод этилган юридик шахслар;

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига:

1. Қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Булар аҳоли пунктлари худудидаги майдонлар, кқчалар, ўтиш йўллари, йўллар, суғориш тармоғи ва шу каби объектлар, шунингдек, хўжаликдаги қабристонлар;

2. Ихота дараҳтлари экилган майдонлар;

3. Спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сув хавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда ҳалқ таълими, маданият ва соғлиқни саклаш объектлари банд қилган ерлар;

4. Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолати яхшиланиши жараёнидаги суғориладаган ерлар, лойихада назарда тутилган муддатда, лекин ишлар бошлангандан эътиборан- 5 йилга;

5. Янги ўтқазилган боғлар ва токзорлар банд қилган майдонлар, улар мева берса бошлайдиган муддатгача, уларнинг майдонлари ана шу боғлар ва токзорлар ўтқазилган ойдан бошлаб солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

6. Янгидан тут дараҳтлари ўтқазилган майдонлар, уларнинг майдонлари тутлар ўтқазилган ойдан бошлаб уч йиллик муддатга солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

Солиқ тўлашдан озод этиладиган юридик шахсларга қуидагилар киради:

1. Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, фермер хўжаликлари, давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

2. Даромад (фойда) солиғи ва ер солигини тўлашдан озод қилинган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

**Ягона ер солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.** Ягона ер солиғи унинг тўловчилари томонидан мустақил равишда ерларнинг майдони, базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Қишлоқ хўжалик аҳамиятга эга ерлардаги ер майдонлари ер тузиш хизмати ўтказадиган ер ҳисоби маълумотлари, ерларни рўйхатдан ўtkазиш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда ерларни маҳсус асбоблар ёрдамида қлчаш материаллари асосида тасдиқланган бўлиши лозим.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ер солиғи суммаси қуидаги формулага кўра белгиланади:

$$H = S_{зу} * C_б * K_p$$

бунда,

**H** - ягона ер солигининг суммаси, сўмларда;

**S<sub>зу</sub>** - ер участкасининг майдони, га да;

**C<sub>б</sub>** - гектар учун соликнинг базавий ставкаси, сўмларда;

**K<sub>p</sub>** - тузатиш коэффициенти.

Ерларнинг ҳар бири (сугориладиган ерлар, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқалар) учун тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади, улар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўловчиларга етказилади.

Сугориладиган қишлоқ хўжалик ерлари бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Лалми ерлар, пичанзорлар ва яйловлар бўйича базавий ставкалар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ижтимоий иморатлар, сув хавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд қилган ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигига фойдаланмайдиган бошқа ерлар бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳарларнинг

сугориладиган ерлари бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тарзда соликнинг ундирилиши ер участкаси тортиб олинган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтиб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиги бўйича имтиёзлар белгиланганда улар бундай хукуқ вужудга келган ойдан бошлаб тўламайдилар.

Имтиёзларга эга бўлиш хукуки тўхтатилганда, бундай хукуқ тўхтатилгандан кейинги ойдан бошлаб ер солиги тўлашни бошлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиги суммасини Ўз. Рес. Вазирлар Маҳкамаси белгиланган ставкаларда ҳисоблаб чиқадилар ва ўзлари жойлашган солиқ инспекцияларига (аксарият) солиқ ҳисобини жорий йилнинг 1 февраляга қадар тақдим этадилар.

Ягона ер солиги бир йилда уч марта тўланадиган бўлди.

- 1 июлгача йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи миқдорида;
- 1 сентябргача йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи миқдорида;
- 1 декабригача қолган солиқ суммаси тўланади.

Ягона ер солигиниг ҳисобланган суммаси корхонанинг давр харажатларига киритилади.

Ҳисобланган солиқ 6400 счёtnинг ва 9400 счёtnинг дебетида кўрсатилади. Солиқ бюджетга ўтказилганда 6400 счёт дебетланади ва 5100 счёт кредитланади.

Мисол: "А.Навоий" жамоа хўжалиги ихтиёрида жами 350 гектар ер бўлиб, буларнинг 250 гектари сугориладиган ерлар ва 100 гектари сугорилмайдиган лалми (тоғли ва тоғолди ерлар) ҳисобланади. Сугориладиган ерларининг 105 гектари 4 класс (бонитети 31-40 баллгача бўлган ерлар) , 85 гектари 5 класс (бонитети 41-50 балгача бўлган ерлар) ва 60 гектари 6 класс ерлар ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2002 йилдаги 455-сонли Қарорига асосан Тошкент вилояти Қиброй туманида 1 гектар 1 класс ер учун ягона солиқ ставкаси - 1475,5 сўм, тузатиш коэффициенти 4 класс ер учун-3,29; 5 класс ер

учун-4,67; 6 класс ер учун-6,54. Суғорилмайдиган лалми( тоғли ва тоғ олди) ерлар учун-1,67

Юқоридаги формулага асосан ягона ер солиғини ҳисоблаймиз:

4-класс ер учун

**С яс=Sey x Сб x Кт=105\*1475,5\*3,29=509711,5 сўм.**

5-класс ер учун:

**С яс=Sey x Сб x Кт=851475.54, 67=585699.7 сўм**

6-класс ер учун:

**С яс=Sey x Сб x Кт=60\*1475,56,54=578986,2 сўм**

Лалми (тоғли ва тоғ олди) ер учун

**С яс=Sey x Сб x Кт=100\*1475,51,67=246408,5 сўм**

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ягона ер солиғининг ҳисоблаб чиқилган миқдори ер участкаси жойлашган туман бюджетига ўтказилади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ерларининг шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қисми учун ягона ер солиғи солик тўловчи рўйхатдан ўтган туман бюджетига ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига йил давомида ажратилган ер участкалари учун солик ер участкаси ажратилган ойининг кейинги ойидан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақ тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқнинг ундирилиши ер участкаси тортиб олинган (камайтирилган), ҳаки тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтириллади).

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланади. Улар солик тўлашни бундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб тўлайдилар.

Ер солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилганда улар бундай ҳуқуқ тўхтатилганидан кейинги ойдан бошлаб ер солиғи тўлашни бошлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи суммасини келтирилган тегишли жадвалдаги шаклга биноан ҳисоблаб чиқадилар ва давлат солик инспекцияларига ҳисоб-китобни жорий йилнинг 1 февралига қадар тақдим этадилар.

Ягона ер солиғининг ҳисобланган суммаси давр харажатларига киритилади.

Ер солиғини ҳисоблаш ҳақиқий эгалланган ер майдонига қараб амалга оширилади. Умумий майдондаги ер участкалари маълумотлари шаҳар ва туман ижроия хокимиятлари томонидан доимий эгалик ёки фойдаланиш хуқуқи борлиги давлат хужжати билан тасдиқланиши керак. Ердан фойдаланишга давлат хужжатлари берилгунга қадар ваколатли хокимият идораларининг қарорлари, ер баланиси маълумоти, қурилишнинг бош режаси ёки бошқа хужжатлар (текширув далолатномаси, ер инвентаризацияси, ерни режасини олиш ва бошқ.) ер тўзилиши хизмати ёки архитектура идоралари хизмати билан келишилган бўлса хизмат қиласи.

Йил мобайинида ердан фойдаланишда ўзгаришлар содир бўлса (кўпайиши, камайиши) юридик шахслар солиқ инспекциясига бир ойдан кечиктирмасдан ўзгарган солиқ ҳисобини тақдим этишлари шарт.

Бошқа солиқ ва йифимлардан қарзи бўлмаган ҳолда юридик шахслар солиқни кўп тўлаб юборган бўлсалар, бу сумма солиқ тўловчиларга уларнинг аризаларига биноан ўттиз кун ичида қайтарилади ёки келгуси тўловларга ўтказилади.

Солиқ ер майдони қайси туманда жойлашган бўлса шу туман маҳалий бюджетига ўтказилади.

Ер солиғи ва ягона ер солиғини тўловчилар солиқ идоралари мансабдор шахслари нотўғри ҳаракати бўйича юқори солиқ идораларига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

Ер солиғини ва ягона ер солиғини тўловчилар солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар.

## **5. Ер солиғини асосий муаммолари.**

Кейинги пайтларда солиқ имтиёзлари тұғрисида газета ва журналларда бир қатор мақолалар чоп этилиб, уларда иқтисодчи олимлар томонидан солиқ имтиёзларига турлича таъриф берилмоқда: «Солиқ имтиёзлари - бу вақтинге солиқ мажбуриятлари міндеттерині камайтириш учун умумий қоидалардан чекиниш», «Солиқ имтиёзлари - амалдаги қонунларга мувоффик равишида солиқлардан тұлық ёки қисман озод қилиш» ёки «Солиқ имтиёзлари - корхоналарга нисбатан бериладиган вақтингчалик енгилліктер» - каби қатор фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Солиқ имтиёзлари азалдан солиққа тортиш жараёнида кенг құлланиб келинганды. Улуғ саркарда, сохибқирон Амир Темур даврида ҳам солиқ имтиёзларига катта аҳамият берилганды. Ҳозирги кунда ҳамма солиқ тұловчилар солиқ имтиёзлари масаласына бефарқ қарамасликтер барчамизга маълум. Ҳамма солиқ тұловчи ҳам солиқ бүйічесінде имтиёзге эга бўлишни хоҳлайды, чунки бу уларнинг манфаатларига мос тушади. Лекин, берилган имтиёздан тегишли давр ичида тұлық, самарали фойдаланадими? Солиқ тизимимизда имтиёзларга катта аҳамият берилмоқда. Жаҳон амалиёти тажрибасидан фойдаланған ҳолда, ишлаб чиқилған имтиёзлар тизими ҳозирда иқтисоднинг барча тармоқтарини ривожлантиришга, мухим ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ва умумий ҳолда корхоналар фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилмоқда.

Лекин, шу ўринда «Берилған имтиёзлар тегишли самара беряптыми, улар корхоналарда ишлаб чиқариш рентабеллігіни ошишига таъсир кўрсатмоқдами?» деган табиий савол туғилади. Афсуски, амалиётдаги материаллар билан танишиш натижасыда юқоридаги саволларга ижобий жавоб берса олмаймиз ёки ха, қисман самара бермоқда деб жавоб бериш учун ҳам бизда асос йўқ.

Нима учун бундай ҳолат юзага келмоқда? Имтиёз ва самарадорлик диалектикасини таъминлай олмаслигимизга нима сабаб бўлмоқда?

Бизнинг фикримизча, бунга асосий сабаб қилиб қуйидагиларни кўрсатишимиш мумкин:

Солиқ тұловчиларнинг солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тұғри идрок этмаслик;

Берилаётган имтиёзларнинг моҳиятини тұла тушуниб етмаслик, улардан самарали фойдаланмаслик.

Солиқ ва имтиёз диалектикасининг асл моҳияти «иқтисод ва ҳисобот»

журналининг 1996 йил 7 - сонида чоп этилган иқтисод фанлари доктори, профессор Тоҳир Маликовнинг «Солик ва имтиёз диалектикаси» номли мақоласида тўла ва аниқ очиб берилган. Бу мақоладан айрим диққатга сазовор фикрларни келтирмоқчиман: «дунёда нимадан қочиб қутилишнинг иложи йўқ» деб савол берилганда, «ўлимдан» деб жавоб беришимиз табиий, албатта. Саволнинг жавоби худди шундай эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслиги турган гап. Шуниси диққатга сазоворки, худди шундай савол бозор муносабатлари соғлом ривожланган мамлакат фуқароларига берилганда, негадир ўзгачароқ жавоб берадилар. Бизнинг орамизда эса «керак бўлса соликдан қочишнинг минг битта йўлини ўргатаман» - дегувчилар ҳам кўплаб топилади. Бундан бир неча аср бурун ғарб мутафаккиридан «Инсон не учун дунёга келади», деган саволга ул зот «Ўлим ва солик тўлаш учун» деб жавоб берган экан. Ривожланган давлатларда солик ва имтиёз диалектикаси негизини ана шу фалсафий фикр ташкил этади. Солик тўловчилар солик ва имтиёз диалектикасининг асл моҳиятини тўғри тушунмоқликлари учун, дастлаб фақатгина ўлимдан эмас, балки солик тўламасликдан ҳам қочиб қутилишнинг иложи йўқ эканлигини қалбан ҳис этмоқликлари даркор. Солик тўловчиларда бундай хиссиёт пайдо бўлмас экан, улар солик ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини идрок этишга ҳамон ожизлигича қолаверадилар. Дарҳақиқат, бундан 6 йил илгари профессор Т.Маликов кўрсатиб ўтган муаммолар ҳозирга келиб ҳам ўз ечимини тўлиқ топганича йўқ. Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, имтиёзнинг самарасини таҳлил қилишдан аввал, имтиёз моҳияти ва мақсадларини солик тўловчиларга етказиш, ундан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни унутмаслик керакки, бир солик тури бўйича тегишли имтиёзлар берилиши ушбу солик оғирлигининг бошқа корхоналар зиммасига қўшимча юк бўлиб тушиши, ҳақиқатдан йироқ эмас. Дарҳақиқат, ҳозирда солик оғирлиги кўпроқ металлургия, машинасозлик, кимё ва бошқа саноат тармоқларига тушмокда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш тармоқлари эса соликка тортилиш нуўтаи назаридан яхши аҳволда. Юқоридагилардан келиб чиқиб солик имтиёзлари самарадорлигини ошириш ва имтиёзлари тизимини тартибга солиш борасида ўз фикр ва таклифларимни билдиримоқчиман:

**Биринчидан:** солиқ имтиёзларининг самарадорлигини ошириш учун солиқ тўловчилар орасида имтиёзларни асл моҳиятини тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказилиши керак.

**Иккинчидан:** имтиёздан фойдаланувчилар устидан назоратни кучайтириш керак. Бу борада, имтиёздан фойдаланувчилар ҳақида барча маълумотларни тўла ўрганиш, уларни умумлаштириш ва тегишли хulosалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

**Учинчидан:** ер солиги бўйича имтиёзлар тизимини такомиллаштиришда қуидаги таклиф муҳим аҳамият касб этиши мумкин: айрим солиқ тўловчилар учун солиқ имтиёзларини камайтириб бериш ҳам солиқ тизимини такомиллаштиришга хизмат қиласди. Бу асосан берилган имтиёздан самарали фойдалана олмаган корхоналар учун тегишли.

Ривожланган бозор муносабатларига асосланган давлатлар иқтисодиётида турли хўжалик шакллари фаолиятининг қиёсий таҳлили ишчилар сони ва маҳсулот сотиш ҳажми катта бўлмаган кичик бизнес корхоналарининг алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканликларини тасдиқламоқда. Кўпчилик тадқиқотчилар макроиқтисодий кўламда ишлаб чиқариш техник даражасини янгилашни жадаллаштириш жараёнида кичик бизнес ролига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ва бозор асосларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам давлат томонидан ҳимоя қилинади. Давлат ўзининг иқтисодий сиёсати доирасида қишлоқ хўжалик корхоналарини субсидиялар бериш, солиқ ставкаларини камайтириш, табиий иқлим шароитлари оғир келган йилларда солиқлардан озод қилиш каби йўллар билан муҳофаза қилиб келади.

Американинг фермер хўжалиги жаҳонда энг самарали хўжалик саналади. 1920 йилда 6,5 миллион фермада 31 миллион американлик яшаган эди. 1987 йилга келиб фермерлар сони қисқариб 5 миллион бўлиб қолган, улар 2 миллион фермада яшамоқда эди. Фермерлар ва фермалар сони камайишига қарамай, Америка фермаларида ишлаб чиқаришни умумий ҳажми ошди ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш муттасил ортиб бормоқда, айни бир вақтда фермерларга хукумат ёрдами кейинги барча йиллар давомида энг юқори чўққига етди. 1998 йилда Федерал хукумат фермерларга 30 миллиард маблағ ажратди.

Америка қишлоқ хўжалигиннг истиқболини белгиловчи барча омиллар орасида унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги энг асосий ўринни эгаллади.

Бироқ аграр соҳадаги экспорт мутлақо фермерлар ихтиёрида бўлмаган талайгина омилларга боғлиқ. Хусусан АҚШ.нинг монетар ва фискал сиёсати, шунингдек чет мамлакатларнинг протекционизм йўналишидаги чоратадбирлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотишга бевосита таъсир этади.

Бундан ташқари хукумат қишлоқ хўжалигини соликқа тортишга оид қонун хужжатларини ўзгартириш, солиқ ставкасини камайтириш ёки инфляцияга қаратилган чора-тадбирлар қўриш билан қишлоқ хўжалик секторини ижтимоий ҳимоя қилиб туради.

Бундан ташқари давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи ставкасини 5,5 % қилиб белгилаган. Энг паст ставка белгилашдан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналари қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган.

Францияда юридик шахслардан олинадиган даромад солигининг ставкалари барча корхоналар учун 34 % бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик корхоналари учун 10 % қилиб белгиланган.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, уларнинг қишлоқ хўжалик корхоналарини соликқа тортишдан давлатнинг мақсади бюджетни тўлдириш эмас, балки қишлоқ хўжалик корхоналарини маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат.

Хозирги шароитда барча Ҳамдқстлик давлатлари (шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси) иқтисодий ҳаётида ривожланган давлатлар хўжалик тараўқиётининг асосий йўналишларини белгилаган умумий иқтисодий жараёнлар кузатилмоқда. Либерал иқтисодий сиёсат, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштириш, меҳнат жамоаларининг корхонани бошқаришдаги иштироки каби халқаро миқёсда яхши таниш бўлган жараёнлар бизнинг кундалик ҳаётимизда кечмоқда. Турли давлатлар хукуматлари учун қатор муаммоларни ҳал этиш улардаги иқтисодий шароит ва хўжалик таркибидаги хусусиятларга кўра мутлақо фарқлансада, аслида бу ҳолат умумий иқтисодий жараённинг маълум шароитларда намоён бўлишидир. Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида давлатнинг солиқ сиёсати ҳалқ хўжалиги барўарорлиги ва тараўқиётининг муҳим таркибий қисми

ҳисобланади. Бу сиёсат бозор муносабатларининг барча қатнашчиларини қамраб олади. Ўз навбатида, солиқ тизими шаклланган ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг хўжалик механизми ва жамият ўз олдига қўйган ижтимоий-иктисодий мақсадлардан келиб чиқади.

Бизнинг фикримзча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун жорий қилинган ягона ер солиғидан давлат ўзининг иқтисодий сиёсати доирасида қишлоқ жойларда жойлашган бошқа тармоқ корхоналарини ривожлантириш, шунингдек янги корхоналарни ишга тушириш, қишлоққа саноатни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиши лозим.

Давлат бюджетини каттагина қисми кам даромадли оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланади. Кам таъминланган оилаларни кўпгина қисми қишлоқ аҳолисига тўғри келади. Шунингдек мавжуд иш билан таъминланмаган ишга яроқли аҳолининг ҳам аксари қисми қишлоқ жойларда яшайди. Юқоридагиларни ҳисобга олиб қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларда саноат корхоналарини қуришни рағбатлантириш мақсадида давлат қишлоқларда қурилаётган янгидан очилаётган корхоналар учун уларни фаолият туридан қатъий назар ягона ер солиғини жорий қилиши маълум муддатга жорий қилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ягона ер солиғини янги очилаётган корхоналарнинг фаолият турига қараб табақалаштириш лозим.

Маълумки қурилиш ташкилотлари, транспорт корхоналари катта ер майдонларига эга бизнинг фикримизча ушбу корхоналар учун ер солиғининг ставкаларини камайтириб белгилаш зарур.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини бджетга ўз вактида, қонунда белгиланган муддатларда тўланишишини таъминлаш мақсадида, ер солиғини тўлаш тартибини бузганлик учун белгиланган жазо чораларини кучайтириш зарур.

Солиқлар орқали иқтисодиётни бошқаришда ер солиғидан унумли фойдаланиш мақсадида ерлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланмайдиган юридик шахслар учун ер солиғи ставкаларини уларнинг фаолият турига қараб табақалаштириш ва солиқ ставкаларини кўпайтириш лозим.

Ер солиғи тўғри солиқ ҳисобланиб, корхонанинг хўжалик фаолияти натижасига боғлиқ бўлмайди ва корхона фойда ёки зарар кўришидан қатъи - назар тўлашга мажбур. Бизнинг фикримизча корхона йил зарар билан яқунлаганда ер солиғини тўлаш муддатини корхонанинг иқтисодий ҳолати

яхшилангунга қадар кечиктириш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини солиқлар орқали бошқаришда ягона ер солиғидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари. Солиқقا тортиш тартибини ўзгартириш бўйича ҳар қандай чора каби ягона ер солигининг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор. Лекин фикримизча, ижобий омиллари кўпроқ. Ягона ер солигининг жорий этилиши солиқни ҳисоблашни жуда осонлаштиради. Илгари қишлоқ хўжалик корхоналари 10 турга яқин солиқлар ва йигимларни тўлаган бўлсалар, эндиликда бир йилда бир марта солиқнинг бир турини ҳисоблайдилар.

Агар солиқни тўлаш муддати ҳисобга олинадиган бўлса, айрим корхоналар ҳар бир солиқ турлари бўйича тўлов топшириқномаларини тақдим этишларига тўғри келади. Текширишларнинг кўрсатишича, бухгалтерларнинг малакаси пастлиги сабабли кўп хўжаликлар солиқни нотўғри ҳисоблаганлар ва шу сабабли уларга анча миқдорда жарима солинган. Бу қоида малакали бухгалтерлари бўлмаган майдага қишлоқ хўжалик корхоналари учун айниқса муҳимдир. Ер солигини ҳисоблаш эса чуқур билимни талаб қилмайди, демак хатога камдан-кам йўл қўйилади. Бундан ташқари, ер солиги йил бошида бир марта ҳисоблаб чиқилади ва йил охиригача ўзгармай қолаверади, бу эса хўжаликларга ўзларининг ишлаб чиқариш-молия фаолиятини аниқ режалаштириш имконини беради.

Ягона ер солигининг жорий этилиши ердан янада оқилона фойдаланишни таъминлаши лозим. Чунки ҳар гектар ер ҳисобидан, ундан қандай фойдаланилаётганидан қатъи назар, солиқ тўланади. Жорий этилган янгилик эса хўжаликларни ёрдамчи тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ундейди, чунки бундай фаолиятдан олинган даромад солиқка тортилмайди.

Ҳар қандай соддалаштириш каби ягона ер солигининг жорий этилиши тенглаштиришга олиб келади-бу эса унинг салбий томони. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг турли тармоқларини тадбиркорлик билан ривожлантираётган хўжаликлар ютиб чиқади, факат дехқончилик билан шугулланувчи хўжаликлар эса ютқазади.

Ставкаларни белгилаш чоғида бюджетга маблағ тушумининг мавжуд миқдорини сақлаб қолиш асосий омил қилиб олинди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бу тамойилни таъминлаш учун умуман республика бўйича 1998 йилда амал қилган ер солиги ставкасини 1,9 баравар кўпайтириш лозим экан. Бироқ бунда жами солиқлар миқдорига қўра унинг ўрнига ягона ер солиги

тўланадиганига кўра 20-30 фоиз камроқдир. Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналари учун солиқ юкини анча енгиллаштириш омилларидан ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан базавий ставкалар ва уларга тузатиш коэффициентлари тасдиқланган бўлиб, бу коэффициентлар ерларнинг турлари, сифати ва қаерда жойлашганини ҳисобга олади.

Ягона ер солиғи тўловчилар учун маъмурий ва саноат марказларига яқинроқ жойлашгани, шунингдек, ер шаҳарларнинг маъмурий чегараларида жойлашгани туфайли коэффициентни ошириш қўлланилмайди. Бу коэффициентлар базавий ставкаларда ҳисобга олинган.

Юқорида айтилганидек, ягона ер солигининг жорий этилиши, шубҳасиз, соликқа тортишни соддалаштиришга олиб келади. Лекин у қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш-молия фаолиятига қандай таъсир кўрсатади? Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ ягона ер солигини жорий этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш бўйича маҳсус республика комиссияси тўзилган.

Бу комиссияга янги ставкаларнинг қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш-молия фаолиятига таъсирини ўрганиш, шунингдек, зарур таклифларни ўз вақтида тайёрлаш топширилган. Ягона ер солигининг базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентлари қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг натижасига қандай таъсир этаётганини таҳлил этиш, айрим ягона ер солиғи тўловчиларга имтиёз бериш самарадорлигини ўрганиш билан солик органларининг мутахассислари, хусусан табиий ресурслардан фойдаланганлик учун соликқа тортиш бўлимлари мутахассислари шуғулланиши керак. Шу муносабат билан уларни етарли микдорда малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш зарур. Чунки қишлоқ туманларида асосий солик тўловчилар - ягона ер солигини тўлайдиган қишлоқ хўжалик корхоналаридир.

Ягона ер солиғи жорий этилиши билан ер майдони ва сифатини аниқ ҳисобга олиш зарурати анча кучаяди. Республика ҳукумати Ер ресурслари давлат қўмитасига тупроқ ҳариталарига ўзгартиришлар киритиш ва ер бонитировкаси ишларини 1999 йил давомида ниҳоясига етказишини топширди. Мамлакатимизда бу иш бошлаб юборилган. Айрим вилоятлар бўйича иш натижалари олинди.

Сўнгги йилларда мелиорация ишлари камайгани сабабли ер сифати пасаймоқда, бу эса ер солиғи микдорининг камайишига олиб боради: айрим

вилоятларда ер солиги 25 фоизгача камаяди. Бу ҳолат бир томондан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг зиммасидаги солик юкини енгиллаштирса, иккинчи томондан, бюджетга солик тушумини камайтиради. Шу муносабат билан тупроқ бонитировкаси кўрсаткичларини ўзгартириш чоғида унинг натижалари вилоят ҳокимлигига қўриб чиқилиши лозим, вилоят ҳокими эса бонитетнинг янги балларини қўлланиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилиши зарур.

Қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчилар учун ягона ер солиги жорий этилишидан аввал ер солиги, шунингдек, даромад (фойда) солиги тўлаш борасида берилган имтиёзлар ҳам сақланиб қолади. Бунда соликقا тортиладиган базадан Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига мувофиқ ер солиги ундирилмайдиган ер участкалари майдони чиқариб ташланади. Бундан ташқари, янги ташкил этилган қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчилар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил давомида ягона ер солигини тўлашдан озод қилинади.

Шу вақтга қадар қишлоқ хўжалик корхоналари соликларнинг айрим турларини ҳар ойда ёки йилнинг ҳар чорагида тўлар эдилар. Соликларни ўз вақтида тўламагани учун улар қўшимча пеня тўлашга мажбур бўлар эдилар. Эндиликда ягона ер солиги бир йилда фақат икки марта, яъни солик йиллик миқдорининг 30 фоизгача қисми 1 июлгача, қолган қисми эса 1 декабргача тўланади. Тўлов миқдорининг камайтирилиши ва тўловларнинг 70 фоизга яқини йилнинг охирига кқчирилиши солик тўловчилар учун катта енгилликдир.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Ер солигининг иқтисодий моҳиятини изоҳлаб беринг?
2. Ер солигини қандай юридик шахслар тўлайдилар?
3. Ер солиги обьектига қандай ер майдонлари киради?
4. Ер солиги ставкалари ким томонидан белгиланади ва ер солигидан юридик шахслар қандай имтиёзларга эга?
5. Ер солигини юридик шахслар қандай муддатларда тўлайдилар?

## **12-мавзу: Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи (4 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

жисмоний шахслар ер солиғини ҳисоблашда уларга тегишли майдонларнинг аниқ ҳисобини юритиш мониторингини ташкил қилиш муаммоси;

жисмоний шахсларнинг ер участкаларини яширин ҳолатда сотиш муаммоси;

жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқ қийматини жорий этиш муаммоси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

жисмоний шахсларнинг ер солиғи, солик объекти, солик тўловчилар, солик ставкаси, солик бўйича имтиёзлар, соликни тўлаш муддатлари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 1,4,6,12,14,15,19,20

Қўшимча адабиётлар: 23,25,26,28,31

## **1. Ер солиғи түловчилари ва жисмоний шахслар учун ер солиғи объекті.**

Үз мулкида, әгалигіда ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар ер солиғи түловчилари ҳисобланади. Ер солиғи түловчиларини солиқ идоралари ҳар йили йил бошига ҳисобини олиб боради.

Жисмоний шахслар учун ер солиғи объекті ер участкаларидир. Қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1. Тураг жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ерлар;

2. Якка тартибда уй - жой қурилиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;

4. Хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;

5. Мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки сотиб олинниш натижасида уй - жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш учун ҳукуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалар;

Берилган ерлардан икки йил мабайнида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар микдорда ундирилади.

2003 йилдан бошлаб агар ер участкаларига мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳукукини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлмаса, солиқ бутун майдон учун қуйида кўрсатилган ошувчи коэффициентларини қўллаган ҳолда тўланади.

## **2. Ер солиғи ставкалари ва ер солиғидан жисмоний шахслар учун имтиёзлар.**

Ер солиғи ставкалари ҳар йили янги йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади 2004 йилдан бошлаб ер солиғи ставкаси 1.5 коэффициент билан индексация қилинган.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифатида ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳар ва шаҳар кўргонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар ер солиғи бўйича имтиёзга эгалиги ёки эга эмаслигидан қатъи назар, майдони давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилганидан кўп бўлган ер участкалари учун ер солиғининг 1.5 ошувчи коэффициенти билан тўлайдилар.

Ер участкасининг жойлашишига қараб қишлоқ жойлари учун ер солиғи ставкасига қўйидаги коэффициентлар кўлланилади:

Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда - 1.3;

Қорақолпогистон Республикаси, вилоятлар марказлари 15 км радиусда - 1.2;

Туманлар марказидан 10 км радиусда - 1.15;

Бошқа шаҳарлар 5 км радиусда - 1.10.

Агар ерлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти органларининг қарорига мувофиқ ижарага олинган бўлса, жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига ижара ҳақи тўлайдилар

Ижара ҳақи тарафларнинг келушуви асосида белгиланади, лекин бу ҳақ қонун хужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланганда эса - бир ставка миқдорида бўлиши лозим. Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини хисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига ер сифатига боғлиқ ҳолда қўйидаги коэффициентлар кўлланилади:

- тупроқ бонитети 40 балгача бўлса -0.75;
- тупроқ бонитети 41 балдан 70 балгача бўлса - 1.0;

- тупроқ бонитети 70 балдан ортиқ бўлса - 1.25;
- жисмоний шахсларга тадбиркорлик мақсадида фойдаланилаётган ерлар учун солиқ ставкаси юридик шахсларга белгиланган ставкада қўлланилади.

Ер солиғидан имтиёзлар икки гуруҳга бўлинади:

Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган ер участкалари;

Ер солиғи тўлашдан тўлиқ озод этилган жисмоний шахслар.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуидагилар киради:

1. Якка тартибда уй - жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар, ер берилган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

2. Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар-лойиҳада назарда тутилган муддатга лекин ишлар, бошлангандан эътиборан беш йилгача;

3. Янги тут қўчати ўтказилган ер участкалари қатор ораларидан қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъий назар уч йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда ўтказилган тут қўчатлари эгаллаган ерлар солиқ тўлашдан уч йилга озод этилади, бунга қўчат ўтказилган йил ҳам киради. Кузда ўтказилган қўчатлар ўтказилган йилдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод этилади. Солиқ кодексининг 101-моддасида соликдан озод этилган бошқа ерлар бор. Аммо, улар жисмоний шахсга тегишли эканлиги айтилмаган.

Агар ерлар ўз ўрнида фойдаланилмаса имтиёз йўқолади. Ер кодексининг 55-моддасига кўра қишлоқ хўжалик кооператив аъзоларида, муассасалар ва ташкилотлар ходимларига, шу ташкилотлар ерларидан дехқон хўжалиги юритиш учун суғориладиган ерлардан 0,35 га. гача, лалмикор ерлардан 0,5 гача, яйловлардан 1 га. гача меъёрларда ер ажратиб берилади. Бу факат қишлоқ жойларида яшовчи дехқон хўжаликларида берилади.

Ер кодексининг 27-моддасига биноан шаҳар ва қўрғонларда яшовчиларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,06 га ер ажратилиб берилади.

Ер солиғидан түлиқ озод этиладиган жисмоний шахсларга қуидагилар киради:

1. Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибокарлари, механизаторлари, врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2. "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар. 1941-1945 йиларидаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3. Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўкув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари - хизмат муддатига;

5. I ва II гурӯҳ ногиронлари;

6. Ёлғиз пенсионерлар; уларга бир ўзи ёки вояга етмаган болалари ёки ногирон бола билан бирга алоҳида уй, квартира ёки ётоқхонада яшайдиган пенсионерлар киради.

7. Боқувчисини йўқотган кўп болали оиласлар; Буларга ота - онадан бири ёки иккаласи вафот этган ва оиласда 16 ёшга етмаган беш нафар ва ундан кўп болалари бўлган оиласлар киради.

8. Концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари, Чернобил АЭС даги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9. Кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача;

10. Илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар.

Ушбу имтиёзлар якка тартибда уй жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан тадбиқ этилади. Меъёрдан ортиқча ер майдонларига эга бўлганлар шу қисмидан ер солигини 1,5 ошувчи коэффициент билан тўлайдлар. Имтиёз ҳукуки ер солигини тўлашдан озод этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда хўжалик юритадиган бутун оиласга тадбиқ этилади.

### **3. Жисмоний шахслар ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.**

Жисмоний шахсларнинг ер солиғи солик органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғининг ҳисоблаш учун солик идоралари шаҳар, туман ер фонди маълумотлари ҳокимликларнинг қорорлари асосида ҳамда уйма-уй юриб ўтказилган текширишлар асосида ер участкалари майдонини аниқлаб чиқадилар.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғи ҳар йилнинг бошида солик органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади ва тўлов хабарномаси ёзилади.

Ер солиғини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси ҳар йили солик идоралари томонидан 1 майдан кечиктирмай жисмоний шахсларга етказилади. Улар жисмоний шахсларга шахсан топширилиши лозим.

Жисмоний шахслар ер солиғини жорий йилнинг 15 июнь ва 15 декабрига қадар тенг бўлиб тўлаб қўйишлари шарт. Акс ҳолда соликдан боқиманда пайдо бўлади ва соликдан ташқари пеня (айбона) тўлашга тўғри келади.

Солик ўтган йилларда ундирилмаган бўлса солик идоралари аввалги уч йил учун солик ҳисоблаб ундириб олишга хақли. Ўтган йиллар учун ундирилмаган солик суммасига айбона ҳисобланмайди.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Қандай жисмоний шахслар ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланади?
2. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи объектига нималар киради?
3. Ер солиғи ставкасини белгилаш тартиби қандай?
4. Ер солиғидан жисмоний шахслар қандай имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга?
5. Жисмоний шахслар ер солиғини ким ҳисоблайди ва ер солиғини тўлаш муддатлари қандай?

## **13-мавзу: Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ (8 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

жисмоний шахсларнинг даромад манбаларини аниқ чегаралаш муаммоси;

жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш жараёнигинг мониторингини яратиш;

жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг ставкаларини ягона ҳолатта келтириш;

норезидентлар даромадларини солиқقا тортиш услугбиятини такомиллаштириш;

солиқقا тортилмайдиган минимум чегарасини белгилаш муаммоси;

иш ҳақидан ҳисобланган солиқ суммаларининг бухгалтерияда хисобини юритиш муаммоси;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва фонdlарга тўловларни тўлаш механизмини соддалаштириш муаммоси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

резидент ва норезидент, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, декларация, солиқ обьекти, солиқ тўловчилар, солиқ ставкаси, солиқ бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 3,5,6,11,12,16,17

Қўшимча адабиётлар: 25,29,31,32,33

## **1. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг тўловчилари ва солиқ обьекти.**

Жисмоний шахслар даромадига солиқ тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган даромадга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг солиққа тортиладиган даромади жами йиллик даромадга солиққа тортилмайдиган даромадларни киритмасдан (58 м), даромадига солиқдан озод этиладиганларни чиқариб ташлаб аниқланади.

Солиққа тортиш мақсадида жисмоний шахслар даромади резидентлар ва норезидентлар даромадига бўлинади.

Бошлианаётган ёки тугаётган молия йилида 12 ойгача бўлган исталган даврда Ўзбекистон ҳудудида 183 кун ва ундан ортиқ яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси резиденти деб аталади Шу кўрсатилган муддатдан кам яшаган жисмоний шахсларга норезидент деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқаридаги манбаалардан олган даромадлари бўйича даромадга солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти факат Ўзбекистон ҳудудидан олган даромадидан солиқ тўлайди.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида резидент шахслар томонидан тўланган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлаш пайтида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро қонунларга биноан ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинаётган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда бўлган солиқ ставкасида ҳисобланган жисмонии шахсларнинг даромадига солиғи суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

Солиқ обьекти бўлиб, Солиқ Кодексига мувофиқ белгиланадиган жами йиллик даромад ҳисобланади

Бу ерда энг муҳим нарса жисмоний шахснинг жами йиллик даромадига қандай даромадлар кириши, қандай даромадлар кирмаслиги ва қандай имтиёзлар олиш мумкинлиги аниқ белгилашдир.

## **2. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби.**

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркибига солиқ тўловчи олиши мумкин бўлган ёки тёкинга олган пул ёхуд буюм шаклида олган пул маблағлари киради.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби З гурухга бўлинади.

1. Мехнат ҳақи тариқасида олинган даромадлари (энг асосий даромадлар).
2. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари.
3. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари.

Юқоридаги даромадларнинг ҳар бирини таркибини аниқ билиб олиш зарур бўлади.

Жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳаўки тариқасида олган даромадлари таркибига меҳнат шартномаси бўйича фаолиятдан ва фуқоролик - хукуқий шартномалари бўйича олинган даромадлари киради.

Мехнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга қуидагилар киради:

- 1) Ходимларга сотиладиган товарлар(ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарларни(ишларни, хизматларни) харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ.
- 2) Иш берувчи томонидан ўз фаолияти билан боғлик бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар.
- 3) Ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, аммо иш берувчининг ҳисобидан чиқарилган қарз суммалари:
- 4) Иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлигини ихтиёрий сугурталаш бадалларини тўлаш учун қилинган харажатлар.
- 5) Иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши лозим бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммалари.
- 6) Иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.

Ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган меъёрлари доирасида бериладиган хизмат сафари тўловларининг суммаси жами йиллик даромадга кирмайди. Аммо, меъёрдан ортиқ харажатлар жами йиллик даромад таркибига киради. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига фоизлар, дивидендлар бўйича олинган даромадлар ва мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.

Дивиденд ва фоиз даромадлар асосан қимматли қоғозлардан (оддий ва имтиёзли акциялар, аккредитивлар ва бошқалар) ҳамда ширкатларда шерикчиликдан олган даромадлардир.

Мулкларни ижарага бериш тадбиркорликка кирмайди.

Ижара даромадлариға:

Квартиralар, гаражларни ижарага бериш:

Юк машиналарни, енгил машиналарни ижарага бериш.

Уй - анжомларини ва бошқа мулкларни ижарага беришлари киради.

Жисмоний шахсларнинг учинчи гурух оладиган даромадлариға тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадга яна товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, якка тартибда амалга оширилаётган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради.

Солик объектини аниқлаш мақсадида чегириб ташланиши лозим бўлган харажатлар, мажбурий тўловлар чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга солик солишининг алоҳида тартиби ўрнатилган.

Даромадга қатъий солик солиши 2005 йилда ҳам қуйидагиларга давом эттирилади:

Юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга.

Тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларга.

Қатъий соликнинг чегара ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Аниқ фаолиятларнинг турлари ва жойлашган жойига қараб Қарақалпогистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилоят хокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланади.

Қатъий солик бўйича тақдим этилган ҳисоблардан ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланса, солик объектини яшириш деб қаралади.

Жисмоний шахс бир неча фаолият тури билан<sup>^</sup> шуғулланса ҳар бир фаолиятдан соликни алоҳида - алоҳида тўлайди. Ишбилиармонлик фаолияти бўйича ижарага олинган асбоб - ускуналар ва жойларидан фойдаланилса, шу

жумладан, ишончли қоғозли транспортда, ўзлари жойлашган солиқ идораларига ижарага берувчи хақида маълумотнома тақдим этишлари шарт.

### **3. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг ставкалари ва солиқдан бериладиган имтиёзлар.**

Ўзбекистон республикаси Солиқ кодекси ва жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ бўйича қонунчиликка биноан солиқ ставкалари қўйидаги гурӯҳларга бўлинади:

жисмоний шахсларнинг иш хақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларига солинадиган дифференциал прогрессив солиқ ставкалари;

жисмоний шахсларнинг резидентларнинг диведенд ва фоиз тарзида оладиган даромадига солиқ ставкалари;

манбаида тўланадиган норезидент даромадига солиқ ставкалари;

имтиёзли солиқ ставкалари (13, 20 ва 25 фоиз).

Жисмоний шахсларнинг иш хақи, мукофотлари ва бошқа даромадларидан солиқ қўйидаги миқдорда ундирилади:

<b>Жами даромад миқдори</b>	<b>Солиқ суммаси</b>
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	Жами даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан қн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан олинган солиқ плюс беш бараваридан ошган қисмидан 21 фоиз
Энг кам иш ҳақининг қн баравари миқдоридан ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг қн баравари миқдоридан олинадиган солиқ плюс ун бараваридан ошган суммадан 30 фоиз

Солиқقا тортиш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади (йил бошидан эътиборан тегишли давр учун энг кам иш ҳақининг ойлик миқдорлари суммаси йиғиндиси).

Жисмоний шахслар-резидентларнинг дивиденdlар ва фоизлар даромадларига Солиқ Кодексига биноан озод қилинадиганларидан ташқарисига тўлов манбаида 15 фоиз миқдорида солиқ ушлаб қолиш тартиби белгиланган. Давлат қимматли қоғозлари ва депозитларидан дивиденд ва фоиз бўйича солиқ тўлаш бекор қилинган

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига

уларни тўлаш манбай чегирмасиз қуидаги миқдорларда ставкалар бўйича солик ушланиб қолинади:

дивидендлар ва фоизлар - 15 фоиз;

тавакалчиликни сугурталаш ёки қайта сугурталашга тўланган сугурта мукофотлари - 10 фоиз;

Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қилишда халқаро алоқа, телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахта) учун - 6 фоиз;

роялти, ижарадан олинадиган даромадлар хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув маслаҳат хизматлари кўрсатишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар (даромад солиғи солинадиган даромад бунга кирмайди) - 20 фоиз

Ушбу тўлов манбаида соликқа тортиш тартиби тўлов Ўзбекистон Республикаси ичида ёки унинг ташқарисида амалга оширилганидан қатъий назар, тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси заарли ва оғир шароитда ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун, шунингдек табиий - иқлим шароитлари ёмон жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар бўйича имтиёзли даромад солиғи ставкаларини белгилаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май 250-сон қарорига киритилган 1, 2 ва 3 рўйхатдаги ходимларнинг ўта заарли, ўта оғир шароитларда олган даромадларидан ушланган солик миқдори 25 фоиздан ошмаслиги кўрсатилган. Солик суммаси жами даромадларнинг 25 фоиз ставкасидан ошган қисми имтиёз тариқасида чиқариб ташланади. Оғир ва ўта оғир шароитларда ишловчи аёлларга имтиёзли 20 фоизли солик стакаси белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 декабрь 562 -сон қарори). Масалан, фуқаро М.Обидовага 69 минг сўм январь ойи учун (2003 йил) иш ҳақи ҳисобланди Бу фуқарога имтиёзли солик суммаси 13800 сўм тўлайди, яъни 69 минг сўмдан 20 фоиз. У 1704 сум имтиёзга эга бўлади Чунки имтиёзсиз унга 15504 сўм солик тўлаши зарур эди

Белгиланган қонунчилик бўйича оғир табиий шароитларда ишловчиларга иш ҳақига қўшимча суммалар, коэффициентлар (туман, тоғлик, саҳро ва сувсиз туманлар) учун кўрсатилган суммалардан солик имтиёзли энг кам ставкада (13 фоиз) ҳисобланади. Демак, бу ерда қўшимча даромадларга энг кам ягона солик ставкаси қўлланилади.

Жисмоний шахслар даромадларини соликқа тортаётганда дивиденд, фоиз даромадлари жами даромад таркибига киритилмайды, чунки улар бўйича солик алоҳида ҳисобланган бўлади.

Жисмоний шахслар даромадига соликдан имтиёзларни уч гурухга бўлиб ўрганиш мумкин:

Жисмоний шахсларнинг солик солинмайдиган даромадлари (солик солинадиган даромадга киритилмайди).

Соликдан тўлиқ озод бўладиган жисмоний шахслар.

Соликдан ҳар бир тўлиқ ой учун тўрт каррали минимал иш хақи миқдорида озод этилиш.

Соликқа тортилмайдиган жисмоний шахслар даромадлари қўйидагилардир:

а) давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларидан (шу жумладан оиланинг bemor аъзосини парваришлиш нафақаларидан) ташқари, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;

б) олинадиган алиментлар;

в) олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус ҳамда хунар техника ўқув юртлари, улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан, олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабалари ва ўқувчиларига бериладиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари таъсис этган стипендиялар;

г) хунар техника билим юртларининг ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактабларининг ўқувчилари бажарган иш учун уларга ушбу билим юртлари ва бизнес мактаблари берадиган тўловлар, Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солик қўмитасининг З январь 2003 йилги хати билан бекор қилинган;

д) давлат пенсиялари, шунингдек, уларга устамалар;

е) шахслар қон топширганлиги учун, донорларнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлиги учун оладиган суммалар, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган суммалар;

ж) майиб бўлиш ёки соғлиқни бошқа тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, боқувчисини вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

з) фуқороларнинг хорижда ишлиши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларда чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк хуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол - мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари, тадбиркорликда мулкини сотишдан ташқари;

к) фуқороларнинг ёрдамчи хўжалигига етиштирган қора мол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни тирик ва сўйиб маҳсулотларни хом ва қайта ишлаган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини, хўжаликда етиштирилган дехқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси шахсий хўжалик мавжудлиги маҳаллий ҳукуматларининг маълумотномаси билан тасдиқланади,

л) бир йил мабайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек ҳалқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қиймати;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (хуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи бундан мустасно;

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуклар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қофозлари бўйича фоизлар;

о) фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

п) бир йил мабайнида берилган моддий ёрдам:

- табиий оғатлар, бошқа фавқулотда ҳолатлар муносабати билан берилганда - тўлалигича;
- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг қн бараваригача;
- бошқа ҳолларда - 12 баравари миқдорида озод этилади;

р) депозит сертификат бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

с) фуқороларнинг иш хақи ва бошқа даромадларни давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, «Ўзуйжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй - жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўнатирилган суммалар, шунингдек, акция сотиб олишга йўналтирилган дивиденdlар, мазкур мол-улклар сотилганда илгари солик солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосда солик солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахсларнинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишидан, уларга лицензиялар сотишида, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромад суммаси:

- ихтиrolар ва селекция ютуғидан патент бўйича - 5 йилга;
- ихтиrolардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан - 3 йил давомида;
- селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича - 3 йил давомида;
- саноат намунасидан патент бўйича - 3 йил давомида;
- саноат намунасидан дастлабки патент бўйича - 2 йил давомида;
- фойдали моделдан гувоҳнома бўйича - 2 йил давомида озод этилади.

у) болалар лагерларига ва бошқа соғломлаштириш лагерлариларига, ота - оналарнинг болалари билан дам олишга махсус мқлжалланган санатория - курорт муассасаларига бориш учун болалар ва қсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларини амбулотория ва стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматидан тўлиқ ёки қисман компенсациялар тартибида юридик шахслар томонидан ўз ходимларига ёки улар учун тўланган суммалар Юқоридагилар жумласига ногиронларга соғломлаштириш ва санатория - курорт муассасаларига бериладиган йўлланмалар қиймати даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида тиклаш ва техника сотиб олиш харажатлари ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларда назарда тутилган меъёрлар доирасидаги товон тўловлари. Мехнат шартномасининг бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товон тўловлари соликдан озод этилмайди;

х) вақтингчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, башарти бундай ишлар вақтингчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари көмегида амалга ошираётган бўлса;

Даромадга соликдан тўлиқ озод этиладиган жисмоний шахслар ҳам мавжуд. Буларга қуидагилар киради:

1. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса - Ўзбекистондаги олинган манбалардан. Дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадлари озод этилмайди.

2. Дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ходимлари ва уларга ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистонда доимий яшамаса, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боклиқ бўлмаган даромадлардан ташқари барча даромадлари бўйича.

3. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса - ўз хизмат юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича.

4. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистонда доимий яшамаса - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлар бўйича.

5. Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса, шу ташкилотларда олган даромадлари бўйича.

6. Мудофаа, ички ишлар ва фавқулотда вазиятлар вазирликларнинг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, ўқув ёки синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбуrlар - хизматни ўташ муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича.

7. Гастрол концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар гастрол-концерт фаолиятида олинган даромадлари бўйича.

Даромадга солиқдан қисман, яъний ҳар ойда тўрт каррали энг кам иш ҳақи миқдорида солиқдан озод этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Улар куйидагилардир:

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари, ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматни бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контўзия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар,

2. Хизматни ҳаракатдаги армия таркибиға кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларида ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССР ни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жангвор операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутўйнлари.

3. Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1942 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқоролар.

4. Ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар.

5. Болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек 1 ва 2 гурӯҳ ногиронлари.

6. Қаҳрамон оналар, 10 ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар.

7. Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ бўлган кассалик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари.

8. Хизматни Афғонистонда ва жангвор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига

чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

9. Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатида жабр күрган шахслар.

10. Икки ва ундан ортиқ 16 ёшга тұлмаган болалари бор ёлғыз оналар.

11. Икки ва ундан ортиқ боласи бор ва бокувчисини йүқотғанлик учун пенсия олмайдиган бева аёллар ва бева әрқаклар.

12. Болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиласиган фарзанди билан бирга яшаб уни тарбиялаётган ота - онасидан бири.

13. Корхоналар, муассасалар ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар - ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича тўрт каррали минマル иш ҳаки миқдорида ҳар ойда имтиёзга эгадирлар.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларига бўлган хукуки улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганда вужудга келади.

Тўрт каррали имтиёз қишлоқ хўжалигига жалб қилингандан ташқари, жисмоний шахсларнинг олган дивиденд ва фоиз даромадлари ва ижара даромадларига ҳам тегишли бўлади.

Агар имтиёз олувчининг асосий иш жойи бўлса, имтиёз шу ерда берилади, асосий иш жойи бўлмаса солиқ идораси томонидан декларация асосида йиллик даромадга қараб берилади. Имтиёзлар олиш учун жисмоний шахслар тегишли ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

#### **4. Чет эллик жисмоний шахсларни солиқقا тортишнинг хусусиятлари.**

Чет эллик жисмоний шахс резидентлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари солиқقا тортилади.

Чет эл жисмоний шахслари Ўзбекистон Республикасида солиқقا тортилаётганда Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича бироқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларини эътиборга олиб солиқقا тортилади.

Чет эллик жисмоний шахслар норезидентлар тўлов амалга ошган жойдан қатъий назар факат Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадларидан солиқقا тортиладилар.

Солиқقا тортиш мақсадида чет эллик жисмоний шахслар - норезидентлар икки гурухга бўлинади: доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган ва доимий муассаса билан алоқаси бўлмаган норезидентлар.

Солиқقا тортиш мақсадида доимий муассаса тушунчасига Ўзбекистон Республикасида даромад топиш учун ҳар қандай юридик шахслар орқали, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ваколатлик функциясини бажарувчи орқали фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар тушунилади. Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган жисмоний шахс, норезидент доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан жисмоний шахс даромадига солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади ва бунда улар Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича чегирмалар олиш ҳуқуқига эга бўладилар

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган жисмоний шахс - норезидент даромади Ўзбекистон Республикасида олган даромадидан хеч қандай чегирмаларсиз юқорида кўрсатилган ставкаларида солиқка тортилади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар ундириш тегишли чет эл давлатида Ўзбекистон Республикасининг жисмонии шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхталиши ёки чекланиши мумкин

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятини амалга оширадиган солиқ тўловчилари ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлари ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишни назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди

## **5. Жисмоний шахсларнинг даромадга солиқини ҳисоблаш, ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва декларациялар тақдим этиш тартиби.**

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида олган меҳнат хақи даромадларидан солиқни тўлиқ тўғри ҳисоблаш жавобгарлиги юридик шахслар бухгалтериясига юклатилган.

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан олинган меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлари календар йилининг бошидан бошлаб ҳар ойда солиққа тортиладиган жами даромаддан қисиб борувчи якун билан ҳисобланади Юридик шахслар томонидан ҳамма ходимлар учун ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа даромадлардан қайднома бўйича солиқ ушланади. Ушланган солиқ суммаси иш ҳақи учун чек билан банкка мурожаат этганда тўлов топширифи билан тўлаб борилади.

Агар ой ичида вақтинча ишловчиларга фуқаро ҳуқуқий шартномалари бўйича меҳнат ҳақлари тўланган бўлса келгуси ойнинг 5-санасигача ушланган солиқларни корхона давлат бюджетига ўтказиб боришлари шарт.

Меҳнат ҳақи бўйича солиқ ҳисоблашга мисоллар келтирамиз. 1-мисол. Фуқаро Яхшиев О. га 2004 йил январ-февраль ойларида жами бўлиб 75000 сўм иш ҳақи ҳисобланди ( $37500 + 37500$ ). Шу даврда минимал иш ҳақининг якуний суммаси 10880 сўмни ( $5440 + 5440$ ) ташкил этган. Шундан 5 каррали ойига, яъни 13 фоизли солиқ ставкасига тўғри келадиган 27200 сўмни ташкил этади. 10300 сўмдан 21 фоз ставкада солиқ ҳисобланади. Январь ойи учун фуқарога 5699 сўм солиқ ҳисобланган.

Январь-февраль ойлари учун солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$7072 + (75000 - 54400) \times 21 = 11398 \text{ сўм}$$

Февраль ойи учун ҳисобланган солиқ суммаси 5699 сўмни ташкил этади ( $11398 - 5699$ )

Агар фуқаронинг йил ичида асосий иш жойи (ўқиши) ўзгарса, у янги иш жойининг бухгалтериясига аввалги иш жойидан йил бошига ишдан кетгунга қадар даврга олинган даромадлар ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома топширади.

Фуқаронинг янги иш жойи (хизмат, ўқиши)да солиқни ҳисоблаш календар йил бошидан аввалги иш жойи ва янги иш жойи (хизмат ўқиши)да олинган жами даромаддан амалга оширилади. Бу ерда тегишли имтиёзлар бўлса чиқарилади.

Агар фуқаро илгариги иш жойидан маълумотнома келтирмаган тақдирда солик максимал ставкаси бўйича ушланиб турилади. Маълумотнома тақдим этилиши билан солик қайта ҳисобланиб чиқилади.

Агар ходимнинг меҳнат мажбуриятлари бўйича аввалги иш жойидан мукофот ва бошқа даромадлар у ишдан бўшатилгандан сўнг тўланса, бу мукофот ва бошқа даромадлар тўлананаётган даврда умумий қоида бўйича имтиёзларсиз соликка тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси ва улардан ушланган солик суммаси тўғрисидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бир ойда ўзлари жойлашган жойдаги солик идораларига хабар беришлари зарур.

Асосий иш жойидан ташқарида олинган меҳнат ҳақи ва бошқа даромадлардан солик ҳисоблаш даромадлар тўланган манбада ҳар ойда календарь йилининг бошидан ошиб борувчи якун бўйича имтиёзларсиз ҳисобланади.

Агар асосий иш жойидан ташқарида меҳнат ҳақидан даромад оловчи фуқаро ўзининг даромадидан максимал ставкада солик ушлаш ҳақида шу ерда ариза берса, даромад тўловчи корхоналар солик тўловчининг аризасига биноан солик ҳисоблашлари керак.

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан ташқарида олган даромадларидан солик ушлаш уларнинг олган жами даромадлари ва ушланган солик суммаси тўғрисидаги декларацияга қараб солик идоралари томонидан солик қайта ҳисоблаб чиқилади.

Асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистондаги, шунингдек, унинг ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахс доимий жойидаги солик органига ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромад ҳақида декларация тақдим этадилар.

Чет эллик жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасига келган кундан эътиборан бир ой мобайнида мқлжалдаги даромадлар ҳақида декларация топширадилар. Уларнинг фаолияти календарь йили мобайнида тўхтаган ва у Ўзбекистондан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жқнаб кетишдан камида бир ой олдин декларация тақдим этилиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс олган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисидаги декларацияни белгиланган тартибда қуидаги муддатларда тақдим этади:

Шундай даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой ўтгандан

кейин 5 кун ичида (дастлабки) декларация;

Ҳисобот йили тугаши билан кейинги йилнинг 15 январигача (охирги), якуний декларация тақдим этадилар.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган тақдирда, солик органи солик тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисбботлар, солик ҳисоби ҳамда даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиш мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисбботлари, солик ҳисоби ҳамда жами йиллик даромад ва қилинган чегирмалар тўғрисидаги декларация қачон ва қайси давр учун топширилиши кўрсатилган бўлади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда солик тўловчи беш кун муддатда бу ҳақда солик органига ёзма равишда хабардор қиласди.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг солик тўловчи қн беш кун ичида солик органига ҳисбботлар, солик бўйича ҳисблар ҳамда даромадлар ҳақидаги декларацияни тақдим этиши шарт.

Юқоридаги хужжатлар қонунларда белгиланган шаклда ва тартибда тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига соликни тўлов манбаида ушлаб қолишини қуидаги юридик шахслар амалга ошириши шарт:

1. Ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ва фуқоролик - хуқуқий шартномалар бўйича тўловларни амалга оширувчи, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар.

2. Нодавлат пенсияларини тўловчилар;

3. Жисмоний шахсларга дивиденdlар ва фоизлар тўловчилар, банклар, акциядорлик ва хиссадорлик жамиятлари.

4. Норизидентларга, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаганларга тўловларни амалга оширувчилар.

Жисмоний шахсларнинг даромадига соликни ушлаб қолиш ва бюджетга ўз вақтида ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солик суммаси ушлаб қолинганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солик суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Манбаида ушлаб қолинган соликлар қуидаги муддатларда бюджетга тўланади:

1. Даромад тўловчи юридик шахслар томонидан ушлаб қолинган солик суммаси шу мақсадда пул маблағлари олиш учун банкка хужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади.

2. Тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солик суммаси тўлов амалга оширилган, ой тугагандан кейин беш кун ичida бюджетга ўтказилади.

Юридик шахслар жисмоний шахснинг талабига кўра унга унинг даромади суммаси ва тури, ушлаб қолинган солик суммаси кўрсатилган маълумотнома ёзиб берадилар.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисида жисмоний шахсларнинг рўйхат раками, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисбот йилида топган даромаднинг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномаси молия йили тугагандан сўнг 30 кун ичida солик идорасига тақдим этиш шарт.

Резидент жисмоний шахслар жами йиллик даромад хақидаги декларация маълумотлари бўйича қайта ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай даромад солиғи йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса, декларация солик идорасига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичida тўланади.

Қатъий ставка билан солик тўловчи тадбиркорлар учун солик ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди ва фаолият бошланмасдан олдин солик суммасини тўлаб қўйган бўлишлари шарт. Акс ҳолда уларга фаолият юритиш учун рухсатнома берилмайди.

## **6. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг қатъий белгиланган солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.**

Белгиланган солиқни жорий этилиши солиқ тўловчилар ва солиқ объекти. Белгиланган солиқ юридик шахс бўмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун белгиланган даромад миқдорига (солиқ тўловчининг олиши мумкин бўлган ялпи даромадига) қараб жисмоний кўрсаткичлар бирлигига қараб ҳисобланади.

Бу солиқ умумдавлат солиқлари, шунингдек, маҳаллий давлат хокимияти органлари томонидан киритиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига тўланади. Жисмоний шахс тадбиркор мол-мулки ва ери бўлса уларнинг солиқларини тўлайверади. Аммо белгиланган солиқ тўловчилар учун қўйидагиларни тўлаш тартиби сақланиб қолинади:

- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик мақсадида товарларни четдан олиб киргандаги ягона божхона тўлови,
- давлат божи,
- савдо хуқуқи йиғими, шу жумладан алоҳида товарлар сотиш хуқуқи учун лицензия йигами.
- давлат мақсадли фонdlарига ажратмалар,
- лицензия йиғими
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими.

Белгиланган солиқ тўловчиларига солиқقا тортишнинг бошқа тизимини танлашга хуқуқ берилмаган.

Белгиланган солиқ тўловчилари қўйидаги сфераларда тадбиркорлик фаолият кўрсатувчи жисмоний шахслар ҳисобланади:

- сартарошлик хизматлари, шу жумладан маникюр, педикюр, косметик хизматлар билан;
- турғун савдо шахобчаларида чакана савдо билан шуғулланиш ва донабай маҳсулотлар (сомса, кабоб ва.б) бўйича умумий овқатланиш;
- ўйин автоматлари шу жумладан, ютуқли қўйинлар;
- майший хизматлар;
- ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш;
- автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни ташиш хизматлари;
- бошқа фаолият турлари, ижара билан бирга.

Белгиланган солиқ обьекти бўлиб даромад олиш билан боғлиқ бўлган аниқ фаолият турини кўрсатувчи жисмоний кўрсаткичлар ҳисобланади.

Буларга: кўйилган буюмлар сони, ўтказиш ўринлари сони, умумий фойдаландиган майдон ижарага олинганини қўшиб киради.

Чакана савдодан турғун шахобчалар орқали бўлса солиққа тортиш обьекти бўлиб эгаллаган майдон ҳисобланади.

Белгиланган қатъий солиқни ставкаси, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Белгиланган солиқнинг базавий ставкаси, жисмоний кўрсаткичлар, ҳамда ўзгартириладиган коэффициентларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. (Вазирлар Маҳкамасининг 455-сон қарорининг 9-10 сон иловалари).

Белгиланган солиқнинг аниқ ставкаси миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан белгиланади. Бунда савдо ташкилотининг жойлашган жойи эътиборга олинади.

Белгиланган солиқ миқдори жисмоний кўрсаткичлар (жиҳозланган ўрин, эгалланган майдон миқдори) ва базавий ставкаларга қараб аниқланади.

Белгиланган солиқ суммаси қўйидаги шакл билан ҳисобланади:

### **Белгиланган солиқ суммаси = ЖкхС.**

Бу ерда:

**Жк** - жисмоний кўрсаткичлар;

**С** - белгиланган солиқнинг маҳаллий ҳокимиятлар томонидан белгиланган аниқ ставкаси.

Тошкент шаҳрида бир ой учун солиқ ҳисобини (шартли равишда тузамиз). Жисмоний шахс тадбиркор озиқ - овқат сотиши билан шуғулланади, турғун савдо шахобчалари орқали. Эгаллаган майдон 20 кв. метр. Тошкент шаҳри ҳокими томонидан аниқ белгиланган солиқ ставкаси 10 кв. метрга етти минимал иш ҳақи миқдорида: 10 кв. метрдан ортиқ қисмига 0,7 минимал иш ҳақи миқдорида.

1. Эгаллаган майдон 20 кв. метр

2. Минимал иш ҳақи 4535 сўм

3. 10 кв. метр учун белгиланган солиқ суммаси ( $4535 \times 7$  мин. иш ҳақи)  
31745 сўм

4. ҳар бир қўшимча кв. метр учун ( $4535 \times 10 \times 0,7$ ) 31745 сўм

5. Умумий майдон учун ҳисобланган солиқ суммаси 63490 сўм

Белгиланган солиқ суммаси жисмоний шахслар томонидан ҳисобот ойдан аввал, ҳар ойда солиқ идорасининг ёзиб берган тўлов хабарномаси асосида тўлаб борилади.

Бу солиқ суммаси маҳаллий бюджетга тушади.

Тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган жисмоний шахслар фаолият бошланишидан олдин белгиланган солиқ ҳисобини тузадилар ва солиқ идораларининг хабарномалари асосида тўлайдилар

Юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга Солиқ Кодексида белгиланган жами даромад ва ундан чегирмалар тартиби жорий этилмайди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хохлаган жисмоний шахслар, юқорида кўрсатилган фаолиятлар бўйича солиқ идораларида ҳисобга ўтиши, рўйхатдан ўтиши зарур. Бунинг учун улар солиқ идорасига ариза билан мурожат этадилар. Солиқ идораси уни шу куни рўйхатдан ўтказиши шарт. Ҳозирги кунларда аризадан ташқари, товаларки келиб чиқиш жойини кўрсатувчи хужжатлар (божхона юк декларацияси ва импорт солиқларини тўлаганлиги тўғрисида хужжатлар, улгуржи савдо ташкилотларидан товарлар сотиб олганлига тўғрисида хужжатлар) тақдим этилади Шулар асосида тадбиркорлар даромадлар ва товар операциялари ҳисобини юритиш реестрларини тузадилар, яъни китоб ва касса дафтарлари бўлиши шарт.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва бозорлар орқали амалга ошириш тартиби. Юридик шахс бўлмасдан якка тадбиркорлик томонидан чакана савдони амалга ошириш. Якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар чакана савдони амалга ошириш хуқуқига рухсат гувоҳномасини олган тақдирда шуғулланиши мумкин. Рухсат гувоҳномаси олиши учун тадбиркорлар турғун савдо шахобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қўйидаги хужжатларни тақдим этишлари зарур:

1. Тадбиркор чакана сотишни мўлжаллаётган товарлар гурухлари кўрсатилган ариза;
2. Жисмоний шахснинг якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
3. Тадбиркорда чакана савдо фаолиятини амалга ошириш учун моддий техника базанинг мавжудлигининг тасдиқловчи хужжатлар нусхалари;

4. Назорат касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида солик идорасининг маълумотномаси;

5. Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йифим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

Рухсат гувоҳномаси тадбиркор томонидан чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, якка тадбиркорликни солиқса тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтирилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади.

Рухсат гувоҳномасида ушбу гувоҳнома билан чакана савдо қилишга рухсат берилган товарлар туркумлари мажбурий тартибда кўрсатилиши керак Гувоҳнома аризада кўрсатилган муддатга лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган даврга берилади.

Савдо қоидалари бузилса солик идорасининг тақдимномасига биноан гувоҳнома олиб қўйилади.

Савдо айланмаси бир ҳафта ичидаги мавжуд бўлмаса, нақд пулни инкассация қилиш қоидалари бузилса, ДСИ тақдимномасига биноан гувоҳнома олиб қўйилади.

Чакана савдони турғун савдо тормоқлари орқали сотишда товарларни савдо шахобчаларидан ташқарида, шу жумладан дўкончалар орқали сотишга йўл қўйилмайди.

Чакана савдони амалга оширувчи тадбиркор:

1. Товарларни сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга;

2. Сотилаётган товарларни мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт;

3. Товарлар витриналарга қўйилган бўлиши, келиб чиқсан мамлакати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи нархномаларда кўрсатилган бўлиши шарт.

Якка тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва буюм бозорларида амалга ошириш тартиби. Юридик шахс бўлмасдан якка тадбиркорлик билан шуғулланувчилар буюм бозордларида чакана савдони фақат қуидаги ҳолатларда амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

- ўзлари келтирган импорт товарлар,
- ўзлари тайёрлаган товарлар,
- бошқа тадбиркорлардан сотиб олинган товарлар.

Буюм бозорида чакана савдони амалга ошироқчи бўлган тадбиркор рухсат гувоҳномаси олиш учун буюм бозори жойлашган туман (шаҳар) ҳокимлигига қуидагиларни тақдим этади:

1. Чакана савдода сотишни мқолжаллаётган товарлар гурӯҳи кўрсатилган ариза.
2. Тадбиркорнинг жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
3. Буюм бозори маъмуриятидан тадбиркорга савдо жойи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома,
4. Чакана савдо ҳуқуқига маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати нусхаси.

Рухсат гувоҳномаси тадбиркор томонидан чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, тадбиркорликни солиқقا тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтирилган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби, қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равища тасдиқлангандан сўнг берилади. Гувоҳномада сотишга рухсат берилган товарлар гурӯҳлари мажбурий тартибда кўрсатилади.

Рухсат гувоҳномаси аризада кўрсатилган муддатга, лекин уч ойдан ортиқ бўлмаган даврга берилади. Буюм бозорларида товарларни чакана сотиш тадбиркорлар томонидан назорат касса машиналар қўлламасдан даромадлар ҳисобини мажбурий равища юритган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Буюм бозорларида чакана савдони амалга оширувчи тадбиркорларни солиқقا тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Кимлар жисмоний шахслар даромадига солигини тўловчилар бўлади?
2. Солик объекти ва жами даромадга нималар киради?
3. Жисмоний шахслар даромадларига қандай солик ставкалари мавжуд?
4. Жисмоний шахслар даромадига соликдан қандай имитиёзлар бор?
5. Кимлар даромадга соликдан тўлиқ озод этилади ва кимларга 4 каррали минимал иш ҳақида имтиёз берилади?
6. Чет эллик жисмоний шахсларни соликка тортишнинг қандай хусусиятлари бор?
7. Жисмоний шахслар даромадига солик кимлар томонидан ва нималар асосида ҳисобланади?
8. Жисмоний шахсларнинг даромадига соликни тўлов манбаида кимлар ушлаб қоладилар?
9. Жисмоний шахслар даромадига соликни тўлаш муддатлари қандай?
10. Қатъий ставкада солик тўловчи жисмоний шахсларга кимлар киради?
11. Қатъий ставкадаги солик қандай ҳисобланади?
12. Турғун савдо шахобчаларида савдо қилувчиларни рўйхатга олиш тартиби қандай?
13. Буюм бозорларида савдо қилувчи тадбиркорларни рўйхатга олишда қандай ҳужжатлар талаб этилади.

## **14-мавзу: Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи (4 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи объектини белгилашда соликқа тортиладиган базага киритиладиган мулкларни қайта баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш;

солик бўйича белгиланган солик ставкасини мулкчилик шаклларига нисбатан табақалаштириш;

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг тўлаш муддатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни мақбуллаштириш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

инфратузилма объектлар, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, солик обьекти, солик тўловчилар, солик ставкаси, солик бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 3,4,6,9,11,12,15,21

Қўшимча адабиётлар: 27,28,30,33

## **1. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг иқтисодий моҳияти.**

Корхоналар ихтиёридаги ижтимоий соҳа объектларини босқичма-босқич давлат тасарруфига ўтказиш. Бу солиқни тўловчилари бўлиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар, шу жумладан, чет эл инвестицияси билан тузилганлар ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар таркибига тадбиркорлик билан шуғулланмайдиган нотижорат ташкилотлари, ягона солиқ тўловчилар, ягона ер солиги тўловчилари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ҳукумат қарори билан ҳамма солиқлардан озод бўлганлар кирмайди

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи обьекти бўлиб ҳамма солиқларни тўлаб бўлгандан сўнг корхонада қолган соф фойда ҳисобланади.

У фойда корхонанинг молиявий якуни ҳисботига соликқа тортилгунга қадар фойдадан (170 сатр) чегириб ташлаб аниқланади.

Шу соф фойдадан 2003 йилдан бошлаб саккиз фоиз миқдорида солиқ ҳисобланиб келинмоқда.

Агар корхона молиявий ҳисботнинг 170 сатрида зарар кўрган бўлса, корхона бу солиқдан озод бўлади.

Ҳар чорак ичидағи ойларда корхоналар жорий тўлов тўлайдилар. Бу тўлов суммасини аниқлаш учун аввалги чорақдаги ҳақиқий ҳисобланган суммадан келиб чиқиб тўланади. Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирмай чорақлик солиқ суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлаб борилади.

Солиқ ҳисоби солиқ идораларига чорақлик ва йиллик молиявий ҳисботлар топширилган кундан кечиктирмай топширилади. Солиқ ҳисоби ҳақиқий ахволдан келиб чиқиб тўзилиб натижа аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида" 453-сон ва 2001 йил 31 декабрдаги "Асосий мақроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва 2002 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида" 490-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда бюджетга тўлаш механизмини белгилайди.

Йўриқнома солиқ солишнинг алоҳида тартиби белгиланган юридик шахсларнинг айрим тоифаларига татбиқ этилмайди.

Бунда, агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби белгиланган юридик шахслар асосий фаолият тури билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар, улар ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва бюджетга инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни тўлашлари лозим.

Фаолиятнинг асосий тури бўйича ялпи даромад солигини тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига, грамм-пластинкалар, аудио ва видеокассеталар, лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналарга;

ягона ер солигини тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига;

катъий солиқ тўлаш белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг турларинигина амалга оширувчи юридик шахсларга.

## **2. Солиқ тўловчилари, объекти ва солиқ бўйича берилган имтиёзлар.**

Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахслар инфратузилмани ривожлантириш солигини тўловчи ҳисобланадилар.

Барча солиқлар, йигимлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (даромад) - соф фойда (даромад) (2-сон "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" шаклининг 170-сатри - 180-сатри) инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ солиш обьекти ҳисобланади. Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган ҳисобот шаклининг 190-сатрида акс эттирилади.

Инфратузилмани ривожлантириш солигининг энг юқори ставкаси солиқ солиш обьектининг 8 фоизи миқдорида белгиланган.

Ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма обьектларини (соғлиқни сақлаш, болаларнинг мактабгача таълим-тарбия муассасалари ва умумий таълим мактабларини) тутиб турмайдиган барча корхоналар учун солиқ ставкаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилма обьектларини бюджет маблағлари ҳисобига молиялашга босқичма-босқич ўтишни амалга ошираётган корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга қарашли ижтимоий соҳа обьектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўtkазиш тўғрисида" 453-сон қарорининг 1-3-сон иловаларига кўра, инфратузилмани ривожлантириш солиги қўйидаги тартибда тўланади:

- бюджет маблағлари ҳисобига молиялашнинг ҳиссаси харажатларнинг умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоизни ташкил этган тақдирда, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига топширилаётган обьектлар бутунлай бюджет маблағлари ҳисобига молияланадиган бўлса, инфратузилмани ривожлантириш солиги ставкаси бундай корхоналар учун мазкур минтаقا учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;
- давлат маблағлари ҳисобига молиялашнинг ҳиссаси харажатлар умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоиздан камни ташкил этган тақдирда, яъни харажатларнинг бир қисми корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига молияланса, тўловчилар учун топшириладиган ижтимоий обьектларни улушбай молиялаш миқдорига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар белгиланади.

Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун қуидагиларни белгилаб олиш лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида" 453-сон қарорининг 1-3-сон иловаларига биноан, бюджетдан молиялашнинг ҳиссасидан келиб чиқиб, топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари суммасини;

б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатларини амалга оширувчи корхоналар учун солик солиш базасини, у қуидаги формулага кўра белгиланади:

**Сф+Хис+C,**

бу ерда:

Сф - барча солиқлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда);

Хис - ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳани тутиб туриш харажатлари;

C - даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоб қилинган суммаси, у даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкасидан ва ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади (Хис x даромад (фойда) солиғи ставкаси: 100);

в) мазкур банднинг "б" кичик бандига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган солик солиш базасидан келиб чиқиб мазкур минтақа учун белгиланган ставка бўйича инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасини.

Агар харажатлар суммаси (мазкур банднинг "а" кичик банди) инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан (мазкур банднинг "в" кичик банди) ошиб кетса, корхона инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

Агар харажатлар суммаси (мазкур банднинг "а" кичик банди) инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан (мазкур банднинг "в" кичик банди) кам бўлса, корхона инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставка бўйича ҳисобланган инфратузилмани ривожлантириш солиғининг суммаси билан ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида белгилайди.

### **3. Солиқни ҳисоблаш усуллари ва бюджетта түлаш тартиби.**

Чорак давомида барча түловчилар инфратузилмани ривожлантириш солиғининг бюджетта жорий түловларини амалга оширадилар. Жорий түловларни ҳисоблаш ва түлаш учун солиқ түловчилар аввалги чорак учун ҳисоб-китоб бўйича ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган инфратузилмани ривожлантириш солиги суммасидан келиб чиқадилар.

Жорий түловлар ҳар бир ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, солиқ чораклик суммасининг учдан бир қисми ҳажмида амалга оширилади.

Инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича ҳисоб-китоблар давлат солиқ хизмати органларига ҳақиқатда шаклланган солиқ солиш базасидан келиб чиқиб, мазкур Йўриқнома иловасига кўра шаклда қсиб борувчи якун билан, чораклик ва йиллик молиявий ҳисботларни топшириш муддатларида тақдим этилади.

Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган инфратузилмани ривожлантириш солиги суммасини түловчилар бюджетта чораклик ва йиллик молиявий ҳисботларни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун давомида тўлайдилар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисоби бюджетта түловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварафи бўйича юритилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ бюджетта түловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварафи кредити ва соликлар ҳамда йифимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварафи дебети бўйича акс эттирилади.

Ўтказилган солиқ суммалари бюджетта түловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварафи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварафи кредити бўйича акс эттирилади.

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиги маҳаллий бюджетта тўланади.

Йўриқномани бузганлик учун инфратузилмани ривожлантириш солиғини түловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Йўриқномага риоя этилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юкланди.

**Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

<b>N</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b>
1.	Бюджетдан молиялашнинг белгиланган ҳиссасидан келиб чиқиб, топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб турish харажатлари.	
2.	Солиқ солинадиган база – жами  Шу жумладан:  а) барча соликлар тўлангандан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган фойда  б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини тутиб турish харажатлари (1- сатр)  в) белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган фойда солиғининг ҳисоб- китоб қилинган суммаси (6- сатр. x солик ставкаси) : 100 1	
3.	Белгиланган солиқ ставкаси (% да)	
4.	Белгиланган ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси (2- сатр.x 3- сатр.)	
5.	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (сатр.4 - сатр.1)	
6.	Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	
8.	Қўшимча қилиб ёзишга	
9.	Камайтиришга	

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий этилишидан мақсад нима?
2. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўловчилари кимлар?
3. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғини ставкалари қандай белгиланади ва соликқа тортиладиган объект қандай аниқланади?
4. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?
5. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг тўғри ҳисобланиши устидан кимлар назорат қиладилар?

## **15-мавзу: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (4 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

солиқقا тортиш мақсадида сув ресурсларининг манбаларидан фойдаланишни асосий мезонлар орқали табақалаш муаммоси;

фойдаланилган сув ҳажмини белгилашда юридик шахслар фаолиятидан келиб чиқкан ҳолда аниқлаш услубиятини жорий этиш;

бошқа туман ва шаҳарларда сув таъминоти манбаларига эга бўлган юридик шахслар ҳисобини юритиш муаммоси;

солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимиға ўтмаган ва ер участкалариға эга бўлган қўплаб кичик корхоналарнинг фойдаланаётган сув ресурсларини солиқка тортиш муаммоси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

сув ресурслари, ер ости ва ер усти сувлари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ объекти, солиқ тўловчилар, солиқ ставкаси, солиқ бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 3,5,8,10,11,20,21

Қўшимча адабиётлар: 23,25,26,27,33

## **1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг иқтисодий моҳияти ва уни жорий этиш сабаблари.**

Сув мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисобланиб, ундан самарали фойдаланиш ҳақида президентимиз ўз нутӯларида бир неча бор тақрорлаганлар.

Сувдан фойдаланишни имконият даражасида тежаш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиги киритилган. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги тўловчилари бўлиб, ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳисобланади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг солик солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчиларнинг айrim тоифаларига татбиқ этилмайди.

Бунда, агар солик солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчилар асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб олиб боришилари ва шу фаолиятда фойдаланиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўлашлари керак. Ер ости ва ер усти манбаларидан ишлаб чиқариш ва техниковий мақсадларда фойдаланишга олинган сув ресурслари ҳажми, яъни юридик шахслар томонидан фойдаланилган сув ресурларининг жами ҳажми, истеъмол характеристири ва мақсадларидан қатъий назар соликка тортилади..

Ер усти манбаларига дарёлар, кўллар, сув омборлари, ариклар ва бошқа ер усти манбалари киради.

Ер ости манбаларига: артезиан қудуқлари ва скважиналари, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари киради.

## **2. Солиқ обьекти, солиқ ставкалари, уни табақалаштириш мезонлари.**

### **Солиқни ҳисоблаш тартиби.**

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, дехқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

Сувдан фойдаланиш жойида юридик шахслар, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъи назар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб берувчи юридик шахслар ўз фаолиятида ишлатиладиган сув учунгина солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш обьекти ҳисобланади.

Ер усти манбаларига киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер юзасидаги бошқа ҳавзалар ва сув манбалари, турли хил канал ва ҳовузлар.

Ер ости манбаларига киради: артезиан қудуқлар ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовур тармоғи.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланадиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан қўйидаги юридик шахслар озод этилади:

а) нотижорат ташкилотлари, ана шу фаолиятда ишлатилган сув ҳажмидан келиб чиқиб, сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчилардан ташқари.

Солиқ солиши мақсадида нотижорат ташкилотлари деганда қуидагилар тушунилади:

- факат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплаш учун белгиланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;
- хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида таъкидланган бошқа мақсадлар учун барпо этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлашлар бундан мустасно);

б) ер ости минерал сувларидан даволаш мақсадларида фойдаланадиган соғлиқни сақлаш муассасалари, улар минерал сувлардан савдо тармоғида сотиш учун фойдаланадиган ҳоллар бундан мустасно;

в) фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган ва сувдан доривор воситалар тайёрлашда фойдаланадиганлар;

г) атроф мухитга зарарли таъсири олдини олиш мақсадида чиқариб ташланадиган ер ости сувлари учун (ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув ҳажмларидан ташқари). Масалан, сизот сувларнинг сатхини пасайтириш мақсадида чиқариб ташланадиган зовур сувлари;

д) унинг учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

е) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан йўл-йўлакай ва шахтадан сувни чиқариб ташлаш учун олинган ер ости сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган сув ҳажмларидан ташқари;

ж) агрегатлар ишлиши учун сувдан фойдаланганлик учун гидроэлектростанциялар;

з) бирламчи фойдаланганлик учун ҳақ тўланган сувдан иккиламчи фойдаланувчилар (масалан, суғориш учун коллектор-зовур тармоғидаги сувдан фойдаланиш);

и) фаолиятнинг асосий тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти

етиширувчилар шўрланган ерларни сугоришга сувдан фойдаланганлик учун. Мазкур имтиёз ёрдамчи қишлоқ хўжалигига эга юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади;

к) умумий ишловчиларининг камидаги эллик фоизи ногиронлар бўлган, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлганлари, савдо-сотик, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари;

л) бўшатиб олинадиган маблағлар улар томонидан моддий-техник базани мустаҳкамлашга, ускуналар, анжомлар, дидактик материаллар, болалар қўйинчоқлари ва китобларини харид қилишга сарфланиши шарти билан нодавлат мактабгача таълим муассасалари рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга.

9. Солик тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига кўра тақдим этилган солик имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

### **3. Ҳисобланган солиқни бюджетга тўлаш тартиби ва бухгалтерия ҳисобварақаларида акс эттириш.**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан, дехқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва ташкил этмайдиган)дан ташқари, тасдиқланган ставкалар бўйича амалда олинган солиқقا тортиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Дехқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умуман хўжалик бўйича ўтган йилда 1 га суғориладиган ерга сарфланган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар:

- юридик шахслар (дехқон хўжаликларидан ташқари) томонидан йил бошидан қсиб борувчи якун билан амалга оширилади ва давлат солиқ хизмати органларига чорак ва йиллик молиявий ҳисботларни топшириш муддати учун белгиланган муддатларда Йўриқномага илова қилинган шаклда тақдим этилади;
- жисмоний шахслар (дехқон хўжаликларидан ташқари) томонидан мустақил амалга оширилади ва давлат солиқ хизмати органларига шу солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда (ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 15 кунигача) мазкур Йўриқномага илова қилинган шаклда тақдим этилади.

Дехқон хўжаликларига (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тўғрисида тўлов хабарномалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай тақдим этилади.

Сувни марказлаштирилган водопровод тармоғидан оладиган юридик шахслар "Оқавасув" тизими корхоналари билан солиштириш жараёнида олинган сув ҳажмини аниқлаштириш чоғида сув ҳажмидаги фарқни солиштириш амалга оширилган давр учун ҳисоб-китобларда акс эттирадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўланади:

- юридик шахслар (дехқон хўжаликларидан ташқари) томонидан - ҳар ойда, ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 15-кунигача;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан (дехқон хўжаликларидан ташқари) - ҳар чоракда, ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача.

Чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғининг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган юридик шахслар солиқни чоракда бир маротаба, чораклик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар.

Солиқ тўловчилар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) жорий йилнинг 15 январига қадар сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чоракда тўлашлари тўғрисида билдирувнома юборадилар.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни йилда бир марта - ҳисбот йилининг 15 декабряга қадар тўлайдилар.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа юридик ва жисмоний шахслар фойдаланган сув ҳажмини олинган сувнинг умумий ҳажмидан чиқариб ташлайдилар, бунда 1 гектар суғориладиган ерни суғоришга сув сарфининг умуман хўжалик бўйича ўртача миқдоридан келиб чиқилади (бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг суғориладиган ерлари ҳам киради).

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, солиқлар, йиғимларнинг бошқа турлари бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризаси бўйича ўттиз кун ичida қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига эътиборга олинади.

Сув ер ости ва юзадаги манбалардан келиб тушадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилганда солиқ манбалар бўйича белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади. Шаҳар ва туманларнинг давлат солиқ хизмати органлари сув етказиб берувчи корхоналардан водопровод тармоғига юзадаги ва ер ости манбаларидан келиб тушадиган сув ҳажмлари нисбати тўғрисидаги маълумотларни олишлари ва мазкур маълумотларни солиқ тўловчиларга етказишлари керак.

Балиқ хўжаликлари сувни маълум сув манбасидан (канал, дарё) оладиган ва сувни ана шу сув манбаига ташлайдиган ҳолларда, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан бериладиган маълумотнома асосида олинган сув ҳажмидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш пайтида ана шу манбага ташланадиган сувнинг ҳажми чиқариб ташланади.

Балиқ хўжаликлари томонидан олинган сув коллектор-зовур тармоғига ташланган тақдирда солиқ бутун олинган сув ҳажми учун тўланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бинолар бир қисми, айрим хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага топширилганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни "Сувоқава" тизими корхоналари ёки сув хўжалиги органлари ёхуд бошқа корхоналар билан сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ижарага берувчилар тўлайдилар.

Бино (хона)ни ижарага олган ва ўзлари сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равишда тўлайдилар.

Амалдаги корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида таъмирлаш-курилиш ва бошқа ишларни бажарадиган юридик шахслар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайдилар. Таъмирлаш-курилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни улар учун ушбу ишлар бажариладиган корхона ва ташкилотлар тўлайдилар. Янги қурилиш майдончасида қурилиш ишларини бажариш чоғида қурилиш пайтида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни қурилиш ташкилоти тўлайди.

Мулкчилик ва бўйсуниш шаклидан қатъи назар иссиқ сув ва буғ узатувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни улар томонидан юзадаги ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатилган сув ресурслари ҳажми учун тўлайдилар.

Солиқни ҳисобга олиш тартиби.

Юридик шахсларнинг бюджет билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қўйидагича акс эттирилади:

давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қўйидагича акс эттирилади:

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органлари ёки судга шикоят қилиш хукуқига эгалар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасининг**

#### **ХИСОБ-КИТОБИ**

#### **200\_ йил \_-чорак учун**

	Хажм					
	Юзадаги манбалар		Ер ости манбалари		Жами	
	Йил боши дан	Хисо бот чораги учун	Йил боши дан	Хисо бот чораги учун	Йил боши дан	Хисо бот чораги учун
1. Ҳисобот даври учун олинган сувнинг умумий ҳажми куб. м		460000		200000		660000
2. Солиқ солинадиган базадан чиқариладиган сув ҳамжи куб. м		10000		-		10000
3. Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган сув ҳажми (1-сатр 2- сатр) куб. м		450000		200000		650000
4. 1 куб. м, учун солиқ ставкалари, тийин		490,4		630,8		X
5. Ҳисобот даври учун тўланадиган солиқ суммаси сум		2206800		1261600		3468400
6. Ҳисобот даври учун бюджетга олдин тўланган солиқ суммаси		600000		400000		1000000
7. Ҳисобот даври учун тўланиши керак		1606800		861600		2468400

## **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан мақсад нимада?
2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари кимлар ҳисобланади?
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бюджет даромадларидағи ҳиссаси қандай?
4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкалари қандай ва солиққа тортиладиган объект нима?
5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?

## **16-мавзу: Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ (4 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкаларини фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, уларнинг қанча чуқурликда жойлашганлиги ва тозалиги, қазиб олишнинг рентабеллигига таъсир кўрсатадиган бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб белгилаш;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг объектини белгилашда уларни ишлатиш соҳасига қараб гурухларга ажратиш муаммоси;

ер ости бойликларидан фойдаланаётган корхоналар зиммасига тўланаётган солиқлар суммасини пропорционал ҳолатда тақсимлаш муаммоси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

ер ости қазилма ресурслар, техноген ҳосилалар, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ объекти, солиқ ставкаси, солиқ бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 4,5,8,10,11,15,21

Қўшимча адабиётлар: 14,16,28,30,31,33

## **1. «Ер ости» тушунчаси, солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объекти.**

Солиққа тортиш мақсадида «ер ости» тушунчасига ер қаърининг тупроқ қисмидан паста жойлашган қисми тушунилади. Ер қаъри бўлмаган жойларда сув юзасидан паст қисми ва геологик изланув ёки эгаллаш имкониятига эга бўлган сув хавзалари ёки оқимларининг таги (туби) ҳисобланади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар (105 м). Бу солиқни ягона солиқ тўловчи кичик бизнес корхоналари, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда савдо ва умумий овқатланиш ва грампластинкалар, кассеталар ва дискеталар сотувчи корхоналар ва қатъий ставкада солиқ тўловчи юридик шахслар ҳам тўламайдилар.

Агар таркибида рангли, нодир, қора металлар ва бошқа минерал хом ашёни қазиб оловчи корхона уни қайта ишлашга иккинчи корхонага берса, солиқ тўловчи бўлиб тайёр маҳсулотни сотувчи корхона ҳисобланади. Масалан, мис қазиб олучи корхона рудани Олмалиқ кон - металлургия комбинатига берди. Комбинат тайёр маҳсулот қилиб сотади. Бу ерда комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади. Агар қазиб олинган рудани Республикадан ташқарига ортса солиқ тўловчи бўлиб руда қазиб олган корхона ҳисобланади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ объектига кўйидагилар киради:

фойдали қазилмалар (шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми;

техноген ҳосилаларнинг (минерал хом ашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларнинг) ҳажми;

тўпланган рангли тошлар, полеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материалларини ҳисобга олинган қийматидир. Булар ичida асосийси фойдали қазилмалар бўлиб энергия берувчилар (газ, нефть, кқмир ва б.) рангли ва ноёб металлар, нодир металлар (олтин, кумуш), темир, тоф-кимё маҳсулотлари ва бошқалар киради.

## **2. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари, соликдан имтиёзлар.**

Солиқ объектларининг турлари ва солиқ ставкаларини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси янги йил бюджетини тасдиқлаётганда белгилаб, Олий Мажлис мухокамасидан ўтказади.

2005 йил учун белгиланган солиқ ставкалари:

фойдали қазилмалар ҳажмига нисбатан фоизларда белгиланган. Албатта бу ерда ҳажм қиймати чиқарилади.

2003 йилдан бошлаб фойдали қазилмалар таркибиغا хом ашё ишлаб чиқариш учун қўлланадиган базалт киритилди;

техноген ҳосилларидан фойдаланганлик хуқуқи учун эса асосий қазилма бойлик ставкасига нисбатан 30 фоиз қилиб белгиланган;

рангли тошлар, полеонтология қолдиқлари йиғиши учун эса уларнинг ҳисобланган қийматидан 5 фоиз қилиб белгиланган.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан қўйидагилар озод этилади:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи шахслар;

геология, минерология ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий худудларда илмий ишлар олиб борувчи шахслар;

кенг тарўалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ўзларига берилган ер участкалари доирасида хўжалик ва майший эҳтиёжлар учун белгиланган тартибда амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар;

юридик шахслар балансида бўлган ва улар томонидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларга ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ солинмайди.

### **3. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобини тузиш ва тўлаш тартиби.**

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар солиқ ҳисобини қисиб борувчи якун билан мустақил ҳисоблайдилар ва ўзлари жойлашган худуддаги солиқ идораларига молиявий ҳисоботлар топшириш учун белгиланган муддатда топширадилар.

Солиқ ҳисоби фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун йилнинг ҳар чораги ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

Кенг тарўалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир маротаба, кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай солиқ ҳисобини тақдим этадилар ва тўлайдилар.

Солиқни тўлаш муддатлари:

фойдали қазилмалар қазиб олиш ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун ҳар ойда ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 20 кунигача тўлайдилар;

қолган ҳолатларда йилнинг ҳар чорагида чораклик ва йиллик ҳисоботлар топшириш муддатида тўланади.

Чораклик ва йиллик муддатлар тугаши билан солиқ ҳисоби тузилади.

2005 йилда ҳам ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш механизми, ҳамда солиқ ставкаси 2004 йил даражасида сақланиб қолинди.

Мисол учун «А» корхонанинг 2005 йил 1 - чорак учун ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобини кўриб ўтамиш:

**2005 йил 1 - чорак учун ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун  
солиқ ҳисоби**

Ер остидан фойдаланиш турлари	қазиб олиш ҳажми т. м3		Қиймати м.сўм	Солиқ ставкаси %, сўм	Солиқ суммаси м.сўм		Бўнак тўлови суммаси	Тўлани ши керак м.сўм
	Йил бошида н	ҳисобот чораги учун			Йил бошидан	ҳисобот чораги учун		
Нефть	600	600	60000	12,3	7380	7380	7000	380
Кўмир	500	500	50000	3,8	1900	1900	1500	400
Жами					9280	9280	8500	780

**Ўз-ўзини назорат қилиш саволлар:**

1. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан мақсад нимада?
2. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бюджет даромадларидағи хиссаси қандай?
3. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўловчилари кимлар?
4. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкалари ва солиққа тортиладиган объект қандай аниқланади?
5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?

## **17-мавзу: Экология солиғи (4 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

солиққа тортиладиган базага киритиладиган харажатлар элементларини икки марта базага қўшиш жараёнини бартараф этиш;

экологияга кўрсатаётган салбий оқибатларидан келиб чиқиб, солик ставкаларини табақалаш;

солик объекти ҳозирда маҳсулот таннархи ва муомала харажатларига қаратилган бўлиб, уни ҳисоблаш қийинчиликларни ва соликдан қочиш имкониятларини кўпайтиради, шу мақсадда солик объектини белгилашнинг янги мезонини яратиш.

### **Таянч сўз ва иборалари**

экология, экология солиғи, ишлаб чиқариш (муомала) харажатлари, солик объекти, солик тўловчилар, солик ставкаси, солик бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 4,6,9,10,11,15,21

Қўшимча адабиётлар: 27,29,31,32,33

## **1. Экология солиғининг иқтисодий моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.**

Фан-техника тараўқиётининг тобора кенгайиб бораётган кқлламлари, бир томондан жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун катта имкониятларни яратса, иккинчи томондан табий заҳирлардан янада интенсив фойдаланишга олиб келади, атроф мұхитта салбий таъсир ўтказилишини кучайтиради. Шу боис табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф мұхитини сақлаш ва яхшилаш чора-тадбирларини фаол амалга ошириш зарурияти кескин қўйилмоқда. Ушбу вазифаларни ҳал этиш одамлар саломатлигини мухофаза қилиш билан узвий боғлиқdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55- моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, қсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий заҳиралар умумий бойлиқdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир», - дейилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мазкур масалага таалуқли бир қатор ва қарорлар қабул қилинди. «Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги қонунинг 1-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида табиатни мухофаза қилиш ва табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш масалалариға муносабат ушбу қонун, шунингдек ер, сув, ўрмон ҳақидаги қонунлар, ер, ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини қсимлик ва ҳайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикасидаги бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Ер, ер ости бойликлари, сув, қсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, нооқилона фойдаланишдан мухофаза қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон худдуудида давлат қўриқхоналари, миллий тарихий, табиий ва меморатив парклар, табиат ёдигорликлари, батаника ва ҳайвонот боғлари, шунингдек, Халқаро Қизил китоб ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва қсимликлар алоҳида мухофаза қилинадиган худдуудлар ва объектлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнг йилларда тўпланиб қолган экология муаммоларини ҳал этиш ишлари анча жонланади, атроф мұхитни мухофаза қилишга оид кенг кўлами тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мазкур ишларни янада кучайтириш атроф мұхитни мухофаза қилиш соҳасида давлат бошқаришнинг ташкилий ва хукуқий меъёрларини жиддий равишда такомиллаштиришни, табиат мухофзасига оид тадбирларни режалаштириш, молиялаш ва моддий-

техник жиҳатдан таъминлашни яхшилашни, илмий тадқиқотларни ривожлантиришни, аҳолини табиатга оқилона ёндошиш руҳида тарбиялашни талаб этади. Эндиликда атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига 1997 йил 1 январдан экология солиги жорий этилди. Экология солиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатларини қоплаш мақсадида жорий қилинди.

Экология солиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Давлат бюджети муносабати билан солиқ ислоҳотини чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан 1997 йил 1 январдан жорий этилган. Мазкур Фармонда ушбу соликнинг бир фоиз миқдоридаги ставкаси ҳам белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Экология солигини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги» йўриқнома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

## **2. Экология солиғи тұловчилари, солиққа тортиш объекті ва солиқдан имтиёзлар.**

Экология солиғи тұловчилари бўлиб товарлар ишлаб чиқарувчи, хизматлар кўрсатувчи ишлар бажарувчи юридик шахслар ҳисобланади. Ягона ер солиғи тұловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, ягона солиқ тұловчи микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда грампластинкалар (видеокассеталар, лазер дисклари) ишлаб чиқарувчи корхоналар бу солиқни тұламайдилар. Қатъий ставкада солиқ тұлаш белгиланган фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳам тұламайдилар.

Экология солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи (муомала харажатлари, давр харажатлари) ҳисобланади. Банклар ва суғурта идораларида эса жами харажатлар солиққа тортиш мақсадида ишлаб чиқариш таннархи деб аталади.

Муомала харажатлари солиққа тортиш объекти бўлиб воситачилик, таъминлов, тайёрлов ташкилотларида ишлатилади.

Солиққа тортиш мақсадида муомала харажатларига қуйидагилар киради:

сотиш харажатлари( мулк солиғи, Республика йўл фондига ажратма ва 0,7 фоиз пенсия фоидига ажратмалардан ташқари);

маъмурий бошқарув харажатлари;

бошқа операцион харажатлар киради.

Бу харажатлар 9400 - "Давр харажатларини ҳисобга олиш" счётида олиб борилади.

Солиққа тортиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўлиқ таннархи тушунчасига хўжалик ички оборотидан ташқари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини олиб борувчи счёtlарда ҳисобга олинувчи ялпи харажатлар суммаси олинади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари экология солиғи объектини кўрсатилган хизматларнинг ялпи харажатлари бўйича ҳисоблайдилар.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлаган «Тижорат банклари счёт режаларидағи сметанинг 5 - бўлими», «Фоиз харажатлари». 1996 йил, 13 ноябр, 290-сонли хати).

Экология солиғи ишлаб чиқариш таннархи ва муомала харажатлари ҳамда давр харажатларига нисбатан 1 фоизда белгиланади. Бу ерда объектдан бюджетга солиқ тұловлари, давлат мақсадли фондларига ажратмалар суммаси чегириб ташланади.

Солиқдан қуидагилар озод этилади:

ногиронларнинг жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассосацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг 50 фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар. Савдо, воситачилик, таъминот сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга бу имтиёз тегишли эмас;

мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий - техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб - ускуна, жихозлар, дидактик материал, болалар ва адабиёт олишга сарфласа;

гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар.

### **3. Экология солигини ҳисоблаш, солиқ ҳисобини тақдим этиш ва түлаш тартиби.**

Солиқ түловчилар экология солигини солиқ объекти ва ставкасидан келиб чиқиб, мустақил ҳисоблаб чиқадилар.

Экология солиғи бүйича солиқ ҳисоби йил чораклари ва йилга қисиб борувчи якун билан түзилади ва шу даврлардаги молиявий ҳисоботлар тақдим этилган пайтдан кечиктирмай солиқ идораларига топширилади.

Мисол учун 2005 йил "НУР" корхонасининг 2-чорак учун экология солиғи ҳисобини кўриб ўтамиш:

#### **2005 йил 2-чорак учун экология солиғи ҳисоби**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>ўлчов бирлиги</b>	<b>Сумма</b>
1	Махсулот (иш, хизматлар)нинг ҳисобот давридаги ҳақиқий ишлаб чиқариш (муомала харажатлари ва давр харажатларига)	м. сўм	500
2	Солиқ ставкаси	%	1
3	Солиқ суммаси	м сум	5
4	ўтган даврдаги (1-чорак) ҳисобланган солиқ суммаси	м сўм	2
5	ҳисобот давридаги бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси	м сўм	3

Ҳисобланган солиқ суммаси солиқ ҳисоби тақдим этилган кундан кечиктирмай ҳар чорақда тўланади.

Корхоналар ҳар хил турдаги фаолиятлар, яъни ишлаб чиқариш, савдо ва умумий овқатланиш, таъминлов, воситачилик, тайёрлов билан шуғулланишсалар ҳамма турдаги фаолиятларидан солиқ тўлайдилар.

Улар фаолият турлари бўйича алоҳида харажатлар ҳисобини олиб боришлари шарт. Корхона бўйича умумий харажатлар фаолият турларига қараб пропорционал равишда тақсимланади.

Экология солиғи давр харажатларида ҳисобот ойида олиб ҳисобга олиб борилади.

Солиқка тортиш обьекти муомала харажатлари бўлган корхоналарда ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ суммасини ҳисобот давридан кейинги ойнинг давр харажатларига киритадилар ва у солиқка тортиладиган базага киритилмайди.

Ҳисобланган солиқ суммаси 6400 счётнинг кредитида ва 9400 счётининг дебетида олиб борилади. Бюджетга солиқ ўтказилганда 6400 счёт дебетланади ва 5100 - счёт кредитланади.

## **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Экология солиғи нима мақсадда жорий этилган?
2. Экология солиғини кимлар түлайди ва солиқ объекти нима?
3. Экология солиғидан қандай имтиёзлар бор?
4. Экология солиғини ҳисоблашни ким ва қандай амалга оширади?
5. Экология солиғини түлаш муддатлари қандай?

## **18-мавзу: Бошқа солиқлар ва солиқсиз тўловлар (14 соат)**

### **Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:**

импорт товарларга нисбатан белгиланган ягона бож ставкасини босқичмабосқич камайтириш ва бождан озод этиладиган зарурий товарлар рўйхатини киритиш;

фондларга тўланадиган тўловлар юзасидан юридик шахсларни фаолият мақомидан келиб чиқиб гурухлаш ва назоратини ташкил қилиш муаммоси;

жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилиш солиғининг солиқ юки юқорилиги учун солиқ солишининг олдинги услубиятини қўллаш муаммоси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, истеъмол солиқлари, лицензия йиғимлари, рўйхатга олиш йиғимлари, солиқ обьекти, солиқ тўловчилар, солиқ ставкаси, солиқ бўйича имтиёзлар

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар: 3, 6, 8, 10, 11, 12, 20, 21

Қўшимча адабиётлар: 23, 25, 26, 28, 30, 31

## **1. Маҳаллий солиқлар ва йигимлар таркиби ва уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметирлари тўғрисидаги қарорида маҳаллий солиқлар ва йигимлар таркибини ҳам белгилаб беради.

2005 йил учун Қорақалпогистон Республикаси, ҳокимиятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан киритиладиган маҳаллий солиқлар ва йигимларнинг чегара ставкалари\*:

<b>Солиқлар турлари</b>	<b>Чегара ставкалари</b>
Жисмоний шахсларнинг истеъмоли солиғи: транспорт воситалари учун дизел ёқилғиси ва бензин учун. транспорт воситаларига суюлтирилган газ 2. Савдо қилиш хуқуқи учун йигим.	1 литрига 50 сўм 1 кг учун 50 сўм 1 ой савдоси учун 3,5 мин. иш ҳақи
3. Савдо қилиш хуқуки учун лицензион йигим: алкогол маҳсулотларига тамаки маҳсулотларига	1 ой савдоси учун 5 мин. иш ҳақи. 1 ой савдоси учун 5 мин. иш ҳақи
4. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йигими	5 минимал иш ҳақи

\*Ўз.Р. ВМнинг 2004 й. 28.12. даги 610-сон қароридан олинди.

Ушбу ставкалар бутун республикада ягона белгиланган. Маҳаллий солиқлар ва йигимлар тўғрисидаги йўриқнома қуидагиларга таъсир этмайди:

ягона солиқ тўловчиларига;

савдо ва уммумий овқатланиш корхоналарига; улар ялпи даромадидан солиқ тўлайдилар;

ягона ер солиғи тўловчиларига, алоҳида товарларга лецензия йигимидан ташқари;

тадбиркорликнинг алоҳида турлари билан шуғулланувчи ва қатъий солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларга тадбиқ қилинмайди.

Ялпи даромадидан солиқ тўловчилар савдо бинолари, майдонлари ва асбоб ускуналарини ижарага берсалар ундан олган даромаддан ҳамма маҳаллий солиқлар ва йигимларни тўлайверадилар.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қўйидагилар киради:

1. Мол - мулк солиғи;
2. Ер солиғи;
3. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
4. Кичик корхоналар ва микро фирмалар учун соддалаштирилган солик;
5. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан солик;
6. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилиш солиғи;
7. ўз ичига алоҳида товарларга лицензия йиғимини қўшган савдо хуқуки олиш йиғими;
8. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими олинади.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан киритилади ва бутун республика ҳудудида ундирилади. Уларнинг солик ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу соликларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби алоҳида йўриқномалар билан тартибга солинади.

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш ва транспорт ёқилғиларига истеъмол солиғи алоҳида йўриқнома билан белгиланади.

Мол-мулк ва ер солиғидан ташқари соликларни киритиш Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллий хокимият органлари томонидан олиб борилади. Соликларни тўлаш жавобгарлиги солик тўловчиларга юклатилган. Маҳаллий соликлар ва йиғимлар тўланганлигига асос бўлиб, банклар томонидан берилган ҳужжатлар ҳисобланади.

## **2. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига олинадиган солик.**

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига олинадиган солик (бундан кейинги ўринларда - солик) тўловчилари бўлиб жисмоний шахсларга бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ сотадиган, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Бунда уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар автомобилга ёнилғи қуишиш шохобчаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар солик тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Солик обьекти.

Жисмоний шахсларга сотилган ўзи ишлаб чиқарган ҳамда четдан харид қилинган бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газнинг натурал ҳажми солик солиш обьекти ҳисобланади.

Бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газни сотиш деганда уларни жисмоний шахсларга амалда бериш тушунилади.

Солик ставкаси ва ҳисоблаш тариби.

Солик ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ягона ҳисобланади.

Солик суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Солик суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ учун маблаг тўланиши билан бир вақтда ундирилади.

Солик суммаси қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = V \times St$$

бу ерда:

**N** - ҳисоблаб ёзилган солик;

**V** - жисмоний шахсларга сотилаётган бензин, дизель ёнилғиси ёки суюлтирилган газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

**St** - солик ставкаси.

ҳисоблаб чиқарилган ва ушланган солик суммаси хўжалик юритувчи субъектлар учун тушум деб ҳисобланмайди ҳамда бошқа тўланадиган соликлар, йигимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солик солиш обьекти бўлмайди.

Солиқ ҳисоюини юритиш тартиби ва уни тўлаш муддатлари.

Бюджетга солиқ тўловчилар сотилган бензин, дизель ёнилғиси, суюлтирилган газ ҳисоби ҳамда ҳисобланган солиқ суммалари ҳисобини алоҳида юритадилар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги бўйича - "Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиқ" илова ҳисобварагида юритилади, солиқни ўтказиши "ҳисоб-китоб вараги" ҳисобвараги бўйича акс эттирилади.

Солиқ маҳаллий бюджетга Ўзбекистон Республикаси бюджетлари даромад ва харажатларининг тегишли таснифига кўра бўлим ва параграфга тўланади.

Солиқ банк муассасалари орқали ҳар қн кунда, бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ жисмоний шахсларга сотилган ой қн кунлиги тугаганидан сўнг учинчи кундан кечиктирмай тўланади.

Жорий қн кунлик тўловлар ҳисобга олинган солиқ бўйича ҳисоб-китоб автомобилга ёнилғи қўйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига, Йўриқномага берилган иловага биноан, ҳар ойда, ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Бюджетга солиқ тўловчилар унинг тўғри ҳисобланиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида тўланиши учун жавобгар бўладилар.

Солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

# **Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиқнинг ХИСОЕ КИТОГИ**

## **ХИСОЙ-КИТОБИ**

### **200 – йил – чорак учун**

### **3. Савдо ҳуқуқи олиш йиғими, алоҳида товарларга лицензия йиғими.**

Савдо-сотик ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан товарларнинг айрим турларини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғимлар

Савдо-сотик ҳуқуқи учун йиғим ва товарларнинг айрим турларини, шу жумладан алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғим тўловчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган тартибда савдо-сотикни амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар (алкоголли маҳсулотлар сотишдан ташқари) ва юридик шахслар ҳисобланади.

Йиғим савдо-сотикни амалга ошириш ҳуқуқи учун тўланади. Савдо-сотик ҳуқуқи рухсат гувоҳномаси билан тасдиқланади.

Товарларнинг айрим турлари, шу жумладан алкоголли ва тамаки маҳсулотини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғим алоҳида тўланади.

Савдо-сотик ҳуқуқига рухсат гувоҳномаси ариза берувчининг (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг) аризасида кўрсатилган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кўп бўлмаган, муддатга берилади.

Савдо-сотик ҳуқуқига рухсат гувоҳномаси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан берилади.

Улгуржи савдо билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан йиғим ҳар ойда давлат рўйхатидан ўтказилган жойлар бўйича тўланади.

Чакана савдо билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан, йиғим ҳар ойда, ҳар бир савдо шохобчаси учун савдо фаолиятини амалга ошириш жойи.

Савдо ҳуқуқини олиш йиғими ва алоҳида товарларга, шу жумладан, алкогол ва тамаки маҳсулотларига лицензия йиғими тўловчилари бўлиб Ўзбекистон худудида чакана савдо шахобчалари орқали савдо қилувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. Чакана савдо шахобчалари магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари, савдо палаткалари ва лотоклар, киоскалар, прилавкалар, аптекалар ва бошқа обьектлар давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳсус ажратилган жойида савдо қилсалар киради.

Савдо ҳуқуқи олиш йиғими савдо қилиш учун берилган сертификат (гувоҳнома учун тўланади). У ҳар ойда уч ярим минимал иш ҳақи миқдорида (январь 2004 йил учун 19040 сўм) тўлаб борилади.

Алоҳида товарларга, шу жумладан алкогол ва тамаки маҳсулотларга лицензия йиғими алоҳида тўланади.

Сертификат савдо ҳуқуки учун 1 ойдан 12 ойгача берилади. У маҳаллий ҳокимият органлари томонидан берилади.

#### **4. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларни рўйхатдан ўтказиш йигими.**

Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йигим. Тўловчилар бўлиб янги барпо этилаётган юридик шахслар ёки юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хошишини билдирган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Давлат мол-мулки негизида барпо этиладиган акциядорлик жамиятлари, шунингдек дехқон хўжаликлари мазкур йигимни тўлашдан озод этиладилар.

Янги барпо этилаётган юридик шахс учун йигимни уларнинг муассислари (юридик ва жисмоний шахслар) тўлаши мумкин.

Йигим юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳаллий бюджетга банк муассасалари орқали тўланади.

Йигим рўйхатдан ўтказишга ариза берилгунга қадар тўланади.

Йўриқномага риоя этилиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

Рўйхатдан ўтказиш йигими тўловчилари бўлиб, юридик шахслар мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Давлат мулкчилиги асосида тўзилган акционер жамиятлари ҳамда дехқон хўжаликлари бу йигимдан озод бўладилар.

Янги ташкил этилаётган юридик шахслар учун йигимни уларни таъсисчилари тўлаб юбориши мумкин.

Йигим юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳаллий бюджетга банк муассасалари орқали тўланади. У ҳар йилда бир марта беш минимал иш хақи миқдорида тўланади.

Бошқа даромадлар маҳаллий солиқ йигимларида ташқари давлат бюджетига бошқа даромадлар ҳам тушади. Буларга конфискация қилинган (суд қарори билан) мулкларни сотишдан тушум, темир йўл, ҳаво йўли ва алоқа идораларида эгасиз, сўраб олинмаган буюмлар юкларни сўров муддати тўғагандан сўнг сотиб юборишдан тушумлар киради. Уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш алоҳида тартиб қоидаларга асосан амалга оширилади.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни кимлар тўлайдилар ва солиқ объекти нима ҳисобланади?
2. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан қандай имтиёзлар бор?
3. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджет даромадларидағи улуши қандай?
4. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш муддатлари қандай?

## **Адабиётлар рўйхати.**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2004.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. - Т.: Адолат, 2004.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Конуни. //Халқ сўзи, 29 август 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барўарорлик шартлари ва тараўкиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, - Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараўкиёт йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. С. Алимбоев ва бошқа. Солиқлар. Қкув қўлланма. - Т., 2000.
- 10.В. Беганов ва бошқа. Молия сиёсати, солиқлар ва солиқ солиш. -Т.: Иўтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998.
- 11.М. Йқлдошев, Й.Турсунов. Солиқ ҳуқуқи - Т.: Молия, 2000.
- 12.Т. Маликов Солиқлар ва солиқقا тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002.
- 13.Налоги и налогообложение (в вопросах и ответах): часть 1. Т.: ГНК, 1998.
- 14.Налоги и налогообложение в Российской Федерации (учебник для ВУЗов). - М.: Книжный мир, 1999.
- 15.Налоги. Учеб. пос. (Под.ред. Д.Г. Черника). - М.: Финансы и статистика, 1998.
- 16.Финансы. (Под. ред. Дробозиной Л.А.) -М.: ЮНИТИ, 2000.
- 17.Л. Хван. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудит информ, 2001.
- 18.К. Яҳёев Ўзбекистонда солиқ тизими -Т.: Мехнат, 2003.
- 19.К. Яҳёев Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. -Т.: 1999.
- 20.К. Яҳёев Соликка тортиш назарияси ва амалиёти -Т.: §. §улом, 2000.
- 21.Д. Черник Налоги в рыночной экономике. -М.: ЮНИТИ, 2000.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. М.Альмардонов, С.Худойқулов. Даромад (фойда)дан олинадиган солиқлар. Ўқув қўлланма. - Т.: ТМИ, 2002.
2. М.Альмардонов, А.Аманов. Солиқларни прогноз қилиш. Ўқув қўлланма. - Т.: ТМИ, 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги асосий макроиқтисодий қўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 610-сонли Қарори, 2004 йил 28 декабрь.
4. Бухгалтерский учет и налогообложение в бюджетных организациях. - М.: Издательский дом Герда, 2000.
5. И. Богатая, Н.Королёва, Л.Кузнецова. Как минимизировать ваши налоги. - М.: Финикс, 2001.
6. М. Карп. Налоговый менеджмент. Учеб. для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
7. Региональные и местные налоги и сборы. - М.: Бератор-пресс, 2002.
8. А. Кочетков. Анализ налоговых ошибок Учеб. пос. - М.: Дело и сервис, 2002.
9. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Молия ва нархлар илмий тадқиқот институти. 2003 й. 12-тўплам.
- 10.Солиқ тўловчи журнали 2002-2004 йиллар.
- 11.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси /журнал/. 2002-2004 йиллар.
- 12.«Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси. 2002-2004 йиллар.